

344

10 57

Н. ЮНУСОВ

**ПАТЕНТШУНОСЛИК,  
ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ  
ВАЗИРЛИГИ

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ

Н.ЮНУСОВ

ПАТЕНТШУНОСЛИК,  
ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА  
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ

(Ўқув кўлланма)



ТОШКЕНТ – 2017

УЎК: 339.166.5

КБК 65.428

Ю-57

Ю-57 Н.Юнусов. Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш". –Т.: «Aloqachi», 2017, 136 бет.

ISBN 978-9943-326-92-7

Бозор иқтисодиёти шароитида янги илмий-техник маҳсулот ва технологиялар интеллектуал мулк хисобланади. Бундай интеллектуал мулк муайян ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, "ноу-хау"лар, товар белгилари, ЭҲМ учун яратилган дастурлар, маълумотлар базаси ва бошка объектлардан таркиб топади. Бу объектларнинг тижорий баҳоси тӯридан-тўғри уларнинг юридик ва техник жиҳатдан қанчалик саводли химоя килинганлиги билан белгланади. Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш соҳасидаги билимлар бутун дунёга таалукли илгор технологияларга йўл очади, ўз ихтиrolарини яратиш, улардан самарали фойдаланиш йўллари. интеллектуал мулк объектларини сотиш ва сотиб олиш – лицензия битимларини тузиш, патент тадқиқотлари олиб бориши ва инновацион фаолият билан шугулланиши, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштиришга оид масалаларни ҳал этишга имкон беради.“Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш” фани бўйича мазкур ўкув қўлланма магистратура талабаларида юкорида қайд этилган масалалар бўйича билимлар ва кўникамларни шакллантиришга қаратилган.

Ўкув қўлланма 2-кисмдан таркиб топган. Унинг 1-кисми ўкув фанига тегишли назарий маълумотларни, 2-кисми эса амалий машгулотлар материаларини баён этишга багишиланган. Назарий кисм ва амалий машгулотларга оид ҳар бир мавзу сўнгига уни ўзлаштиришини енгиллаштиришга қаратилган назорат саволлари ва адабиётлар рўйхати келтирилган.

Ушбу ўкув қўлланмаси университет магистратурасининг барча мутахассисликлари бўйича таълим олувчи магистрантлар учун мўлжалланган.

*Тақризчилар:*

М.М.Мухитдинов – техника фанлари доктори, профессор;

Қ.П.Абдурахмонов – физика-математика фанлари доктори, профессор.

ISBN 978-9943-326-92-7

© «Aloqachi» нашриёти, 2017.

## **КИРИШ**

Маълумки, магистратура мутахассисликлари талабалари Олий таълимнинг давлат стандартлари талабларига мувофиқ ўқиши тутатганларидан сўнг илмий, илмий-педагогик ва ишлаб чиқариш амалиёти йўналишларида фаолият кўрсатадилар.

Шу сабабдан магистратуранинг барча мутахассисликлари ўқув режасига кўра умумметодологик фанлар блокида бошқа бир қатор фанлар каби бўлажак магистрларнинг амалий фаолияти нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга бўлган “Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш” фани бўйича 58 соатлик ҳажмда машғулотлар (20 соат - маъруза машғулотлари, 20 соат - амалий машғулотлар, 18 соат - мустақил иш) ўтказилиши кўзда тутилган.

“Патентшунослик, лицензиялаш ва сертификатлаштириш” фанининг айрим бўлимлари бўйича ҳорижий тилларда, жумладан, рус тилида эълон қилинган ўқув адабиётлари, қўлланмалари мавжуд. Бироқ ҳозиргача мазкур фан бўйича яхлит кўринишда ўзбек тилида бундай ўқув адабиётлари деярли яратилмаган.

Ушбу ўқув қўлланма мана шу камчиликни бирмунча бартараф этишга бағишланган.

Ўқув қўлланма ушбу фаннинг Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2012 йил 14 мартағи 107 сонли баённомаси билан тасдиқланган намунавий дастур асосида яратилди.

Ўқув қўлланма икки қисмдан иборат.

Унинг 1-қисмида ўқув режасида ушбу фанга ажратилган соатлар ҳажми доирасида интеллектуал мулк объектлари, уларнинг бозор иқтисодиёти шароитида жамият ҳаётидаги ўрни, ихтиро ва унинг турлари, ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базалари, интеграл микросхемалар топологияси, интеллектуал мулк объектларининг савдосига оид лицензия

битимлари ва уларнинг турлари, инновацион лойиҳалар, уларни рўёбга чиқариш босқичлари, мувофиқлик сертификати, маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш масалаларига оид назарий маълумотлар тизимли тарзда баён этилади. Ҳар бир мавзу сўнгидаги уни ўзлаштиришни енгиллаштиришга қаратилган назорат саволлари ва адабиётлар рўйхати келтирилган.

Кўлланманинг 2-қисмида эса патент тадқиқотларининг турлари, уларни амалга оширишнинг босқичлари, интеллектуал мулк обьектлари - ихтиро, саноат намуналари, товар белгиларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ хужжатларни тузиш кўниммаларини, маҳсулотни сертификатлаштириш тартиб ва қоидаларини ўзлаштиришга қаратилган амалий машғулотларнинг мазмуни ва уларга тегишли назорат саволлари келтирилган.

Ўқув қўлланмасида Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк обьектларининг муҳофазаси ва химояси, маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш соҳасидаги қонунчилигига оид маълумотларни баён этишга алоҳида эътибор берилган.

## **1-ҚИСМ**

### **ҮҚУВ ФАНИ БҮЙИЧА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

## **1- БҮЛІМ**

### **1.ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ ВА УНИНГТУРЛАРИ**

#### **1.1.Интеллектуал фаолиятнинг жамият тараққиётидаги ўрни**

Интеллект (ақл, тафаккур) инсонни ҳайвонот дунёсидан фарқловчи ва инсониятни тараққиётнинг янги сифат босқичларига күттарувчи асосий омилдир.

“Интеллект” сўзи лотин тилида ақл, тафаккур маъносини беради.

Инсон ўз интеллекти ёрдамида атроф дунёни ўрганади, яхши томонга ўзгартиради ва ўзининг ижодий салоҳиятини максимал рўёбга чиқариш йўлларини топади ва шу тариқа муттасил техник, иқтисодий ва маданий тараққиётни таъминлайди.

Қуйидагилар инсоният томонидан кашф этилган буюк ютуқлар саналади: ғилдирак, урчук, ёзув ва бошқалар.

Интеллектуал фаолият инсонлар жамияти тараққиётининг асосий омилидир.

Фан, санъат ва техник ижод интеллектуал фаолиятнинг энг муҳим турларидир.

#### **1.2. Интеллектуал мулк обьекти ва унинг турлари**

Бадиий асарлар ва санъат турлари, ихтиrolар, фойдалы моделлар, саноат намуналари ,товар белгилари, ЭҲМ учун дастурлар ва бошқалар интеллектуал мулк обьектлари деб аталади.

Интеллектуал мулк обьект (ИМО)ларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) адабиёт, фан, санъат асарлари, аудовизуал асарлар, ёзилган варак, тасвир, музикали клип, видеофильм;
- 2) ихтиро – бу янги техник ечим бўлиб, у техник соҳага оид муайян муаммони ечиш имконини беради. Фойдалы моделлар ҳам ихтиро хисобланади;

3) саноат намунаси – бу маҳсулотнининг ташқи кўринишини белгиловчи бадиий - конструкторлик ечими;

4) товар белгиси ва хизмат белгилари - ишлаб чиқарувчиларнинг бир турдаги товарларини ва хизматларини фарқлаш учун хизмат қиласиган белгилар;

5) товарлар тайёрланган жойнинг номи – товарни белгилаш учун фойдаланиладиган, мамлакат, ахоли яшайдиган худуд ёки бошқа географик объектнинг номи;

6) фирма номлари – муайян обрўга эга бўлган фирмалар номи.

Товар белгилари, хизмат белгилари ва фирма номлари орқали истеъмолчи ушбу товарни ёки хизматни ишлабчиқарувчи ким эканлигини аниqlаши мумкин;

7) электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ) учун яратилган дастурлар – ЭҲМ ва ЭҲМ тармоқларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи;

8) маълумотлар базаси – компьютер қидируви ва ахборотга ишлов беришни таъминлаш мақсадида тизимлаштирилган маълумотлар мажмуаси;

ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси моҳият эътибори билан саноат мулкига нисбатан муаллифлик ҳуқуқи объектларига яқин ва шунинг учун уларнинг ҳимояси муаллифлик ҳуқуқи нормалари бўйича олиб борилади;

9) интеграл микросхемалар топологияси – ИМС лар мажмуи ва улар орасидаги боғланишларнинг фазовий-геометрик жойлашуви таъминланган моддий ташувчи. ИМС топологиясининг моддий ташувчиси вазифасини интеграл микросхеманинг кристали, яъни ҳажмида ва юза сиртида микросхеманинг элементлари, элементлараро боғланишлари ва контакт майдончалари бўлган ярим ўтказгич пластинасининг бўлаги ўтайди;.

10) селекция натижасида эришилган ютуқлар – ўсимлик нави ва ҳайвонлар зотининг янги турини яратиш бўйича масаланинг биологик ечими.

Бу ечимлар мавжуд навлардан ва **зотлардан** бирмунча фарқ қиласи.

11) ошкор этилмаган ахборот, ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хай) – хизмат ва тижаат сирларидан иборат ва учинчи шахсларга маълум бўлмаганлиги туфайли аҳамиятга эга бўлган ахборот.

Билимларнинг янги соҳалари ривожлангани сари ИМО ларининг турлари кенгайиб боради. Йиллар ўтгани сари мавжуд мезонларни такомиллашти-ришни талаб этадиган янги обьектлар пайдо бўлади.

Инсоният тараққиёти тарихини рақобат тараққиёти тарихи деб қараш мумкин. Ҳаракатлантирувчи кучи рақобат бўлган бозор иқтисодиёти энг самарали иқтисодий тизимдир.

Рақобат инсон фаолиятининг барча соҳаларида юз беради.

Рақобат курашида фақат интеллектуал салоҳиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан энг самарали фойдаланишга қодир киши ғолиб чиқади.

Барча замонларда иқтисодий укладнинг асосини мулкка эгалик ташкил этган. Инсон фақат маълум нарсага мулқдорлик хуқуқига эга бўлса, бу уни мазкур нарсадан самарали фойдаланиш йўлларини қидиришга ундейди. Инсон ўзининг ижодий салоҳиятидан энг самарали тарзда фойдаланиш ва янги ихтиrolарни, илмий кашфиётларни ва ҳ.к ларни муттасил излашидан максимал манфаатдор бўлиши учун иккита омил – инсоннинг билишга, яратишга бўлган табиий интилиши ва ўз ижодидан оладиган реал натижа бир- бирига мос тушиши керак. Фақат мулқдоргина ўз буюмларидан максимал самарали ва оқилона фойдаланиши мумкин.

### **1.3. Интеллектуал мулк хукуки**

Инсон ўзининг интеллектуал меҳнати натижаларига мулқдорлик хуқуқига эга бўлиши моддий рағбатлантиришнинг энг яхши усули хисобланади. Фақат мулқдоргина ўз интеллектуал ижоди натижаларидан монопол фойдаланиши, шунингдек, уларни бошқа шахсларга ўз ҳоҳишига

кўра сотиши мумкин.

Ақлий меҳнат натижалари интеллектуал мулк бўлиши мумкин. Бу натижалар муайян моддий шаклда ифодаланиши мумкин. Иқтисодий жиҳатдан гуллаб яшнашдан манфаатдор бўлган ҳар қандай давлатнинг бош вазифаси – интеллектуал мулкни яратиш, унга эгалик қилиш ва фойдаланиш хуқуқини ҳимоя қилувчи тизимни таъминлашдан иборат. Интеллектуал мулк эгасига фойда келтириши ва жамият учун хизмат қилиши керак.

Дунёда ноинсоф рақобатчилар (пиратлар) мавжуд, улар жазоланмаган ҳолда бошқалар ғояларидан, техник ечимларидан, нисбатан паст баҳоли ўхшаш товарларидан уларни тайёрлаш учун керак бўлган илмий тадқиқотларга оид ҳаражатлар сарфламаган ҳолда нусха оладилар. Агар пиратлик билан кураш олиб борилмаса, инсониятнинг тараққиёти секинлашган ёки тўхтаб қолган бўларди.

Интеллектуал мулк хуқуки – бу интеллектуал мулк обьектларини яратиш, хуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ масалаларни тартибга соловчи хуқуқ соҳасидир. Интеллектуал мулкни хуқуқий тан олиш давлатнинг индустрисал, иқтисодий ва маданий тараққиёти учун ижодий фаолиятни рағбатлантириш воситаси бўлиб хизмат қиласди.

Интеллектуал мулк хуқуқини ишончли муҳофазалаш хуқуқий жамиятнинг иқтисодий ривожланиш кўрсатгичи ҳисобланади. Фақат шундай жамиятда ижодий кишилар, товар ишлаб чиқарувчилар, бизнесменлар ва ҳ.к.лар ўз меҳнатлари натижаларини кўрадилар ва уни давом этдириш учун иқтисодий рағбат оладилар.

Интеллектуал мулк эгаси фақат ўз хуқуқларини, уни юридик жиҳатдан тўғри расмийлаштириш, ҳимоя қилиш ва ундан фойдаланишни билса у интеллектуал мулк хуқуки тизими самараларидан фойдаланиши мумкин.

Интеллектуал мулк хуқуки қуйидаги иккита соҳани ўз ичига олади:

- саноат мулкига эгалик хуқуки – бу турдаги хуқуқ ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, шунингдек, товар ва хизмат белгилари,

товарлар туралынгандын номи, фирмалар номларига бўлган хукуқларни ҳимоя қилади;

- муаллифлик хукуқи ва турдош хукуқлар - уларга кўра илмий, адабий, мусиқий, бадиий, фотографик ва аудиовизуал асарлар учун хукуқлар, шунингдек, фонограммалар ишлаб чиқаришни бажарувчилар, эфир ва кабел эшиктириш ташкилотлари хукуқлари ҳимоя қилинади.

Саноат мулки ва муаллифлик хукуқига эга ИМОлар ўртасида туралынгандын ноанъанавий интеллектуал мулк объектлари ҳам мавжуд ва улар қуидагиларни ўз ичига олади:

- ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаси;
- ИМС топологиялари;
- селекция соҳасида эришилган ютуқлар;
- “ноу-хау”лар.

## **Хулоса**

Ушбу параграфда интеллектуал фаолиятнинг жамият тараққиётидаги ўрни қайд этиб ўтилди. Интеллектуал мулк обьекти ва унинг турлари қўриб чиқилди. Интеллектуал мулк хукуқи тушунчасига таъриф берилди ҳамда унинг турлари баён этилди.

## **Назорат саволлари:**

1. Интеллектуал фаолиятга таъриф беринг.
2. Интеллектуал фаолият турларини санаб кўрсатинг.
3. Интеллектуал мулк тушунчасига таъриф беринг.
4. Интеллектуал мулк обьектларини санаб кўрсатинг.
5. Ихтирога таъриф беринг.
6. Саноат намунасига таъриф беринг.
7. ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базасига таъриф беринг.
8. ИМС топологиясига таъриф беринг.

9. Селекция натижаларига таъриф беринг.
- 10."Ноу-хай" га таъриф беринг.
11. Интеллектуал мулк ҳуқуқи тушунчасига тавсиф беринг.?
12. Интеллектуал мулк ҳуқуқнинг қайси соҳаларини ўз ичига олади?
13. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга таъриф беринг.
14. Саноат мулкига эгалик ҳуқуқи тушунчасига таъриф беринг.
15. Муаллифлик ҳуқуқига эга ИМО ва саноат мулки ўртасида турадиган ноанъанавий интеллектуал мулк обьектларини санаб кўрсатинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- 1.Патентоведение: Учебное пособие / К. Шакамолов; Ташкентский государственный технический университет, Ташкент, 2001г., - 175с.
- 2.Джумаходжаев А.З. Патентоведение, Учебник для вузов, Ташкент, Изд-во “Мехнат”, 2001г. -352с.

## **2.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ МУХОФАЗАЛАШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИ. МУТЛАҚ ҲУҚУҚЛАР. УЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ БЎЙИЧА ХУЖЖАТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ. ҲИМОЯ МУДДАТИ**

### **2.1. Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулкни муҳофазалаш соҳасидаги қонунчилиги**

Интеллектуал мулк обьектларини яратиш, ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи соҳаси

бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси,

Фуқаролик кодексининг “4- Интеллектуал мулк” бўлими қоидалари билан муҳофаза қилинади [1-2]. Фуқаролик қонунчилиги актлари “пирамидаси” нинг кейинги босқичи алоҳида интеллектуал мулк обьектлари бўйича уларни яратиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид аниқ тартибларни белгиловчи тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари тўғрисида”ги Қонуни (06.05.1994й.), “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумот базаларининг ҳуқукий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни (06.05.1994 й), “Селекция ютуқлари тўғрисида” ги Қонун” (30. 08.1996 й.), “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида”ги Қонуни (30.08.2001й.), “Муаллифлик ҳуқуки ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни (20.07.2006й.), Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонуни. (18.09.2006й.), ”Интеграл микросхемалар топология-ларини ҳуқукий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (12.05.2011й.), “Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун хужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги Қонун (26.12.2011й.) шулар жумласидандир.

Қонунчилик “пирамидаси” алоҳида процедура механизmlарини тартибга солувчи турли йўриқномалар - норматив хужжатлар билан якунланади.

Конституция, Кодекслар, Қонунлар Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси томонидан қабул қилинади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Норматив хужжатлар тегишли Вазирликларнинг ўзлари томонидан қабул қилинади ва албатта Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори билан интеллектуал мулк соҳасида бир-биридан мустақил фаолият юритиб келаётган Давлат патент идораси ҳамда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги негизида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ташкил этилди.

Ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш; ихтиrolар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар белгилари ҳамда интеллектуал мулкнинг бошқа объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш, интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари ва бошқа интеллектуал мулк объектлари экспертизасини ўtkазиш ҳамда уларни давлат рўйхатига олиш; инновациявий технологиялар ҳамда ихтиrolарни, илмий-техникавий ва саноат ишланмаларини, бадиий-конструкторлик ҳамда ижодий ишларнинг бошқа турларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этишга ҳар томонлама кўмаклашиш; патент хужжатларининг давлат фондини ҳамда интеллектуал мулкнинг расман рўйхатдан ўtkazilgan объектлари тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, уларнинг сақланишини таъминлаш ва самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш;

интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид қонун хужжатлари талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилиш, республика худудига қалбаки товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва айланишига чек қўйиш чораларини кўришда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш; интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни

ривожлантириш; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари учун интеллектуал мулк соҳасида кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни амалга ошириш каби асосий вазифалар ва йўналишлар юклатилди [3].

Натижада халқимизнинг илмий-техникавий ижод эркинлигидан самарали фойдаланиши учун янада кенгроқ шароитлар яратилди. Интеллектуал мулк соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, ягона ёндошувни таъминлаш, мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги халқаро шартномаларини тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича яхлит тизим вужудга келди.

Интеллектуал фаолият натижаларининг эгаси шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқларга эга. Шахсий номулкий ҳуқуқ - бу муаллифлик ҳуқуқидир. Муаллиф бўлиб, фақат ижодий меҳнати билан яратилган фуқаро (жисмоний шахс) тан олиниши мумкин. Агар мазкур обьект бир неча шахс томонидан яратилган бўлса, улар ҳаммуаллифлар деб тан олинади. Бунда муаллифлик бегоналаштирилмайдиган ҳуқуқ бўлиб, ҳатто муаллиф муаллифлик ҳуқуқини бирор шахсга бермоқчи бўлганида ҳам бошқа шахсларга ўтиши мумкин эмас ва бундай келишув ҳақиқий ҳисобланмайди. Муаллифга муаллифлик номи сир сақланадиган қилиб берилади. Унга кўра муаллиф ўз обьектига хусусий ёки маҳсус ном бериши мумкин.

Қонун муаллифлик презумпциясини - дахлсизлигини белгилайди. Унга кўра муаллиф тескариси исботланмагунича муаллиф ҳисобланади.

Товар белгилари, фирма номлари, товар тайёрланган жойнинг номида фақат мулкий ҳуқуқ бўлиши мумкин.

Демак, товар белгилари ва ҳ.к.ларда муаллиф бўлиши мумкин эмас [6].

## 2.2. Мутлақ ҳуқуқлар

Мулкий ҳуқуқ мутлақ ҳуқуқ ҳисобланади. Бу ҳуқуқга кўра унинг эгаси ушбу обьектдан исталган шаклда ва исталган усулда ўз ҳохишига кўра

шахсий тарзда фойдаланади. Мухофаза қилинаётган ИМО дан фойдаланган ҳолда яратилган маҳсулотни рухсат этилмаган ҳолда тайёрлаш, қўллаш, олиб келиш, сақлаш, савдога қўйиш, сотиш ва хўжалик муомиласига бошқа ҳолдаги киритиш (жумладан, патентланган усулни қўллаш ёки хўжалик муомиласига киритиш) мутлақ кўринишдаги хуқуқни бузиш ҳисобланади.

Мутлақ шаклдаги хуқуқ қуидаги ҳолларда чекланиши мумкин:

- Ўзбекистонда мухофаза қилинган ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари таркибида бўлган қурилмаларни Париж конвенцияси қатнашчиси бўлган бошқа давлат транспорт воситаларида қўллаш. Мазкур восита вақтинча ёки тасодифан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган бўлса ва агар бу қурилмалар фақат ва фақат ушбу восита эҳтиёжлари учун фойдаланилса;
- таркибида патентланган объектлар бўлган воситалар устида илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- таркибида патентланган объектлар бўлган воситаларни ҳалокат ва катастрофалар вақтида қўллаш;
- таркибида патентланган объектлар бўлган воситаларни қўллаш, агар бу воситалар хўжалик муомиласига патент эгаси томонидан ёки унинг лицензияси бўйича қонуний йўл билан киритилган бўлса;
- дори воситаларини шахсий мақсадларда даромад олмаган ҳолда қўллаш;
- дориларни врач рецепти бўйича бир марталаб тайёрлаш.

Аввал фойдалангандик хуқуки шундаки, агар ҳар қандай шахс устуворлик санасигача патентланган объект муаллифларига боғлиқ бўлмаган ҳолда айнан ўхшаш ечимдан фойдалангандик бўлса, бу шахс ундан ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиргмаган ҳолда фойдаланиш хуқуқини сақлаб қолади.

Аввал фойдалангандик хуқуки бошқа шахсга фақат ўхшаш ечим фойдаланилган ишлаб чиқариш билан бирга берилиши мумкин.

Хизмат вақтида яратилган ихтиrolар учун хукуқ муаллифга иш берувчига тегишли бўлади. Бу хукуқлар муаллиф ва иш берувчи ўртасида ишга қабул қилиш вақтида келишилади.

ИМО учун мутлақ шаклдаги хукуқ маълум муддатгача амалда бўлади. Шахсий номулкий хукуқлар муддатсиз амалда бўлади.

ИМО лар эгаларига фақат улардан фойдаланилган ҳолдагина фойда келтириши мумкин. Агар ИМО эгаси ўз мулкидан самарали тарзда фойдалана олмайман деб ҳисобласа, у бу мулкни ўзига фойда келтирадиган ҳолда сотиши ёки вақтинча фойдаланишга бериши мумкин. ИМО учун мутлақ шаклдаги хукуқ унинг эгаси томонидан бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман берилиши мумкин.

Хукуқларни бериш лицензия битими билан расмийлаштирилади. Битимда узатиладиган хукуқлар ҳажми, фойдаланиладиган ҳудуд, муддатлар, шунингдек, лицензиарнинг (ИМО ни сотувчининг) лицензиатга (ИМО ни сотиб оловчига) у берган лицензия учун тўловлари кўрсатилади.

Фуқаролик кодекси билан қўйидаги лицензия турлари белгиланган:

- оддий (мутлақ бўлмаган) лицензия. Бу турдаги лицензия бўйича лицензиар лицензиатга лицензия предметини муайян шартлар билан ва ҳудудда, келишилган муддат давомида фойдаланиш хукуқини беради. Бунда бир вақтнинг ўзида лицензиар учун бу лицензия предметидан фойдаланиш, шунингдек, лицензияни бошқа шахсларга тақдим этиш хукуқи сакланади;

- мутлақ шаклдаги лицензия. Бу турдаги лицензия бўйича лицензиатга

ИМО дан фойдаланиш бўйича мутлақ хукуқ берилади (лицензия битимида келишилган чегараларда, лицензиар учун ИМО нинг лицензиатга берилмаган қисми бўйича фойдаланиш хукуқи саклангани ҳолда);

- тўлиқ лицензия - асосан, патентланган лицензия. Бу турдаги лицензияга кўра лицензиар (патент эгаси) лицензиатга ИМО дан фойдаланиш бўйича барча хукуқларни муҳофазаловчи хужжатни бутун қолган муддатга ҳар қандай чекловларсиз, жумладан, ҳудудий жиҳатдан чекловсиз беради. Бу

турдаги лицензия фақат саноат мулки объектларига берилади.

Қонун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги томонидан рўйхатга олиниши кераклигини кўзда тутади, акс ҳолда улар юридик кучга эга бўлмайди.

ИМО патент эгаси вафот этган ҳолда Қонун унинг мулкнинг моддий объектлари каби мерос бўйича ўтишини ёки патент эгаси юридик шахс бўлган бўлса, у қайта ташкил этилганида (масалан, банкротлашганида) унинг меросхўрига ўтишини кўзда тутади.

ИМО эгаси ўз хуқуқларидан фойдаланишга мажбур. ИМО дан патент рўйхатга олинган санадан бошлаб уч йил давомида бутунлай фойдаланилмаган ёки етарли даражада фойдаланилмаган ҳолда ҳар қандай шахс судга унга лицензияни фойдаланиш чегараларини, муддат ўлчамини ва бозор нархи бўйича тўлов тартибини белгилаган ҳолда мажбуран бериш тўғрисида мурожаат қилиши мумкин (агар патент эгаси ИМО дан фойдаланмаслик узрли сабаблар бўйича юз берганини исботламаса).

### **2.3. Мутлақ хуқуқларни ҳимоялаш бўйича хужжатларнинг турлари.**

#### **Ҳимоя муддати**

Мутлақ хуқуқлар қуидаги усууллар билан ҳимоя қилинади:

- агар бундай хуқуқлар у ёки материал объектда бузилса, бу объект хўжалик муомиласидан чиқарилади (бундай чиқаришдан сўнг объект қонуний тартибда йўқотилиши мумкин);
- хуқуқ бузилганлиги ҳақида унинг ким томонидан бузилганлиги ҳақида матбуотда албатта эълон қилиниши керак (фаолият обрўсини тиклаш учун).

Патент хуқуқининг бузилганлиги учун айбдор шахс зиён учун товоң тўлаши (зиённи компенсациялаши), яни зиённи тўлдириши керак. Патент эгаси хуқуқ бузувчиси томонидан олинган даромадни талаб қилиш хуқуқига

эга.

Товар белгисидан ноқонуний фойдаланилгани ҳолда (товар белгисини ўзгартириш мумкин бўлмаган ҳолда) бундай товарлар йўқотилади.

Ўзгалар ҳуқуқини бузган шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Муаллифлик ҳуқуқининг қуидаги муддатлари белгиланган:

- адабиёт, мусиқа асарлари ва бошқа обьектлар учун муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун умри давомида ва унинг ўлимидан сўнг 50 йил давомида, агар муаллифлар бир нечта бўлса, охирги вафот этган муаллифнинг ўлимидан сўнг 50 йил давомида сақланади;

- турдош ҳуқуқлар бўйича унинг ёзилиши ва амалда бўлиш муддати ёзилиши ва биринчи ижроси (асарнинг эфирга чикқани)дан сўнг 50 йил давомида сақланади.

Ўзбекистонда саноат мулки обьектлари учун қуидаги мухофазаловчи хужжатлар амал қиласди:

1) ихтиро учун патент – унинг моҳияти бўйича экспертиза ўтказилган санадан бошлаб 20 йил давомида амалда бўлади;

2) дастлабки патент – устуворлик берилган санадан бошлаб 5 йил давомида амалда бўлади, у моҳияти бўйича экспертиза ўтказилганидан сўнг берилади;

3) саноат намунаси учун патент – устуворлик берилган санадан бошлаб 10 йил давомида амалда бўлади (моҳияти бўйича экспертиза ўтказилганидан сўнг яна 5 йилга узайтириш имконияти билан);

4) саноат намунаси учун дастлабки патент - устуворлик санасидан бошлаб 5 йил давомида амалда бўлади (дастлабки экспертизадан сўнг моҳияти бўйича экспертиза ўтказилиб, патентга ўзгартирилиши мумкин);

5) фойдали модел учун патент – устуворлик санасидан бошлаб 5 йил давомида амалда бўлади (дастлабки экспертиза ўтказилганидан сўнг 3 йилга узайтирилиш имконияти билан).

б) товар белгиси учун гувоҳнома – устуворлик санасидан бошлаб 10 йил давомида амалда бўлади (экспертиза ўтказилганидан сўнг ҳар сафар 10 йилга узайтирилиш имконияти билан).

Муаллифлик ҳуқуқи адабиёт, фан, санъат асарларининг муайян тарзда ифодаланган шаклини ҳимоя қиласи. Бундай ифодалашнинг формати сўз, символлар, мусиқа, тасвирлар, уч ўлчамли предметлар ёки бу шаклларнинг комбинацияси бўлиши мумкин (масалан видеофильм, янги кўйилган спектакл, опера). Муаллифлик ҳуқуқи ҳар қандай турдаги асарни тамошабинларга кўрсатишларни рухсат олинмаган ҳолда нусха олиш, тиражлаштириш ва бошқа усувлардан ҳимоя қиласи.

Бироқ муаллифлик ҳуқуқи у ёки бу асарда ифодаланган ғояларнинг ўзини ҳимоя қилмайди. Масалан, сиз янги қурилма ихтиро қилдингиз ва бу ҳақида журналда элон қилдингиз, сизнинг муаллифлик ҳуқуқингиз фақат бу журнални рухсат берилмаган тарзда кўпайтирилган ҳолда бузилган бўлади, ҳар қайси киши журнални ўқиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши ва мазкур қурилмани сотиш ҳуқуқига эга.

Деярли барча мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқини муҳофазалаш асарнинг яратилиши, унинг эълон қилиниши онидан бошланади ва ҳимоя хужжати ва турли хил рўйхатга олишларни талаб этмайди, бахсли масалалар судлашиш тартибида ҳал этилади.

Саноат мулки бевосита ғояни, яъни кўп мартараб ишлатилиши мумкин бўлганган маҳсулотнинг техник, бадиий ва бошқа моҳиятини ҳимоя қиласи. Яна бир муҳим фарқ шундаки, саноат мулки учун ҳуқуқ обьектнинг яратилиши онидан бошлаб автоматик равишда амал қилмайди ва фақат ҳимоя хужжати (патент, дастлабки патент ва ҳ.к.лар) мавжуд бўлганидагина ҳимояга олинади.

Бу ҳимояловчи ҳужжатда давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқлар хажми аниқ тарзда кўрсатилади. Ихтиро ва саноат намуналари учун ҳимоя хужжати – патент, товар белгилари, ЭҲМ учун яратиган дастурлар ва

маълумотлар базаси, ИМС топологияларининг ҳимоя хужжатлари гувоҳномалар деб аталади.

Шундай қилиб, ихтирочи патент орқали техника даражасини ошириб, ўз ижод маҳсулини жамият учун беради, давлат эса, унинг ихтирога монопол хукукини кафолатлади.

Патент – саноат мулки обьекти учун давлат томонидан бериладиган ва муайян худудда, муайян вакт давомида амал қилувчи ҳимоя хужжатидир.

Бир давлатнинг патентлари бошқа давлат худудида амал қилмайди.

Ҳимоя хужжати берилиши учун талабнома маҳсус давлат органи – Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигига топширилади.

Бу идора ИМО учун топширилган хужжатларни кўриб чиқиш учун талабномаларни қабул қиласди ва уларни экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказади, ҳимоя хужжатлари беради, расмий маълумотларни матбуот орқали нашр қиласди ва ҳ.к.

Ҳар бир патент муайян жисмоний ва юридик шахсга – патент мулкининг эгасига берилади.

### **Хулоса**

Ушбу параграфда Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулкни муҳофазалаш соҳасидаги қонунчилиги асослари ҳақидаги маълумотлар баён этилди. Мутлақ хукуқларга таъриф берилди. Мутлақ хукуқларни ҳимоялаш бўйича хужжатларнинг турлари, ИМО ларни ҳимоялаш муддатлари масалалари кўриб чиқилди.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикасида интеллектуал мулк обьектлари қонунчиликнинг қандай “пирамида” си асосида муҳофазаланади?
2. ИМО ни ҳимоялашда қўлланиладиган мутлақ хукуққа таъриф

беринг.

3. Мутлақ хуқуқни ҳимоя қилишнинг қандай турларини биласиз?
4. ИМО объектлари учун муаллифлик хуқуқини ҳимоялашнинг қандай муддатлари белгиланган.
5. ИМО лар қандай хужжатлар асосида ҳимоя қилинади?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси. Тошкент “Ўзбекистон” нашриёти, 2003 й. -40 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “4-Интеллектуал мулк” бўлими. 1996 йил 29 август, 256-1 сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-312 сон Қонуни билан охирги ўзгартиришлар киритилган).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. 24.05. 2011й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” ги Қонуни (06.05.1994й.). Мазкур Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 26.12.1997й.№ 549-1 Қонуни билан тасдиқланган.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида” ги Қонуни. (30.08.1996 й.). Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 20.07.2006 й. N ЎРҚ -42 – сон Қонуни, ЎзР 21.12.2011 й. ЎРҚ -311 – сон Қонуни, ЎзР 29.12.2012 й. ЎРҚ -345 – сон Қонуни, ЎзР 07.10.2013 й. ЎРҚ -355 – сон Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари , хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида” ги Қонуни (30.08.2001й.). Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 30.08.2002 й. 405-11- сон Қонуни, ЎзР 19.09.2007 й. ЎРҚ -111 – сон Қонуни, ЎзР 26.12.2011 й. ЎРҚ -312 – сон Қонуни,

ЎзР 29.12.2012 й. ЎРҚ -345 – сон Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикасининг ”Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни. (06.05.1994й. N 1060-X11). Мазкур Қонунга қуидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 05.04.2002й. 364 –11- сон Қонуни, ЎзР 30.08.2002 й.405–11- сон Қонуни, ЎзР 26.12.2011 й. ЎРҚ -312 – сон Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикасининг ”Интеграл микросхемалар топологиясини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (12.05.2001й. N 218-11). Мазкур Қонунга қуидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган:  
ЎзР 30.08.2002й. 405 –11- сон Қонуни, ЎзР 26.12.2011й. ЎРҚ -312 – сон Қонуни.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонуни. (18.09.2006й. ЎРҚ -51 – сон Қонуни).

10. Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонуни. (30.08.1996й. N 270-1 – сон Қонуни). Мазкур Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 29.08.2002й. 395 –11- сон Қонунига мувофиқ тасдиқланган ва унга ЎзР 26.12.2011й. ЎРҚ -312 – сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

11. Ўзбекистон Республикасининг ”Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуни, 25.05.2000й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 8-модда; ЎРҚХ 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2011 й., 36-сон, 363-модда; 2013й., 18-сон, 233-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда.

12. Патентоведение: Учебное пособие /К. Шакамолов; Ташкентский государственный технический университет, Ташкент, 2001г. -175с.

### **3.ИХТИРО ВА ИХТИРОЛАРНИНГ ПАТЕНТГА ЛАЁҚАТЛИГИ**

#### **3.1. Ихтиро тушунчасининг таърифи ва ихтиро турлари**

Ихтиrolар тарихи инсон ўзининг биринчи меҳнат қуролини яратиш пайтидан бошланган. Ўшандан буён ихтиро техника ривожининг, демак, жамият тараққиётининг мотори – ҳаракатлантирувчи қучи бўлиб келмоқда.

Жамиятнинг муттасил ўсиб борувчи моддий, ижтимоий ва маданий эҳтиёжлари ихтиrolар яратилишининг асосий сабабидир. Жамиятнинг ривожланиши билан бу эҳтиёжлар, бир томондан тўлик, бошқа томондан кам ҳаражатли бўлиб қаноатлантирилиши керак.

Ихтиро - бу янги ғоя, техниканинг бирор соҳасига оид ва белгиланган мезонларга жавоб берадиган янги техник ечимдир.

Техника соҳаси кўп қиррали тушунча бўлгани учун, ихтиrolар деб ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлган турли хил объектлар тан олиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига қўра қўйидаги объектлар ихтиро деб тан олинади:

- конструктив белгиларининг мавжудлиги ва ўзаро боғлиқлиги билан характерланувчи объектлар – қурилма, турли хил конструкциялар, маҳсулотлар;
- моддий объектлар устида бошқа моддий объект ёрдамида турли хил амалларни бажаришга мўлжалланган усуллар, жараёнлар, турли хил технологик жараёнлар;
- ўз сифат таркиби билан характерланувчи моддалар, масалан, қотишмалар, композициялар, турли хил молекуляр бирикмалар ва ҳ.к.лар.
- микроорганизмлар, маданий ўсимликлар турлари ва ҳайвонлар штамм-лари – анъанавий, гибрид ва турли хил маданийлаштирилган штаммлар;
- илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг

микроорганизмлар штамларининг янги мақсадда қўллаш.

Қонунчиликка мувофиқ қўйидаги объектлар ихтиро сифатида тан олинмайди:

- илмий назариялар ва математика усуллари;
- хўжаликни ташкил этиш ва бошқариш усуллари;
- шартли белгилар, жадваллар, қоидалар;
- ақлий операцияларни бажариш қоидалари ва усуллари;
- электрон ҳис облаш машиналари учун алгоритмлар ва дастурлар;
- бинолар, иншоотлар, ҳудудларни режалаштириш лойиҳалари ва схемалари;
- эстетика талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган, маҳсулотларнинг фактат ташқи кўринишига оид ечимлар;
- интеграл схемаларнинг топологиялари;
- ўсимлик навлари ва ҳайвон зотлари;
- жамоат манфаатлари ва инсонпарвалик ва аҳлоқ қоидаларига зид ечимлар.

Фойдали модель ихтирога яқин интеллектуал мулк объектидир.

Фойдали модель - ўзига хос “кичик ихтиро” бўлиб, принцип жиҳатидан ихтиродан қўйидаги икки асосий жиҳати билан фарқ қиласди:

1) амалиётбоп қилиб тайёрланган ишлаб чиқариш воситалари ва истемол буюмлари, шунингдек уларнинг таркибий қисмлари фойдали моделлар жумласига киради. Тегишли равишда усуллар, моддалар, микроорганизм штамлари, ўсимлик ва ҳайвонлар хужайраларининг турлари, шунингдек, уларнинг янги мақсадда қўлланилиши фойдали модель сифатида муҳофаза қилинмайди;

2) фойдали модельнинг патентга лаёқатлик мезонларининг ихтиро мезонларидан фарқи шундаки, у патент беришнинг нисбатан соддалаштирилган процедураси билан амалга оширилади.

### **3.2.Ихтирони тавсифловчи жиҳатлар**

Қуидагилар қурилмани ихтиро сифатида характерловчи сабаб бўлиши мумкин:

- 1) бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган конструктив элементлар (деталлар, узеллар) мажмуи. Шуни айтиш жоизки, турли хил элементларнинг оддий (шунчаки) йиғиндиси қурилма бўлмайди. Қурилмада ҳар бир элемент (деталь, узел) бошқа элементлар билан жуда бўлмаганида битта элемент орқали ўзаро боғлиқ (масалан, уланган, маҳкамланган) бўлиши керак. Қурилманинг айрим элементлари конструктив – механик жиҳатдан боғланишларга эга бўлмаслиги, бироқ физик муҳит (масалан, электромагнит майдон) ёрдамида ўзаро таъсиrlашиши мумкин. Радиоузатгич - радиоқабулқилгич туридаги тизим бунга мисол бўлаолади;
- 2) элементлар (деталлар, узеллар)нинг ўзаро жойлашуви;
- 3) элементлар орасидаги боғланишларнинг мавжудлиги, бу боғланишлар конструктив, функционал ёки комбинацияланган кўринишда бўлиши мумкин;
- 4) боғланишларнинг бажарилиш шакли;
- 5) ҳар қандай деталь, қурилманинг ҳар қандай узели, жумладан, унинг геометрик кўриниши (агар у масала ечимининг эстетик жиҳатини эмас, унинг техник моҳиятини намоён этса) нинг бажарилиш шакли;
- 6) деталлар ва қурилма элементлари ва уларнинг характеристикалари ва параметрлари, улар орасидаги боғланишлар;
- 7) қурилма ёки унинг конструктив элементлари (деталлари, узеллари) тайёрланган материал.

Усул – бошқа турдаги ихтиро объектиdir.

Қуидагилар усулни ихтиро сифатида тавсифловчи белгилардир:

- 1) амаллар ёки амаллар(операциялар) мажмуининг мавжудлиги;
- 2) амалларни (операцияларни) вақт давомида (кетма-кет, бир вақтнинг ўзида, турли хил биргаликда) бажарилиш тартиби;

3) амаллар, режимлар, моддалар, қурилмалар ва ҳ.к.ларнинг бажарилиш шартлари.

Моддаларга қуйидагилар киради:

1) кимёвий бўлмаган, яъни грединтларни оддий аралаштириш йўли билан олинган моддалар;

2) физикавий- кимёвий ўзгаришлар йўли билан олинган моддалар;

3) кимёвий йўл билан олинган, жумладан, юқори молекуляр моддалар.

Ихтиро объектларининг охиргиси – бу аввалдан маълум бўлган қурилма, усул, моддалар, штаммларни янгича мақсадда қўллашдир.

Ушбу объектнинг характеристикаси қўлланиладиган объектни етарли даражада идентификацияловчи қисқача характеристикадан таркиб топади. Шундан сўнг объектнинг янгича мақсад бўйича қўлланиши кўрсатилади.

### **3.3. Ихтиrolарнинг патентга лаёқатлиги**

Ихтирога патент (ёки дастлабки патент) олиш фақат экспертиза бу ихтирони патентга лаёқатли деб тан олганидан сўнг мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ихтиронинг патентга лаёқатлик мезонлари (шартлари) қуйидагилардан иборат:

- янгилиги;
- ихтирилик даражаси;
- саноатда қўлланишлиги.

Ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражасидан маълум бўлмаса, янги деб ҳисобланади.

Ихтиро, башарти у техника тараққиёти даражаси ҳақидаги маълумотлардан яққол аёнг бўлмаса, ихтирилик даражасига эга бўлади.

Техника тараққиёти даражаси ихтиро устуворлиги санасига қадар жаҳонда оммага ошкор бўлган ҳар қандай маълумотларни ўз ичига олади.

Ихтиронинг янгилигини аниқлаш чоғида бирмунча олдин устуворликка

эга бўлган ҳолда топширилган ва қайтариб олинмаган талабномалар ҳам ҳисобга олинади.

Ихтиро, башарти уни саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда қўллаш мумкин бўлса. саноатда қўллаш мумкин ҳисобланади.

Бунда жаҳонда ихтиро устуворлиги санасигача барчага маълум бўлган ҳар қандай маълумотни ўз ичига олган техника тараққиёти даражасини шартли равишда икки қисмга ажратиш мумкин:

- 1) матбуотда эълон қилинганилиги ва ахборот манбайнинг очик кўри-нишга эга эканлиги;
- 2) ўхшаш ихтиrolар (қурилма, усул ва ҳ.к.лар)дан очик фойдаланиш фактлари.

Турли мамлакатлардаги патент ҳуқуқига кўра техника тараққиёти даражасига киритиладиган маълумотларга боғлиқ равишда патент экспертизасини ўтказиш чоғида янгиликнинг қуидаги турларини фарқлаш қабул қилинган:

- 1) абсолют янгилик – экспертиза ўтказиш чоғида ихтиро устуворлиги санасигача жаҳонда барчага ошкор бўлган ҳар қандай маълумот эътиборга олинади;
- 2) нисбий жаҳон янгилиги – экспертиза чоғида жаҳоннинг исталган мамлакатида матбуотда эълон қилинган ахборот манбалари эътиборга олинади, очик фойдаланиш фактлари эса, фақат улар патент сўраладиган давлат худудида бевосита бўлган ҳолларда ҳисобга олинади;
- 3) маҳаллий янгилик – техника даражаси шу мамлакатнинг патентлашга оид хужжатлари ёки талабнома берувчи ўз талабномасида келтирган маълумотлар билан чекланади.

Патент бериш учун патент экспертизасини (моҳият бўйича экспертизани) ўтказиш чоғида берилган талабномага тегишли объект (қурилма, усул ва ҳ.к.лар)нинг абсолют жаҳон янгилиги мезонларига мувофиқлиги

текширилади, дастлабки патент ёки фойдали модель учун патент бериш учун экспертиза (дастлабки экспертиза) чоғида – уларнинг маҳаллий янгилиги мезонларига мувофиқлиги текширилади.

Талабнома берилган ихтиро янгилик мезонига мувофиқ эмас деб эътироф этилиши фақат экспертиза томонидан қарши қўйилган ахборот манбаи талабнома берилган ихтиро формуласида кўрсатилган барча белгиларни ўз ичига олган ҳолдагина мумкин.

Ихтиронинг ихтириолик даражасини экспертиза қилиш чоғида аввал техника тараққиёти даражасидан ихтиро аналоги ва унинг прототипи аниқланади.

### **3.4. Ихтиро аналоги ва прототипи.**

#### **Саноатда қўлланишилик мезони**

Ихтиро аналоги деб устуворлик санасигача маълум бўлган ва ихтиро белгиларига ўхшаш белгиларга эга бўлган техник ечимга айтилади.

Ихтиро прототипи – белгилар мажмуи бўйича ихтирога энг яқин бўлган ихтиро аналогидир.

Сўнг талабнома берилган ихтиронинг маълум прототипи белгиларидан фарқланувчи белгилари аниқланади ва ечимнинг бу фарқланувчи белги билан мос келувчи белгиларга эга бўлган техника даражаси аниқланади. Шундан сўнг талабнома берилган техник ечим ошкор турли ечимлардан маълум бўлган белгиларнинг йиғиндисими ёки ихтириолик даражасига эгами - шу ҳол баҳоланади.

Патентга лаёқатликнинг кейинги мезони унинг саноатда қўлланишидир. Бу дегани ихтиро қўлланишининг мақсадга мувофиқлиги эмас, фақат ундан фойдаланиш имкониятининг принцип жиҳатидан мавжудлигидир. Бозор иқтисодиёти шароитида фақат бозоргина ҳар қандай ихтиронинг ҳақиқий баҳосини ва ундан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини белгилаши мумкин.

Моҳияти бўйича экспертиза ўтказиш чоғида патентга лаёқатликнинг

учта мезонидан, биринчи бўлиб ихтиронинг саноатда қўлланишилиги мезонига мувофиқлиги текширилади. Зоро, ихтиронинг патентга лаёқатлигини тан олиш учун унинг барча мезонларга мувофиқлиги талаб этилади, ижобий бўлмаган қарор учун эса, ихтиронинг бу мезонлардан фақат биттасига номувофиқлиги етарлидир.

Янгилик ва ихтирилик даражаси учун текширишни фақат саноатда қўлланиладиган ихтиrolар учун ўтказиш мақсадга мувофик.

## **Хуроса**

Ушбу параграфда ихтиро тушунчасига таъриф келтирилди, ихтиронинг турлари, ихтирони тавсифловчи жиҳатлар, ихтиронинг патентга лаёқатлик мезонлари, ихтиронинг аналоги ва прототипи тушунчаларининг моҳияти кўриб чиқилди ва таҳлил этилди.

### **Назорат саволлари:**

1. Ихтиро тушунчасига таъриф беринг.
2. Кандай обьектлар ихтиро деб тан олинади?
3. Кандай обьектлар ихтиро деб тан олинмайди?
4. Ихтиронинг қандай турлари мавжуд?
- 5.“Қурилма” туридаги ихтирони тавсифловчи белгиларни санаб кўрсатинг.
6. “Усул” туридаги ихтирони тавсифловчи белгиларни санаб кўрсатинг.
7. “Модда” туридаги ихтирони тавсифланг.
8. “Янги мақсадда қўллаш” туридаги ихтирони тавсифланг.
9. Ихтиронинг патентлашга лаёқатлиги мезонларини санаб кўрсатинг.
10. Ихтиронинг патентлашга лаёқатлигини

аниқлашдаги “янгилик” мезонини тавсифланг.

11. “Ихтирик даражаси” дейилганида нима тушунилади ?
12. “Саноатда қўлланишлик” мезонини тавсифланг.
13. Ихтиронинг аналоги ва прототипи тушунчаларига таъриф беринг.

### **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “4-Интеллектуал мулк” бўлими. 1996 йил 29 август, 256-1 сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-312 сон Қонуни билан охирги ўзгартиришлар киритилган).

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” ги Қонуни (06.05.1994й.). Мазкур Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 26.12.1997й.№ 549-1 Қонуни билан тасдиқланган.

3. Патентоведение: Учебное пособие / К. Шакамолов; Ташкентский государственный технический университет, Ташкент, 2001г.- 175с.

## **4. ЭҲМ УЧУН ДАСТУРЛАР ВА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ.**

### **ИНТЕГРАЛ МИКРОСХЕМАЛАР ТОПОЛОГИЯСИ**

#### **4.1.ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси**

Бугунги кунда Интернет технологиясининг жадал ривожланиши ва кенг жорий этилиши туфайли компьютер ахборот алмашинувининг асосий воситасига айланди. Компьютернинг фақат ўзи ”ўлик“ ёрдамчидир, унинг фойдалилиги компьютер ишлайдиган дастурга боғлиқ. Ҳар қандай ЭҲМ ни икки қисмга – аппарат-техник ва дастурий таъминот қисмларига ажратиш мумкин.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки дастурий таъминот - ЭҲМ, ЭҲМ

тармоқлари ва бошқа воситаларнинг муайян натижа олиш мақсадида ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва командалар мажмуидир.

Ахборотлар ресурсининг ошиши ва уларни тизимлаштириш дастурий таъминотдан интеллектуал мулк – маълумотлар базасининг ажралиб чиқишига олиб келди. Маълумотлар базаси – шу тарзда тизимлаштирилган маълумотлар мажмуики, бу маълумотларнинг топилиши ва уларга ЭҲМ ёрдамида ишлов берилиши мумкин.

ЭҲМ аппарат қисмининг баҳоси пасаймоқда, унинг дастурий таъминоти баҳоси эса, ортмоқда.

ЭҲМ учун яратилган дастур ёки дастурий таъминотнинг ҳуқуқий ҳимояси муаллифлик ҳуқуқи нормалари асосида амалга оширилади, чунки улар:

- у ёки бу объектив шаклда ифодаланилиш;
- фан ёки санъатга тегишли эканлик;
- оригиналлик

каби асосий принципларни қаноатлантиради деб эътироф этиш мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият маҳсули бўлган ва объектив шаклда тақдим этилган ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базасига тааллуқлидир (уларнинг нима учун мўлжалланганлиги ва афзалликларига боғлиқ бўлмаган ҳолда). Муаллифлик ҳуқуқи, токи унинг тескариси исботланмагунича ўринли бўлади. Муаллифлик ҳуқуқи ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаси ёки уларнинг бирор элементи асосида ётган ғояларга ва принципларга, жумладан, интерфейс ва алгоритмни ташкиллаштириш, шунингдек, дастурлаш тилларига тааллуқли бўлмайди [1]. Шу сабабдан қуйидаги ҳоллар ҳуқуқни бузиш ҳисобланади:

- ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базасини ноконуний қайта тиклаш ёки тарқатиш, жумладан, уларни бошқа ном остида чиқариш;
- ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базасининг модификациялаш, шунингдек, дастурлашни бир тилдан бошқа тилга ўтказиш фақат муаллифга

(муаллифларга) ёки хуқуқлар эгаси бўлган шахсга (меросхўрга, иш берувчига) тегишли бўлади;

- фақат ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси нусхасига қонуний равишда эга бўлган шахс ҳуқуқ эгаси бўлган шахсдан қўшимча хужжат олмасдан ЭҲМ дастурининг ишлаши, жумладан, ЭҲМ хотирасига ёзиш ва унда сақлаш, яққол хатоларни тузатиш билан боғлиқ ҳар қандай амалларни амалга ошириши мумкин. Ёзиш ва сақлаш битта ЭҲМ ёки битта тармоқ фойдаланувчисига рухсат этилади. Дастурдан нусха олиш (оригиналнинг йўқотилиши, бузилиши ҳолларида) фақат архив мақсадлари учун мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқи нормалари ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базасининг ҳимоясини тўлиқ кафолатлолмайди, шу сабабдан, бундай объектларнинг Ўзбекистон иқтисоди учун ўзига хослигини ва муҳимлигини хисобга олиб, “ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базасининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонун билан Давлат рўйхатига олиш процеуроси киритилган.

Ўз дастурини ёки маълумотлар базасини рўйхатга олиш учун муаллиф (хуқуқ эгаси бўлган шахс) ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базасини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигига бу ҳақида ариза бериши керак. Ариза ЭҲМ учун битта дастур ёки битта маълумот базасига тегишли бўлиши ва қуидаги хужжатларни ўз ичига олиши керак:

1) ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базасини расмий рўйхатга олишга оид ариза (хуқуқ эгаси бўлган шахсни, муаллифни, асарнинг номи ва бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда);

2) Дастурни ва маълумотлар базасини идентификацияловчи депонирланган материаллар ва ИМО нинг вазифаси, қўлланиш соҳаси ва функционал имкониятларини ўз ичига олган реферат, шунингдек, бошлангич матн листинги (босмадан чиқарилган нусхаси)нинг 25 та олдинги ва 25 та охирги

варақлари;

3) Давлат божини тұлаганлик ҳақидаги маълумотнома.

Рўйхатга олиш учун ариза тушганида Агентлик формал экспертиза ўтказади ва ижобий натижә олинганида ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базасини дастурий маҳсулотларнинг Давлат рўйхатига ёки маълумотлар базасининг Давлат рўйхатига киритади, аризачига рўйхатга олингандик ҳақида гувоҳнома беради ва бу ҳақида Агентлик бюллетенида расмий маълумот эълон қиласи. Конун билан ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базаси учун мулкий ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартнома Агентлик томонидан томонлар ўртасидаги келишув бўйича рўйхатга олиниши мумкинлиги, рўйхатга олинган дастур учун барча мулкий ҳуқуқлар бўйича бутунлай ён бериш ҳақидаги битимлар эса, мажбурий тарзда рўйхатга олиниши кераклиги белгиланган.

#### **4.2. Интеграл микросхемалар топологияси**

ЭҲМ ларнинг интеграл микросхемалар (ИМС) ларга ўтиши билан ИМС лар топологияси ЭҲМ нинг аппарат-техник қисмидан мустақил обьект сифатида ажралиб чиқди.

ИМС топологияси моддий ташувчига ўрнатилган элементлар ва улар орасидаги боғланишлар мажмуининг фазовий-геометрик жойлашувиdir. Бунда моддий ташувчи сифатида ИМС кристали, яъни ҳажмида ва юза сиртида ярим ўтказгичли микросхема, элементлараро боғланишлар ва контакт майдончалари шакллантирилган ярим ўтказгичли пластинанинг бўлагидан фойдаланилади.

ЭҲМ аппарат-техник қисмининг химоясини таъминловчи патент ҳуқуқи инстититути ИМС топологиясини ҳуқуқий химоя қилиш масалаларини ҳал қилиш учун самарасизлик қилди. Муаллифлик ҳуқуқи нормаларини қўллаш ҳам қийинчилик туғдирди, чунки Берн конвенциясининг 2(1) моддасида келтирилган муаллифлик ҳуқуқи бўйича

ҳимоялаш объектларини санаб ўтилган турига мувофиқ, ИМС топологиясини муаллифлик ҳуқуқи объектларининг бирортаси билан ҳам идентификациялаб бўлмайди. Бундан ташқари, муаллифлик ҳуқуқи рўйхатга олишни ҳимояга олиш шарти сифатида қарамайди, нусха олишни тақиқлайди, ИМС ни хўжалик муомиласига амалий қўллашга тўсқинлик қилмайди.

Шундай ҳолатлар туфайли ИМС топологисини ҳимоя қилиш бўйича маҳсус қонунчиликни қабул қилиш зарурати туғилди.

1986 йили декабрда – Европа иқтисодий ҳамкорлик (ЕИХ) ташкилоти аъзолари бўлган мамлакатлар томонидан ИМС топологиясини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича Битим қабул қилинди, унга кўра ИМС га бўлган ҳуқуқий ҳимоя бирорта ҳам ғоя, жараёнлар, тизимларга ёки топологияда қўлланилган техник амалларга тааллуқли бўлмаслиги ва факат топологиянинг ўзига тегишли бўлиши керак. ИМС топологияси оригинал бўлиши керак.

ИМС топологияси ноанъанавий ИМО бўлиб, маҳсус қонунчилик билан тартибга солинади.

Қуйидагилар ИМС топологиясини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ўзига хос фарқли жиҳатлари ҳисобланади:

1) ҳимоя хужжатининг эгаси ИМС топологиясига, саноат мулки объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқларга ўхшаш мутлақ ҳуқуқларга эга. Ҳимоя обьекти сифатида факат топология схемаси қаралади. Ҳимоя топологияда ишлатилган ғояларга, усуулларга, тизимларга, технологияга ёки кодланган ахборотга тааллуқли бўлмайди;

2) топологияни ҳуқуқий ҳимоя қилиш мезони сифатида оригиналликдан фойдаланилади. Муаллифнинг ижодий меҳнати натижасида яратилган ҳар қандай топология оригинал ҳисобланади;

3) ИМС топологиясига ҳимоя хужжатини рўйхатга олиш ва бериш интеллектуал мулк агентлиги томонидан формал экспертизадан сўнг

берилади, оригиналлик презумпцияланади (дахлсизланади), яъни топология тескариси исботланмагунича оригинал деб тан олинади;

4) ИМС топологиясига бўлган ҳимоя ҳуқуқининг ўртача муддати турли мамлакатларда 10 йилга яқин;

5) кўпчилик қонунчиликлар “тўлиқ ҳуқуқ” принципига эга, унга кўра ИМС нинг қонуний эгаси бўлган ҳар қандай шахс ундан эркин фойдаланилиши ва бу ҳуқуқни учинчи шахсларга бериши мумкин;

6) қонуний йўл билан эга бўлинган ИМС дан ёки таркибида бундай микросхемалар бўлган маҳсулотлардан фойдаланиш ҳуқуқларни бузиш деб тан олинмайди, агар ИМС дан фойдаланувчи шахс бу ИМС лар мутлақ ҳуқуқни бузиш йўли билан тайёрланганини ва тарқатилаётганини билмаса (бilmay туриб бузиш принципи);

7) бошқа муаллиф томонидан мустақил равишда яратилган ўхшаш оригинал топологиядан фойдаланиш бўйича амаллар мутлақ ҳуқуқни бузиш деб тан олинмайди.

2001 йил май ойида Ўзбекистон Республикасида “Интеграл микросхемалар топологиясини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонун қабул қилинди [2]. Топология эгаси топологияга, шунингдек, таркибида бундай топология бўлган маҳсулотларга у Ўзбекистонда ҳимоя қилинишини кўрсатувчи огоҳлантирувчи марка (Т) ёки Т ни қўйиши мумкин.

Топологиядан фойдаланиш бўйича ҳуқуқ қўйидаги саналардан энг аввалгисидан 10 йил давомида амалда бўлади:

- топологияни хўжалик муомиласига киритиш бўйича энг аввалги хужжат бўйича қайд этилган санадан бошлаб белгиланадиган топологиядан биринчи марта фойдаланилган санадан;

- топологияни рўйхатга олиш ҳақида матбуотда расмий эълон қилинган санадан бошлаб.

Топологияни рўйхатга олиш бўйича ариза муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг қонуний давомчиси томонидан интеллектуал мулк агентлигига

топологиядан биринчи марта фойдаланилган санадан бошлаб икки йил давомида берилиши мумкин.

## **Хуроса**

Ушбу параграфда ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаси тушунчаларига таъриф берилди, ЭҲМ учун дастурий таъминотнинг хуқуқий ҳимояси масалалари кўриб чиқилди. Интеграл микросхемалар топологияси тушунчасига таъриф берилди ва ИМС топологиясини хуқуқий ҳимоя қилишнинг ўзига хос жиҳатлари баён этилди.

### **Назорат саволлари:**

1. ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базасига таъриф беринг.
2. ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базасининг ҳимояси қандай хуқуқнинг нормаси асосида таъминланади?
3. Қандай ҳолатлар ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базасига нисбатан муаллифлик хуқуқининг бузилиши ҳисобланади?
4. ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини Давлат рўйхатига олиш қандай амалга оширилади?
5. ИМС нинг топологияси тушунчасига таъриф беринг.
6. ИМС топологияси қандай хуқуқ доирасига киради?
7. ИМС топологиясини хуқуқий ҳимоя қилишнинг ўзига хос жиҳатларини тавсифланг.
8. ИМС топологиясига бўлган мутлақ хуқуқ қайси муддатда амалда бўлади?
9. ИМС топологиясини рўйхатга олиш ҳақидаги ариза ким томонидан берилиши мумкин?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг ”Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг хуқуқий ҳимояси

тўғрисида"ги Қонуни. (06.05.1994й.N 1060-X11). Мазкур Қонунга қуидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 05.04.2002й. 364 –11- сон Қонуни, ЎзР 30.08.2002 й.405–11- сон Қонуни, ЎзР 26.12.2011 й. ЎРҚ -312 –сон Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Интеграл микросхемалар топологиясини хуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни. (12.05.2001й. N 218-11). Мазкур Қонунга қуидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 30.08.2002й. 405 –11- сон Қонуни, ЎзР 26.12.2011й. ЎРҚ -312 –сон Қонуни.

3. Патентоведение: Учебное пособие / К. Шакамолов; Ташкентский государственный технический университет, Ташкент, 2001г. – 175с.

## **2 – БҮЛІМ**

### **5.ЛИЦЕНЗИЯ БИТИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ**

#### **5.1. Лицензия битимларининг моҳияти**

Лицензия бу - савдо бўйича келишув бўлиб, унга кўра лицензиар лицензиатга ўзаро келишган савдо шартлари бўйича ИМО дан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Бунда моддий обьектларнинг эмас, мутлақ ҳуқуқларнинг савдоси амалга оширилади. Лицензия тузиш учун лицензияларда ҳимоя хужжати (патент, дастлабки патент, гувоҳнома)нинг мавжудлиги зарурӣ шартдир.

Лицензияни хужжатлар билан ҳимояланмаган ИМО лар учун, масалан, «ноу-хау» (савдо сири) учун ҳам тузиш мумкин. Бу ҳол ИМО эгасининг мутлақ ҳуқуки рақобатчилардан сир саклашга асосланади. Сир сакланиши лицензия шартларига мувофиқ лицензиат ўзига оладиган мажбуриятлар билан таъминланади. Одатда «ноу-хау» билан савдо патентланган ихтиро учун қўшимча сифатида намоён бўлади.

#### **5.2.Лицензияларнинг таснифи**

Лицензиялар қуидаги муҳим белгилар бўйича таснифланади:

- лицензия предмети;
- лицензия тури;
- узатиладиган ҳуқуқларнинг ҳажми;
- субъектлар статуси ва улар орасидаги мунособатларнинг характеристи;
- патентли ва патентсиз лицензиялар.

Лицензия предметига оид гурухга ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари хизмат кўрсатиш белгилари, фирма номлари, ЭХМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базалари, ИМС топологиялари, селекция натижалари, «ноу-хау»лар киради.

Лицензия турларига оид гурухга қуйидаги лицензия тоифалари киради:

- тоза, яъни савдо бўйича бошқа битимлар таркибига кирмаган лицензиялар;
- турдош, яъни савдо бўйича асосий битимга илова бўлган лицензиялар;
- қайтма, яъни сотиб олувчи бирламчи лицензия бўйича битимлардан келиб чиқкан ҳолда, объектни такомиллаштирадиган ёки янгитдан патентлаши мумкин бўлган лицензиялар;
- бир-бири билан кесишадиган, яъни патент эгалари ўзаро ҳукуқларни бузмаган ҳолда товарлар ишлаб чиқара олмайдиган лицензиялар;
- мажбуран, яъни ИМО дан уч йил давомида фойдаланилмаган ҳолда тузиладиган лицензиялар;
- очик, яъни исталган манфаатдор шахсга сотиладиган лицензиялар;
- мажбурий (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан миллий хавфсизлик манфаатларига кўра товон тўлангани ҳолда ИМО эгасининг розилигисиз) амалга ошириладиган лицензиялар;
- сублицензиялар, яъни асосий лицензия лицензиати лицензиар розилик берган ҳолда учинчи шахсларга берадиган лицензиялар.

Ҳажм бўйича ҳукуқлар тоифасидаги лицензияларга қуйидагилар киради:

- оддий (номутлақ) ҳукуқлар бўйича тузиладиган лицензиялар. Бу турдаги лицензияларда лицензия предмети муайян шартларда ва худудда, муайян вақт давомида, бир вақтнинг ўзида лицензиар учун мазкур лицензия предметидан фойдаланишни, шунингдек, лицензияни бошқа шахсларга бериш ҳукуқини сақлаб қолган ҳолда берилади;
- мутлақ ҳукуқ бўйича тузиладиган лицензиялар. Бу турдаги ҳукуқлар бўйича лицензиатга лицензия предмети учун муайян чегараларда, лицензиар учун унинг лицензиатга узатилмаган қисмидан фойдаланиш ҳукуқини сақлаб қолган ҳолда берилади.

- тўлик ҳукуқлар бўйича тузиладиган лицензиялар. Бу турдаги ҳукуқлар фақат саноат мулки бўлган объектлар учун берилади. Бунда лицензиатга барча ҳукуқлар худудни чекламаган ҳолда, ҳимоя хужжатининг бутун амалда бўлиш муддати учун узатилади.

Субъектлар статусига кўра лицензиялар фирмалароро ва фирма ичи лицензияларга бўлинади.

ИМО ни ҳимоя килиш усули бўйича лицензиялар патентли ва патентсизларга ажратилади. Патентли лицензиялар ИМО дан фойдаланиш ҳукуқи ҳимояланган патентлар, дастлабки патентлар, гувоҳномаларни, патентсиз лицензиялар «ноу-хау» лар, ишлабчиқариш сирлари, тижорат ва ишлабчиқариш билимлари ва тажрибани узатиш ҳукуқларини кўзда тутади.

Лицензия битимлари ягона намунадаги принцип асосида тузилади ва куйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1) у матн боши (преамбула) дан бошланади. Унда лицензиар (лицензия сотувчиси)нинг ва лицензиат (лицензия сотиб оловчи)нинг тўлик номи берилади. Патентлар, «ноу-хау» ва ҳ.к. лар кимга тегишли эканлиги кўрсатилади;

2)”Таърифлар” бўлимида асосий атамаларнинг аниқ баён этилган изохи берилади;

3)”Битим предмети” бўлимида лицензия битими, унда сотувчидан сотиб оловчига бериладиган ҳукуқлар ҳажми ва шартлари, техник ёрдам турлари белгиланади;

4)”Техник хужжатлар” бўлими, унда сотувчидан сотиб оловчига бериладиган зарурий хужжатларининг ҳажми ва шартлари белгиланади;

5)”Мажбуриятлар ва масъуллик” бўлими, унда ҳукуқий ва техник масалаларни ҳал этишга тегишли мунособатлар белгиланади;

6)”Тўловлар” бўлимида лицензия тўловларининг ўлчами ва тўловнинг бошқа шартлари белгиланади;

7)"Йиғмалар ва солиқлар" бўлимида ушбу битимнинг бажарилиши билан боғлик бўлган ҳаражатларнинг кимга юқлатилганлиги белгиланади;

8)"Ахборот ва ҳисобот" бўлимида лицензиат томонидан ҳисобот даврида лицензиарга лицензиядан фойдаланганлик ҳакидаги ахборотни тақдим этиш мажбурияти ва тартиби белгиланади;

9)"Ахборотнинг сир тутилиши" бўлими муҳим бўлим бўлиб, унда лицензиатнинг «ноу-хау» ва лицензиарнинг бошқа тижорат сирлари ҳакидаги ахборотни маълум қиласлик бўйича мажбуриятлари келишилади;

10)"Реклама" бўлими лицензия бўйича маҳсулот ва бошқа реклама материалларида лицензиат маҳсулот лицензиарнинг лицензияси бўйича ишлаб чиқарилаётганини кўрсатиши кераклиги келишилади;

11)"Патент ҳуқуқини ҳимоя қилиш" бўлимида патент божини қайси томон тўлаши белгиланади;

12) Лицензия “Лицензия амал қиласиган муддатлар, баҳс ва арбитражларни ҳал этиш тартиби, лицензияни бекор қилиш шартлари” ни белгиловчи бўлим билан тугалланади.

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигига давлат рўйхатидан ўтказилиши лицензия битими ҳақиқийлигининг мажбурий шарти ҳисобланади. ИМО ни лицензия бўйича сотишни амалга оширишда ҳорижий бозорга чиқишининг мақбул йўлларини аниқлаш ўта муҳим масала ҳисобланади. Лицензия савдоларида қуйидаги асосий тоифаларни ажратиш мумкин:

1) ихтиrolар, саноат намунаси, ”ноу-хау“ лар бўйича бўладиган «тоза» лицензиялар билан савдо қилиш. Бундай лицензиялар одатда технологик жараёнлар, конструкторлик хужжатлари ва ҳ.к. лар билан таъминланади. Лицензия савдосининг бу шакли лицензиар учун энг мақбул ҳисобланади, чунки у унчалик катта сарф ҳаражатларни талаб этмайди. Ҳорижий ҳамкорлар билан музокаралар патент олиш учун талабнома берилганидан ва устуворлик белгиланган санаданоқ бошланиши мумкин.

Шуни эътиборга олиш керакки, сотишга таклиф этилган интеллектуал мулкнинг моҳиятини ортиқча деталлаштириб тавсифлаш салбий окибатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабдан лицензиатга интеллектуал товарни синовдан ўтказиш учун зарур бўлган ахборот ва бошка материалларнинг тақдимотини тегишли “опцион” (дастлабки) лицензия битими билан расмийлаштириш тавсия этилади;

2) янги техникани, масалан, компакт ёки тарқоқ ускуна ва машиналарни сотиш буйича олди - сотдининг таркибий қисми сифатида намоён бўладиган “турдош” лицензиялар. Бу турдаги лицензиялар мамлакатнинг ўз ишлаб-чиқариш салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

3) ИМО учун лицензияни хорижий ҳамкорларга биргалиқдаги ишлаб чиқаришга тақдим этиш. Бундай савдо яқин ишлабчикариш алоқаларини йўлга кўйишида кўп жихатдан фойдали бўлади.

4) “Инженер-техник хизматлар ва инжиниринг” савдоси. Технологияларни бу шаклдаги алмашинув ҷоғида таклиф этувчи томон буюртмачига инженер-техник хизматларнинг мажмуини тақдим этади. Лицензиянинг патент ҳуқуқи ва «ноу-хау» нинг буюртмачига берилишига оид қисми умумий битимнинг таркибий қисми ёки уни тўлдирувчи қўшимча бўлиши мумкин.

«Франчайзинг» мустакил корхоналарнинг яқин ҳамкорлигига асосланган товарлар, хизматлар ва технологиялар сотишнинг маҳсус тизимиdir. Франчайзер (сотувчи) франчайзантга (сотиб оловчига) франелиз (лицензия)ни тақдим этади. У ИМО дан (одатда, товар белгисидан) фойдаланиш учун лицензияни ўз ичига олади ва бир вақтнинг ўзида франчайзант ўз фаолиятини франчайзер концепциясига мувофик амалга оширишини мажбур қиласди.

Франчайзинг ўз моҳияти бўйича – тизимдан фойдаланиш бўйича лицензия бўлиб, у интеллектуал мулкнинг ҳуқуқларини ўз ичига олади.

Ишлабчиқариш бўйича франелизга мувофиқ франелиз эгаси ишлаб чиқарувчига муҳим компонентани беради ёки уни техник ахборот билан таъминлайди, шунингдек, франчайзантга тегишли сирли ахборотни ёки патентланган технологияни беради. Франчайзант франчайзернинг товар белгиси билан ишлабчиқариш ва савдо учун ваколатлар олади.

Лицензия битимининг асосий вазифаси сотиладиган лицензия баҳосини имкон қадар фойдали қилиб ҳисоблашдир.

Муайян бозор конъюктураси лицензия баҳосининг асосий тартибга солувчиси (регулятори) вазифасини ўтайди. Лицензиянинг реал баҳосига лицензиат ва лицензиар ўртасидаги музокоралар жараёнида эришилади. Амалиётда тўловнинг қуйидаги турларидан фойдаланилади:

- паушал тўловлар, улар битимда белгиланган бир ёки бир неча бўлак билан тўланадиган муайян суммани билдиради;
- даврий тўловлар (роялти), улар битимнинг бутун муддати давомида босқичма- босқич тўланади;
- комбинациялашагн (паушал ва роялти) тўловлар.

### **5.3. Лицензия баҳосини ҳисоблаш усуллари**

Энг кўп тарзда лицензия баҳосини ҳисоблашнинг қуйидаги усулларидан фойдаланилади:

1) сарф харажат усули. Бу усул лицензия баҳосига ИМО ни ишлаб чиқариш ва патент ҳимоясига, шунингдек, лицензиянинг техник хужжатларини, реклама ва ҳ.к.ларни тайёрлаш ва лицензиатга беришга кетган харажатларни ўз ичига олади. Бу усул паушал тўловларни аниқлаш пайтида қўлланилади.

2) лицензия баҳосини лицензиат олган фойда ўлчами асосида аниқлаш. Фойдани ҳисоблаш мураккаб масала бўлиб, шу сабабдан лицензиарга лицензиат эга бўладиган фойдадаги афзалликларни аниқлаш зарур. Бундай афзаллик сифатида солиқ солингунча лицензиат ўхшаш

маҳсулот ёки хизматлар ишлаб чиқарувчи, бироқ ИМО га эгалик қилмайдиган фирмаларга нисбатан оладиган қўшимча фойда тушунилади.

Хисоблаш даври  $t$  да ИМО дан фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган даромад қуйидаги миқдорий мунособат ёрдамида аниқланishi мумкин:

$$\Pi_t = \Sigma P_t - \Sigma Z_t, \quad (5.1)$$

бу ерда:

$P_t$ - ИМО дан фойдаланишдан олинадиган даромад,

$Z_t$ - ҳисобот даври  $t$  да фойдаланиш натижаларининг баҳоси,

З<sub>т</sub>- ҳисобот даври  $t$  да ИМО ни яратиш, саклаш ва уни рўёбга чиқаришга кетган сарф харажатнинг баҳоси.

ИМО нинг ҳисобот даври учун ҳисобланган баҳоси қуйидаги мунособат билан аниқланади:

$$C = \Sigma(\Pi_T + a) K_D, \quad (5.2)$$

бу ерда:

$\Pi_T$ - йил давомида ИМО даги фойдаланишдан олинган тоза фойда;

$a$  – йил давомидаги амортизация ҳаражатлари;

$K_D$  – пулнинг вақт бўйича баҳоси коэффициенти, бу коэффициент (мураккаб фоизлар)ни қуйидаги миқдорий мунособат бўйича аниқланади:

$$K_D = 1 / (1 + a/100), \quad (5.3)$$

бу ерда,  $a$  – сотувчи яшайдиган мамлакат етук тижорат банкларининг ўртача фоизли ставкаси.

З)қиёсий сотиш методи. Линцензиянинг муайян предмети аналогини топишнинг алоҳида ҳисоб параметрларини қиёслаш мумкин бўлган ҳол. Масалан, сотув баҳоси  $Z$  қиёсланадиган объектларнинг рақобатчилик вараклари ёрдамида аниқланади. Унда баҳоланадиган объект ёки аналогнинг тижорат шартлари ва техник даражаси қиёсланади.

Техник даражасини қиёслаш амалга оширилаётган объектларнинг база коэффициенти тушунчаси киритилади:

$$Z = Z_{баз} * K_1 * K_2 * K_3, \quad (5.4)$$

бу ерда:

$Z$  – маҳсулотнинг лицензия бўйича сотув баҳоси;

$Z_{баз}$  – базавий намуна (маҳсулот аналоги)нинг сотув баҳоси;

$K_1$  – эришилган натижা коэффициенти;

$K_2$  – масала техник ечимининг мураккаблик коэффициенти;

$K_3$  – янгилик коэффициенти;

4) лицензиянинг роялти асосидаги баҳосини аниқлаш. Роялтининг можияти қўйидаги миқдорий мунособат орқали ифодаланиши мумкин:

$$R = D * \Pi/z. \quad (5.5)$$

Рояльти бу – лицензия бўйича тайёрланган маҳсулот бирлигидан олинган қўшимча фойда ( $D$ ) нинг лицензиарга тўланадиган қисмининг мазкур маҳсулотнинг сотув баҳоси ( $z$ ) га нисбати билан аниқланадиган катталиkdir.

Кўпинча роялтини ҳисоблаш йўли билан эмас, тажриба – жаҳон амалиётида саноатнинг турли соҳалари учун белгиланган таъсис этилган стандарт рояльти деб аталадиган рояльти ўлчамларидан фойдаланиш йўли билан аниқланади.

Рояльти берилган қийматларда лицензия бўйича тайёрланган бирлик маҳсулотдан олинган қўшимча фойданинг ўлчами

$$n = R * z / D \quad (5.6)$$

ни ташкил этади.

Бундан келиб чиқиб, лицензиянинг рояльти асосидаги ҳисобланган

баҳосини қуидаги мунособат билан аниқлаш мумкин:

$$C_p = \sum V_t z_t * R_t, \quad (5.7)$$

бу ерда:

$V_t$  –  $t$  йилдаги лицензия бўйича кутилган чиқим хажми;

$z_t$  -  $t$  йилда лицензия бўйича тайёрланган маҳсулотнинг сотув баҳоси;

$R_t$  -  $t$  йилда рояльти ўлчами (% ларда).

Йиғинди лицензиянинг амалда бўлиш муддати бўйича олиб борилади.

Лицензияни тузиш пайтида саноатнинг турли соҳалари бўйича ўртacha жаҳон рояльти ставкаларини уларга реал инфляцияни ҳисобга олган ҳолда тўғирлашлар киритиб, ҳисобга олиш керак.

Рояльти ставкалари ўртача 2 – 10 % чегараларда, телекоммуникация соҳаларида эса 10 -15 % гача ўзгаради. Стандарт рояльти жадваллари лицензиянинг ҳар бир конкрет обьекти учун рояльтининг намунавий ўлчамларин аниқлаш имконини беради.

Рояльти ставкалари одатда ИМО дан фойдаланиш бўйича олинган иқтисодий натижага тўғри пропорционал ва мумкин бўлган таваккалчилик даражасига тескари пропорционал қилиб белгиланади.

Лицензия бўйича маҳсулотнинг айрим муҳим компонентларига патентнинг бўлмаслиги ёки ихтиро формуласи ҳажмининг кичиклиги рояльти ўлчамини пасайтирадиган омиллар ҳисобланади.

ИМО дан фойдаланиш бўйича катта молиявий таваккалчилик килинган ҳолларда паушал тўловлар тўғрисидаги битимлар лицензиар учун, рояльти тўғрисидаги битим эса лицензиат учун айниқса, фойдали бўлади, чунки бу ҳолда даромаднинг пасайиши ўз-ўзидан лицензиар учун тўловнинг пасайишига олиб келади.

Лицензия тўловлари шаклиниң тўғри танланиши тегишли томонга (лизензиарга ёки лицензиатга) лицензиядан молиявий фойда келтиришни таъминлайдиган омилdir.

## **Хулоса**

Ушбу параграфда лицензия битимларининг моҳияти баён этилди. Лицензия битимларининг таснифи ва таркиби кўриб чиқилди. Лицензия баҳосини ҳисоблаш усуллари таҳлил этилди.

### **Назорат саволлари:**

1. Лицензия тушунчасига таъриф беринг.
2. Лицензия битимида қандай масалалар устида келишувга келинади ?
3. “Лицензиар” ва “лицензиат” тушунчаларига таъриф беринг.
4. “Лицензия предмети” тушунчасига таъриф беринг ва унинг турларини санаб кўрсатинг.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси билан лицензияларнинг қандай турлари белгиланган?
6. Мажбурий лицензияга таъриф беринг.
7. Лицензия битими қандай бўлимлардан таркиб топади?
8. Ҳажм бўйича лицензияларга қандай хуқуqlар бўйича тузиладиган лицензиялар киради?
9. Субъектлар статусига кўра лицензияларни қандай турларга ажратилади?
10. ИМО ни ҳимоя қилиш усули бўйича лицензияларнинг қандай турлари мавжуд?
11. “Матн боши (преамбула)” ва “Таърифлар” бўлимларида нималар баён этилади?
12. “Битим предмети” ва “Техник хужжатлар” бўлимларида нималар баён этилади?
13. “Мажбуриятлар ва масъуллик” бўлимида нималар баён этилади?

14. “Тўловлар” ва “Йиғмалар ва соликлар” бўлимларида нималар баён этилади?
15. “Ахборот ва ҳисобот” ва “Ахборотнинг сир тутилиши” бўлимларида нималар баён этилади?
16. “Реклама” ва “Патент ҳуқуқини ҳимоя қилиш” бўлимларида нималар баён этилади?
17. Лицензия битими қандай бўлим билан тугалланади?
18. Лицензия битими ҳақиқийлигининг мажбурий шартини баён этинг.
19. “Франчайзер”, “Франчайзант” ва “Франшизе” тушунчаларига таъриф беринг.
20. “Паушал” ва “рояльти” тўлов турларига таъриф беринг.
21. ИМО дан фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган даромад қандай миқдорий мунособат билан аниқланади?
22. ИМО нинг ҳисобот даври учун баҳоси қандай миқдорий мунособат билан аниқланади?
23. Техник даражасини қиёслаш амалга оширилаётган объектларнинг база коэффициенти қандай миқдорий мунособат билан аниқланади?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.Ўзбекистон Республикасининг ”Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуни, 25.05.2000й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 8-модда; ЎР ҚҲ 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2011 й., 36-сон, 363-модда; 2013й., 18-сон, 233-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда.

2.Вчерашняя М.Р. Современные тенденции в международной лицезионной торговле. “Вопросы изобретательства” , -М.: 1997г. -181 с.

## **6. “ИННОВАЦИЯ” ТУШУНЧАСИ ВА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТАСНИФИ. ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАНИ ШАКЛАНТИРИШ ВА УНИНГ БАЖАРИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ**

### **6.1.“Инновация” тушунчаси**

Агар маҳсулот ёки технология ўз истеъмолчиси (сотиб олувчиси)ни топмаса, ушбу ихтиро талаб этилмагани, демак, уни яратиш учун кетган ҳаракатлар ва сарф-харажатлар зое кетгани демакдир. Ихтиронинг саноатда қўлланиши кўп босқичли жараён бўлиб, у ишланмани яратишни, маҳсулотнинг тажриба – саноат синовини ўтказишни, маҳсулотни стандартлаштириш ва сертификатлаштиришни, ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш ёки яратишни, реклама ва сотувни, техник хизмат кўрсатишни ва бошқа кўп жиҳатларни ўз ичига олади.

Юқорида санаб ўтилган тадбирларни рўёбга чиқариш қўпчилик мутахассисларнинг мувофиқлаштирилган ҳолдаги ҳаракатларини, куч-ғайрат сарфлашларини, маҳсулотни муваффақиятли сотиш натижасида олинадиган ва фойда келтирган маблағларни жалб этишни талаб этади. Яна шуни қайд этиш жоизки, ихтирова юксак техник кўрсатгичларнинг мавжудлиги, у бозорда албатта муваффақият қозонади дегани эмас.

Инновацион фаолият дейилганида олимлар, мухандислар, патентшунослар, менеджерлар, иқтисодчилар, молиячиларнинг ИМО тижоратини рўёбга чиқаришга қаратилган билимлари ва куч-ғайратларини бирлаштирувчи жараён тушунилади. Бундай фаолиятнинг охирги натижаси инновация - янгилик бўлади. Бошқача қилиб айтганда, инновация фундаменталь ва тадбиқий илмий тадқиқот ишларини реал ишлаб чиқариш ва бозор билан боғлайди [2].

## **6.2. Инновацион лойиҳаларнинг таснифи**

Инновацияларнинг тизимли таснифи методологияси 1992 йили Осло шаҳрида қабул қилинган ва “Осло қўлланмаси” деб ном олган тавсияларга кўра қабул қилинган Халқаро стандартларга асосланади. Мазкур стандартларга кўра инновацияларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- маҳсулотли инновациялар, улар янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотларни яратишни ва рўёбга чиқаришни кўзда тутади;
- жараёнли инновациялар, улар янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнларни яратишни кўзда тутади;
- принцип жиҳатидан янги техникани яратишга қаратилган базисли инновациялар;
- мавжуд маҳсулот ва технологияларни яхшилашга қаратилган инновациялар.

Инновацион лойиҳа деб берилган вақт давомида янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот турларини ёки технологик жараёнларни ишлаб чиқиши яратиш, жорий этиш ва кенг қўллашга қаратилган ўзаро боғлиқ муайян тадбирлар мажмуига айтилади.

Инновацион лойиҳалар қўйидаги иш турларини ўз ичига олади:

- лицензияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан тайёрлаш, маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараёнларни яратиш;
- илмий ишланмалар ва технологияларни тўла қонли ишлаб чиқариш даражасига олиб бориш, тажрибавий намуналарни яратиш, маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш ва ҳ.к.лар;
- патент-ахборот ва маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, ИМО объектларини хуқукий ҳимоялаш ва тижорий рўёбга чиқариш;
- дизайн ишларини олиб бориш;
- аппарат ва дастурий воситаларни, ахборот технологияларини ва ҳ.к.ларни яратиш ва тиражлаш;

- ИМО ларини рўёбга чиқаришга қаратилган кўргазмали ва нашр ишларини ташкил этиш;
- янги технологиялар, маҳсулотлар, дорилар, истеъмол молларини ўзлаштириш ва мослаштириш;
- қишлоқ хўжалиги ва хом ашъё ресурсларини қайта ишлаш бўйича технологияларни ишлаб чиқиш, саноат ва майший чиқиндиларни утилизациялаш, иккиласмчи ресурсларни ўзлаштириш.

Инновацион фаолиятнинг муваффақиятли бўлиши учун менежмент, маркетинг, молия, патент ҳуқуқи каби турли соҳаларга оид билимлар зарур.

### **6.3.“Инновацион инфратузилма”, “технопарк”, “технополис”**

#### **тушунчалари**

Корхоналарга инновацион лойиҳаларни мустақил равища рўёбга чиқариш қийин бўлади, шу сабабдан саноати ривожланган индустрисал мамлакатларда кичик ва ўрта инновациявий фирмалардан таркиб топган “инновацион инфратузилма” лардан фойдаланилади. Бу фирмалар илмий тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида воситачилар сифатида хизмат қиласидар ва турли-туман инновацион лойиҳаларни амалга оширадилар. Худди шу кичик ва ўрта инновацион фирмалар бу соҳадаги пионерлар ҳисобланадилар. Бу фирмалар йирик компаниялардан фарқли равища конъюктура ўзгаришларига нисбатан сезгироқ ва ҳаракатчанроқ бўладилар, улар янги ғояларни генерациялашга қодир бўладилар ва базисли инновацияларни рўёбга чиқаришни ва улар билан боғлиқ таваккалчиликни ўз зиммаларига оладилар. Кўпинча инновацион фирмалар илмий - тадқиқот институтлари ва ишлаб чиқариш корхоналари билан энг янги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш марказларига бирлашадилар. Бундай бирлашмалар технопарк ёки инновация инкубаторлари деб юритилади.

Юқори сифатли саноат мажмуалари, университетлар ва илмий –

тадқиқот институтлари, ривожланган ижтимоий инфратузилма (яшаш худудлари) ни ўз ичига олган бирлашмалар технополис (“полис”-шаҳар) деб аталади.

Бундай технопарк ва технополисларда янги ғояларнинг уларни яратган кишилардан бу ғояларни ҳаётда рўёбга чиқараоладиган кишиларга эркин ўтиши имконияти юқори бўлади.

#### **6.4. Инновацион лойиҳаларнинг ўзига хос жиҳатлари**

Ўз маҳсулотларини қўллаб қувватлаш ва уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, юзага келадиган муаммоларнинг оқилона ечим-

ларини топиш учун инновациявий лойиҳалардан муваффақиятли фойдаланаётган ташкилотлар бошқа компанияларга нисбатан катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Инновацияларнинг муваффақияти қуйидаги асосий омилларга боғлиқ:


- 1) инновациянинг рақобатбадошлиги;
- 2) тижорат ишларининг пухта ишлаб чиқилган стратегияси ва тактикаси;

3) рўёбга чиқаришга мўлжалланган лойиҳани амалга ошириш учун маблағларнинг мавжудлиги;

Бозор шароитида рўёбга чиқарилган инновацион товарлар ўз ривожида қуйидаги ҳаётий босқичлардан ўтадилар:

- ишланмани ишлаб чиқиш босқичи;
- уни бозорга киритиш босқичи;
- ривожланиш босқичи;
- камолга эришиш босқичи;
- пасайиш босқичи.

Қуйидаги жадвалдан кўринадики, молиявий сарф-ҳаражатлар инновацияларнинг ривожланиш босқичида тўлик қопланади.



6.1-расм. Инновацион лойиҳанинг ҳаётий босқичлари

Амалиёт кўрсатадики, бу лойиҳанинг бошланиш санасидан 3-5 йил ўтганидан сўнг рўй беради.

Инновацион лойиҳаларни рўёбга чиқаришнинг ўзига хос хусусияти шундаки, технологияларни фойда келтирадиган қилиб тижоратлаш ва рақобатбардош товарларни ишлаб чиқиш учун биринчи навбатда уларни патентлаш, жумладан, ҳорижий мамлакатларда патентлаш, шунингдек маҳсулотларни ва технологияларни сертификатлаштиришни ўтказиш учун бошланғич сарф-ҳаражатлар талаб этилади.

Ҳар қандай инновацион лойиҳа юқори таваккалчилик билан амалга ошириладиган тадбирдир. Кўпинча инновацион лойиҳалар инновациявий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига молиялаштирилади, чунки банк кредитлари маблағларни ва кредит учун фоизларни қайтаришнинг аниқ графикларини кўзда тутади. Бироқ инновацион лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши бошланғич сарф -ҳаражатлардан кўп марталаб ортиқ фойда келтириши мумкин.

Инновацион инвестициялар деб техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қаратилган инвестицияларга айтилади. Ўзбекистон Республикасида инвестицияларни тақдим этиш тартиби 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги

Қонун билан белгиланади [1].

Агар глобал, устувор лойиҳалар - масалан космик тадқиқотлар, янги куролларни ишлаб чиқиши, экологияни ҳимоя қилиш каби инновацион лойиҳалар рўёбга чиқарилаётган бўлса, одатда давлат инвесторлик қиласи. Бироқ давлат одатда истеъмол молларини ишлаб чиқиши билан боғлиқ технологияларни тижоратлаштиришни - бозоргача олиб боришни молиялаштирумайди.

Корпорация ва компаниялар ҳам инвестицион фаолиятга катта эътибор берадилар. Улар одатда хусусий инновациявий бўлимларга эга бўлиб, ўз ташкилотларининг рақобатбардошлигини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштирадилар. Инновациявий фаолият субъектларининг кўпчилиги давлатнинг ва катта компанияларнинг инвестициясига кўз тута олмайдилар.

## **6.5. Венчур фондлари**


Бундай ташкилотлар инвестиция манбаи сифатида Венчур фондларидан фойдаланадилар. Венчур капитали ўтган асрнинг 50- йилларида АҚШ нинг силикон воҳасида – замонавий информатика ва телекоммуникациялар бешигида пайдо бўлди. Биринчи лойиҳа 1,5 млн. доллар баҳоли янги кремнийли транзисторни ишлаб чиқишига бағишланган. Венчур инвестициялар механизмининг одатдаги банк кредитларидан асосий фарқи шундаки, инвестиция капитали инвесторга кредит бўйича фоизлар сифатида тўғридан - тўғри қайтмайди. Инвестор, ўзи киритган маблағларга мувофиқ равища инвестицияланадиган компаниянинг акциялар пакетини фонда белгиланган улушда сотиб олади ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эътибор қаратади, ушбу компания акциялари баҳосининг ортишидан келадиган фойданинг кўпайишига, янги акцияларни чиқаришга, уларни бошқа шахсларга сотишга ва шу йўл билан оладиган фойдасини оширишга ҳаракат қиласи.

Венчур туридаги инвестициянинг яна бир фарқи шундаки, у одатда кичик ва ўрта корхоналардан гаров талаб қилмасдан киритилади.

Бу турдаги инвестициялашнинг энг муҳим хусусияти шундаки, Венчур фондининг тепасида турган Венчур капиталисти акцияларни сотиб оладиган компанияларга ўз маблағларини киритмайди. Венчур капиталисти жамоавий инвесторлар гурухи ва тадбиркорлар ўртасида воситачилик қилади, Венчур фонди томонидан олинадиган фойда инвесторларга уларнинг қўшган хиссасига пропорционал тарзда бўлиб берилади.

Фонд мустақил компаниялар ёки ҳамкорлар уюшмаси сифатида ташкил этилиши мумкин. Директорлар ва бошқарув персонали фонднинг ўзи томонидан, шунингдек, бошқарувчи компания томонидан алоҳида тарзда жалб этилади.

6.2-расмда Венчур фондининг таркибий тузилиши келтирилган.



6.2-расм. Венчур фондининг таркибий тузилиши

Одатда Венчур фондининг инвесторлари бўлиб, хусусий мижозлар, пенсия фондлари, сугурта компаниялари, халқаро компаниялар шуғулланадилар. Шундай қилиб, Венчур фондлари инвесторларнинг маблағларини лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтириб, инвесторлар, илмий ташкилотлар ва ишлабчиқаришни ягона мақсад атрофида бирлаштирадилар.

## **6.6. Инновацион лойиҳани шакллантириш ва рўёбга чиқариш босқичлари**

Инновацион лойиҳани шакллантириш босқичларини кўриб чиқамиз:

1.Лойиҳани амалга ошириш имкониятларини, жумладан, лойиҳа иштирокчиларининг рўйхатини, мумкин бўлган ихтиро объектларини аниқлаш, ишлаб чиқарилиши кўзланган маҳсулот характеристикаларини дастлабки тадқиқ этиш.

2.Тайёргарлик кўринишидаги тадқиқотлар. Лойиҳа иштирокчила-рини танлаш ва улар билан музокалар олиб бориш, молиялаштириш манбаларини аниқлаш, лойиҳани техник – иқтисодий жиҳатдан асослаш.

3.Батафсил тадқиқотлар, улар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- патент - конъюктура тадқиқотларини ўтказиш. Бунда яратиладиган ИМО ларни тўғри аниқлаш ва уларнинг патентга лаёқатлиги истиқболини баҳолаш;

- маҳсулотнинг тажриба партиясини яратиш, саноат регламентини ишлаб чиқиши, сертификатлаштириши ўтказиш;

- лойиҳанинг календар режаси ва рўёбга чиқариш графигини тузиш;

- молиявий сарф-харажатларни баҳолаш;

- молиялаштириш схемаси (молиявий режа ва баҳолаш сиёсати)ни аниқлаш;

- ишлаб чиқариш режаси (маҳсулотни чиқаришнинг тўлиқ цикли)ни ишлаб чиқиши;

- лойиҳа самарадорлиги (таваккалчилик)ни баҳолашга оид ишлар;

- бизнес-режани ва техник-иқтисодий асослашнинг охирги ишланмаси.

4. Ташкилий босқич қўйидагиларни ўз ичига олади:

- лойиҳани юридик жиҳатдан расмийлаштириш, лойиҳа иштирокчилари ўртасида битимлар тузиш, ИМО дан фойдаланиш бўйича лицензияни расмийлаштириш ва рўйхатга киритиш;

- инвестор билан битим тузиш, инвесторларга акцияларни сотиши.

Инновацион лойиҳани рўёбга чиқариш босқичлари:

1. Саноат мулки обьектлари (ихтиrolар, саноат намуналари, товар белгилари)ни патентлаштириш. Алоҳида ҳуқуқларнинг максимал мумкин бўлган ҳажмини аниқлаш (сотув бозорида эркин сегментни яратиш);
2. Ихтиро бўйича маҳсулотни батафсил ишлаб чиқиш;
3. Маҳсулотни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш, уни ишлаб чиқаришга рухсат бериш;
4. Ишлаб чиқариш қувватларини ташкиллаштириш ва текшириш, маҳсулот “пилот” партиясини чиқариш, сифатнинг рухсат этилган оғишларини аниқлаш;
5. Маҳсулотнинг ялпи сотувини ташкил этувчилар билан битимлар тузиш ёки ўз сотув тармоқларини яратиш, синов тарзида бозорга чиқиш;
6. Реклама ишларини амалга ошириш, буюртмачилар билан тўғридан- тўғри битимлар тузиш;
7. Маҳсулотнинг серияли ишлаб чиқарилишини рўёбга чиқариш.

Маҳсулот бозорга киритилганидан сўнг инновацион лойиҳанинг мақсадлари бажарилган, инновация эса рўёбга чиқарилган ҳисобланади.

## **Хунос**

“Инновация” ва “инновацион фаолият” тушунчаларига таъриф берилди. Инновацияларнинг турлари кўриб чиқилди. Инновацион лойиҳаларнинг таркибий ишлари таҳлил этилди. “Инновацион инфратузилма”, “технопарк”, “технополис” тушунчаларига таъриф берилди. Инновацион лойиҳаларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилди.

Венчур фонди ҳақида маълумот берилди. Инновацион лойиҳаларни ташкиллаштириш ва рўёбга чиқариш босқичлари баён этилди.

## **Назорат саволлари:**

1. Инновацион фаолиятга таъриф беринг.
2. Технологик инновациялар турларини санаб кўрсатинг.
3. Инновацион лойиҳалар қайси турдаги ишларни ўз ичига олади?
4. Инновацион инфратузилмага таъриф беринг.
- 5.“Технопарк”, “технополис” тушунчаларига таъриф беринг.
6. Инновацион лойиҳаларнинг муваффақияти қайси омилларга боғлиқ?
7. “Венчур фонди” нима? Уни тавсифланг.
8. Инновацион лойиҳани шакллантириш босқичларини тавсифланг.
- 9.Инновацион лойиҳани рўёбга чиқариш босқичларини тавсифланг.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 24.12. 1998й. Мазкур Қонунга қўйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 12.12.2003 й. 568-П-сон Қонуни, ЎзР 10.10.2006 й. ЎРҚ-59-сон Қонуни, ЎзР 31.12.2008 й. ЎРҚ-197-сон Қонуни, ЎзР 29.12.2012 й. ЎРҚ-345-сон Қонуни

2. Бейки П., Киндхэм Д.Р. Методы управления инновациями: факторы успеха новых фирм».-М.:Акад.нар.хоз-ва, 1996г.- 35с.

### **3 – БҮЛІМ**

## **7. МУВОФИҚЛИКНИ БАҲОЛАШГА ОИД АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ**

### **7.1. Мувофиқликни баҳолашга оид асосий тушунчалар**

Халқ истеъмоли моллари (товарлари) учун сертификатлаштиришнинг мажбурийлиги истеъмолчилар хукуқини ҳимоя қилиш зарурияти билан белгиланади. Сертификатлаштириш лотин тилидан таржима қилинганда “түғри қилинган” деган маънони билдиради [1].

Маҳсулот “түғри қилинган”ига ишонч ҳосил қилиш учун у қандай талабларга мувофиқ бўлиши ва бу мувофиқликнинг ишончли исботини қандай йўл билан олиш мумкинligини билиш керак.

Сертификатлаштириш – бу муайян процедура бўлиб, унинг ёрдамида учинчи тараф ёзма равишда маҳсулот, жараён ёки хизмат берилган талабларга мувофиқ эканлигига гувоҳлик беради.

Бундай гувоҳликнинг умум тан олинган усули бўлиб мувофиқлик сертификати хизмат қиласи. Умумий ҳолда “мувофиқлик” атамаси “маҳсулот (жараён, хизмат) га қўйилган талабларга риоя қилинган” ини билдиради.

Сертификатлаштириш орқали мувофиқликни тасдиқлаш қабул қилинган процедура қоидаларига кўра учинчи томоннинг мажбурий тарзда иштирокини назарда тутади. Учинчи томон - бу маҳсулот етказувчи (биринчи томон)га ҳам, уни сотиб оловччи истеъмолчи (иккинчи томон)га ҳам боғлиқ бўлмаган шахс ёки ташкилотdir.

Сертификатлаштириш маҳсулот (жараён, хизмат)нинг берилган талабларги мувофиқлигини исботловчи энг ишончли усул ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда “маҳсулот” атамаси “фаолият ва жараёнлар натижаси”

сифатида таърифланади. Бунда маҳсулотнинг тўрт ҳили белгиланган:

- ускуна;
- қайта ишланадиган материаллар;
- хизматлар;
- дастурий таъминот.

Мувофиқликнинг исботи муайян қоидалардан, процедурадан ва бошқарувдан иборат у ёки бўйича ўтказилади.

## **7.2. Сертификатлаштириш тизими**

Сертификатлаштириш тизими умумий ҳолда куйидагилардан ташкил топади:

- марказий орган, у тизимни бошқаради ва унинг фаолияти устидан назорат олиб боради;
- тизимнинг иштирокчилари ва аъзолари (сертификатлаштириш органдар, синов лабораториялари, назорат органлари);
- мувофиқлини сертификатлаштиришга оид норматив хужжатлар;
- сертификатлаш процедуралари;
- инспекция назорати тартиби.

Сертификатлаштириш тизимлари миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда амал қилишлари мумкин.

Мувофиқлик сертификати – бу сертификатлаштириш тизими қоидалари бўйича берилган хужжат бўлиб, у керакли тарзда идентификацияланган маҳсулот (жараён, хизмат) муайян стандартга ёки бошқа норматив хужжатга мувофиқлиги бўйича зарур бўлган ишонч таъминланишини тасдиқлади [1].

Мувофиқлик белгиси – бу сертификатлаштириш тизими қоидаларига кўра маҳсулотнинг мувофиқлигини оператив тасдиқлаш учун кўлланиладиган белгидир. Мувофиқлик белгиси бевосита маҳсулотнинг ўзига ёки унинг ўрамига қўйилади.

Сертификатлаш бўйича орган – бу сертификатлаштириш бўйича

ишларни бажариш учун белгиланган тартибда аккредитланган юридик шахсдир.

Мувофиқлик түғрисидаги декларация – бу муомилага чиқарилган маҳсулотнинг техник регламентлар талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатдир.

Маҳсулотни идентификациялаш – маҳсулот характеристикаларининг унинг муҳим белгиларига айнан ўхшашигини аниқлашдир.

Миллий стандарт – Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш бўйича миллий органи томонидан тасдиқланган стандарт.

Халқаро стандарт – халқаро ташкилот томонидан тасдиқланган стандарт.

Маҳсулот – материал-моддий шаклда хўжалик ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун тақдим этилган фаолият натижаси.

Мувофиқликни тасдиқлаш - маҳсулот ёки бошқа обьектлар, ишлаб чиқариш, эксплуатация, сақлаш, ташиб, рўёбга чиқариш ва утиллаштириш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнларининг техник регламентлар талабларига, стандартлар қоидаларига ёки битимлар шартларига мувофиқ-лигини хужжат бўйича тасдиқлаш.

Мувофиқликни баҳолаш – обьектларга қўйиладиган талабларга риоя қилинишини тўғридан-тўғри ёки билвосита аниқлаш.

Аkkreditlaш – жисмоний ва юридик шахснинг муайян соҳада мувофиқликни баҳолаш ишларини бажариш бўйича малакага эга эканлиги (компетентлиги)ни аккредитлаш органи томонидан расмий тан олиниши.

Сертификатлаштириш тизими – сертификатлаштириш бўйича ишларнинг бажарилиши қоидалари, унинг иштрокчилари ва сертификатлаштириш тизими ишлари қоидаларининг мажмуи.

Ҳар қандай сертификатлаштириш тизими мувофиқликни баҳолаш учун қўлланиладиган норматив хужжат (НХ)лардан фойдаланади.

Мувофиқлик түғрисидаги ахборот товарларнинг бозордаги ҳаракати-

нинг турли ҳолларида тайёрловчининг ўзига, истеъмолчиларга, назоратловчи органларга, хукумат ташкилотларига керак.

Махсулотнинг мувофиқлик сертификати - бугунги куннинг зарурий шарти. Сифат тизимининг сертификати – бу корхона рақобатбардошлигининг асосий мезони ва халқаро бозорга йўлдир.

## **Хуроса**

Ушбу параграфда мувофиқликни баҳолашга оид асосий тушунчаларга таъриф берилди. Сертификатлаштириш тизимига оид маълумотлар қўриб чиқилди.

### **Назорат саволлари:**

1. Сертификатлаштириш тадбирига таъриф беринг.
2. Халқ истеъмоли моллари (товарлари)ни сертификатлаштиришнинг мажбурийлиги қандай зарурият билан белгиланади?
3. ”Махсулот” атамасига таъриф беринг. Махсулотнинг қандай турларини биласиз?
4. Сертификатлаштириш тизими нималарни ўз ичига олади ?
5. Мувофиқликни баҳолаш, мувофиқликни тасдиқлаш, мувофиқлик тўғрисидаги декларация тушунчаларига таъриф беринг.
6. Мувофиқлик сертификати, мувофиқлик белгиси тушунчаларига таъриф беринг.
7. Миллий стандарт, халқаро стандарт тушунчаларига таъриф беринг.
8. Махсулотни идентификациялаш тадбирини тушунтиринг.
9. Аккредитлаш тушунчасига таъриф беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Сергеев А.Г., Латышев М.В., Терегеря В.В. “ Метрология, стандартизация, сертификация. Учебное пособие. –М.: Логос, 2003г. -536с.

## **8. МИЛЛИЙ СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

### **8.1. Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштиришнинг хуқуқиий асосларига оид қонунчилиги**

Сертификатлаштиришнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланади [1]. Қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат маркази (Ўзстандарт) сертификатлаштириш бўйича ва сертификатлаштириш тизими иштирокчиларини аккредитлаш бўйича миллий орган эканлиги белгиланган.

Қонунга кўра, сертификатлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказилиши керак бўлган маҳсулотлар ва хизматлар Рўйхати бўйича, шунингдек, бошқа қонунчилик актлари билан кўзда тутилган ҳолларда амалга оширилади.

Мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказиш бўйича ишларни ташкиллаштириш “Ўзстандарт” га юклатилган. Сертификатлаштиришни турдош маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича мажбурий аккредитланган органлар амалга оширадилар.

Куйидагилар мажбурий сертификатлаштиришнинг субъектлари ҳисобланади:

- “Ўзстандарт”;
- сертификатлаштириш бўйича органлар;
- синов лабораториялари (марказлари);
- текширув ва назорат органлари, маҳсулотни тайёрловчилар (сотувчилар).

Сертификатлаштириш бўйича органларга:

- турдош маҳсулотларни сертификатлаштириш тизимини яратиш;
- сертификатлаштириш схемаларини танлаш;
- талабнома берувчиларга сертификатланган маҳсулот учун товар белгисини қўллаш хукуқлари берилган.

Қонунда импорт ва экспорт қилинадиган маҳсулотлар учун сертификатлаштириш шартлари белгиланган.

Мажбурий сертификатлаштирилиши керак бўлган маҳсулот унинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи сертификат билан таъминланган бўлиши керак. Мувофиқлик сертификати бўлмаган ҳолларда, божхона органлари бир жойдан бошқа жойга олиб борилаётган маҳсулотни миллий сертификатлаштириш тизими қоидалари бўйича сертификатлаштиришдан ўтказилганлиги тўғрисидаги масала ҳал этилмагунича, ушлаб қоладилар.

Қонун юридик ва жисмоний шахсларнинг ташаббуси билан ҳар қандай маҳсулотнинг норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлашга қаратилган ихтиёрий сертификатлаштиришни ҳам кўзда тутади.

Қонун текширув ва назорат масалаларини тартибга солади. Маҳсулот тайёрловчилар томонидан мажбурий сертификатлаштириш қоидаларига риоя қилиниши устидан Давлат назоратини давлат инспекторлари амалга оширадилар.

Сифат тизимлари ва ишлаб чиқаришнинг сертификатлаштирилган маҳсулотлари устидан инспекция назоратини сертификатлаштириш органлари амалга оширадилар, аккредитланган синов лабораториялари (марказлари), сертификатлаштириш соҳасидаги сертификатлаштириш органларининг фаолияти аккредитловчи орган – “Ўзстандарт” томонидан назорат қилинади.

Сертификатлаштириш натижаси билан рози бўлинмаган ҳолда манфаатдор томон “Ўзстандарт” нинг Апелляция кенгашига мурожаат қилиш хукуқига эга. Апелляция кенгаши, шунингдек сертификатлаштириш

органлари ва синов лабораторияларининг қарорлари бўйича шикоятларни ҳам кўриб чиқади.

Қонун маҳсулот тайёрловчилар (тадбиркорлар, сотувчилар, ижрочиilar) нинг мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганликлари учун жавобгарлигини, шунингдек сертификатлаштириш органларининг сертифи-катни асосиз берганликлари ва талабнома берувчининг тижорий сирига оид маълумотларни ошкор этганликлари учун жавобгарлигини кўзда тутади. Мажбурий сертификатлаштирилиши керак бўлган сертификатланмаган маҳсулотни сотувга чиқарилганлиги учун сотилган маҳсулот ҳажмида жарима солинади. Жарима “Ўзстандарт” давлат инспектори қарори бўйича ундири-лади. Жарима сертификатлаштиришни ўтказишдан озод этмайди.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 24 апрелда қабул қилинган “Истеъмолчилар хукуқининг ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни сертификатлаштириш бўйича қўшимча хукукий асос берди [2]. Унда мажбурий сертификатлаштирилиши керак бўлган маҳсулот сотувга чиқарилганида истеъмолчига унинг сертификатланганлиги хақида ахборот тақдим этилиши кераклиги кўрсатилган. Зарурый ахборотнинг бўлмаслиги тегишли давлат органининг кўрсатмасига кўра маҳсулот сотувининг тўхтатилишига олиб келади. Барча турдаги маҳсулотлар учун уни тайёрловчи томонидан кафолат муддати белгиланиши керак.

“Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” ги Қонун ҳам [3], сертификатлаштиришнинг қонунчилик асосларидан бири ҳисобланади. Ушбу қонун гигиеник сертификатларини расмийлаштириш зарурлигини белгилади. Бундай сертификатлар асосида озиқ-овқат маҳсулотларининг мувофиқлигини сертификатлаштириш ва давлат рўйхатига киритиш амалга оширилади.

1997 йил 31августда қабул қилинган “Ўсимликларнинг карантини тўғрисида” ги Қонуни билан ўсимлик маҳсулотларининг Ўзбекистонга олиб

кирилиши ва у орқали транзит қилиниши қоидалари белгиланган [4].

Карантин остида бўлган ҳар бир маҳсулот ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекцияси органлари томонидан берилган фитосанитар сертификатига эга бўлиши керак. Маҳсулотларни мамлакатга киритиш чоғида фитосанитар текширувига қадар, қўшимча тарзда, импорт қилиш учун рухсатнома расмийлаштирилади.

Экологик сертификатлаштиришдан мақсад – ишлаб чиқарувчиларнинг табиатни минимал даражада ифлослантирадиган технологик жараёнларни жорий этишларини ва истеъмолчига маҳсулотнинг унинг ҳаёти, соғлиги, мол-мулки ва ҳаёт муҳити хавфсизлигини кафолатлайдиган товарларни ишлаб чикишларини рағбатлантиришдан иборат.

14000 серияли ИСО халқаро стандартлари атроф муҳитни бошқариш ва экологик аудит бўйича раҳбарий маълумотларни ўз ичига олади ва уларнинг қабул қилиниши экологик сертификатлаштириш ишларини ташкил этиш ва ўтказиш учун асос яратади.

## **8.2. Ўзбекистон Республикасида аккредитлаш тизими**

Ўзбекистон Республикасида аккредитлаш тизимини ишлаб чиқишдан мақсад мамлакатимизда яратилган маҳсулот, хизмат ва жараёнларнинг мувофиқлигини тасдиқловчи сертификатлар ва бошқа хужжатларнинг халқаро эътироф этилиши учун замин яратишдан иборат. Бундай эътироф Миллий аккредитлаш тизимининг халқаро аккредитлаш тизимларига уйғуналигига ишонч ҳосил қилишга асосланган. Сифат кўрсатгичларининг барқарорлиги синов, қиёслаш (калибрлаш) лабораториялари, сертификатлаштириш ва текширув органларининг малакали (компетентли) фаолияти билан кафолатланади. Ўзбекистон Республикасида миллий аккредитлаш тизими мустақил тизим сифатида 1998 йили яратилди.

Аkkreditlaш тизими – akkreditlaшни amalga oшириш учун ўз

қоида, процедуралари ва бошқарувига эга бўлган тизимдир.

Бунда тизимга норматив асос сифатида халқаро (европа) стандартларидан фойдаланилади.

Турдош маҳсулотларни, синов (ўлчов) лабораториялари (марказлари)ни, Адлия вазирлигига 17.07.2006 йилда рўйхатга олинган сертификатлаштириш соҳасидаги сертификатлаштириш бўйича органларни аккредитлаш Коидалари мазкур тизимнинг ҳуқуқий хужжати ҳисобланади.

Аkkreditlovchi organ – bu “маҳсулот ва хизматларнинг, персонал ва сифат тизимиning белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун расмий ваколат берувчи давлат бошқарув органидир”. Ўзбекистон Республикасида аккредитловчи орган сифатида “Ўзстандарт” агентлиги ваколатланган.

Аkkreditlaш бўйича Кенгаш – bu “миллий аккредитлаш тизимиning ўтказилган аккредитлаш натижалари бўйича қарор қабул қиласидан раҳбарий органидир”.

Аkkreditlaш соҳаси – bu талабнома берувчи томонидан аккредитлашга тақдим этилган мувофиқликни тасдиқлаш бўйича фаолият соҳасида бажарилган муайян ишлардир.

Аkkreditlaшнинг мақсади қўйидагилардан иборат:

- мамлакатимизда ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг хавфсизлигини, сифат ва ракобатбардошлигини ошириш;
- халқаро битимлардаги техник тўсиқларни бартараф этиш;
- техник компетентликни ошириш, синов лабораториялари, калибрювка ва қиёслаш бўйича лабораториялар фаолияти натижаларини халқаро эътироф этилишини таъминлаш.

Аkkreditlaш тизими қўйидаги белгиларга асосланади:

- тизимиning миллий даражада эътироф этилиши;
- хусусий коида ва процедураларнинг мавжудлиги;
- аккредитлаш обьектлари ишини такомиллаштириш ва ва халқаро

- аккредитлаш тизимлари билан муносабатларни ривожлантириш;
- тизимнинг ҳар қандай юридик ва жисмоний шахслар учун очиклиги;
  - тизим аъзоларининг компетентлиги;
  - тизимнинг ҳар қандай манфаатдор ёки белгиланган иштирокчиларга нисбатан объективлиги;
  - аккредитлаш натижалари у ёки бу юридик ва жисмоний шахсларнинг таъсирига боғлик эмаслиги;
  - раҳбарларнинг ушбу принципларга риоя қилишлари ва уларнинг қарор қабул қилиш бўйича масъулияти;
  - тизимнинг рационаллиги ва аккредитлаш процедуралари учун сарф-харажатларни имкон қадар камайтириш.

Аkkредитлашнинг вазифаси ташкилот ва жисмоний шахсларнинг фаолияти норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини расмий жиҳатдан тасдиклашдир.

Куйидагилар тизимнинг аккредитлаш объектлари ҳисобланади:

- синов лабораториялари;
- киёслаш ва калибрлаш лабораториялари;
- хизмат ва маҳсулотларни сертификатлаш бўйича органлар;
- менежмент тизимини сертификатлаш бўйича органлар;
- текширув (назорат) органлари;
- транспорт воситасидан туширишдан олдинги инспекция бўйича консалтинг фирмалари;
- сифат бўйича инспектор-аудиторлар.

Конунчилик билан тартибга солинадиган соҳаларда фаолият амалга оширувчи объектлар мажбурий аккредитланувчи объектлар ҳисобланади.

Сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология, синов, текширув, калибрлаш (киёслаш) соҳасида ўз натижаларининг тан олинишига эришувчи объектларда уларнинг фаолиятлари тизим қоидалари даражасида амалга оширилади.

Аkkreditлашнинг икки ва кўпроқ соҳаларида ўриндошлиқ бўйича фаолият кўrsатувчи объектлар барча бу соҳалар бўйича акkreditланишлари керак. Бунда акkreditлаш бир вақтнинг ўзида барча талабнома берилган соҳалар бўйича ёки қўshимча соҳада акkreditлаш тартибида босқичмабосқич ўtkазилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси акkreditлаш тизимининг халқаро эътироф этилиши Ўзбекистоннинг халқаро акkreditлаш тизимлари (ILAC, IAF) га қўшилишига замин сифатида хизмат қилади.

## **Холоса**

Ушбу параграфда Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштиришнинг хукукий асосларига оид қонунчилигининг асосий жиҳатлари баён этилди. Ўзбекистон Республикасида акkreditлаш тизимиға оид маълумотлар келтирилди.

### **Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштиришнинг хукукий асосларига оид қандай Қонунларини биласиз?
2. Мажбурий сертификатлаштиришдан ўtkазиш бўйича ишларни ташкиллаштириш қайси ташкилотга юклатилган. Турдош маҳсулотларни сертификатлаштириш қайси орган томонидан амалга оширилади ?
3. Мажбурий сертификатлаштириш субъектларини санаб кўrsатинг.
4. Сертификатлаштириш бўйича органларга қандай хукуқлар берилади ?
5. Мажбурий сертификатлаштириш коидаларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини ким амалга оширади ?
6. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида сертификатлаштириш ишларининг текшируви ва назорати қандай тартибга солинади?

7. “Ўзстандарт” нинг Апелляция кенгаши қандай вазифаларни бажаради?
8. Аккредитлаш тизими, Аккредитловчи орган, Аккредитлаш бўйича Кенгаш, Аккредитлаш соҳаси атамаларига таъриф беринг.
9. Аккредитлашнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
10. Аккредитлаш органининг вазифалари нималардан иборат?
11. Аккредитлаш тизими қандай белгиларга асосланади?
12. Аккредитлаш тизимининг объектлари ҳақида маълумот беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Конуни. 28.12.1993й. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; ЎР ҚХТ 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2009 й., 15-сон, 172-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда).

2. Ўзбекистон Республикасининг ”Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Конуни, 28.12.1993й. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; ЎР ҚХТ 2006 й., 14-сон, 113-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда).

3. Ўзбекистон Республикасининг ”Истеъмолчилар хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуни, 26.04.1996й. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 74-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; ЎР ҚХТ 2005й., 51-сон, 374-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2008 й., 14-15-сон, 90-модда; 2010й., 40-41-сон, 343-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда, 2014 й.4-сон, 45 модда).

4. Ўзбекистон Республикасининг ”Озиқ-овқат махсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Конуни, 30.08.1997й. Мазкур Конунга

Куйидагиларга мувофиқ ўзгартеришлар киритилган: ЎзР 25.04.2003 й. 482-11 сон Қонуни; ЎзР 06.04.2006 й. ЎРҚ-31 сон Қонуни;

5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликларнинг карантини тўғрисида” ги Қонуни, 31.08.1995й. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995й., 9-сон, 188-модда; 1996й., 9-сон, 144-модда; 1997й., 4-5 сон, 126-модда; ЎР ҚХТ 2009й., 52-сон, 555-модда).

## **9. СЕРТИФИКАТЛАНГАН МАҲСУЛОТНИНГ ИНСПЕКЦИЯ ТЕКШИРУВИ**

### **9.1. Сертификатланган маҳсулотнинг инспекция текшируви**

Серия бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот учун сертификат берадиган орган бир йилда бир мартадан кам бўлмаган тарзда унинг талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида инспекция текшируви ўтказади.

Инспекция текширувига умумий талаблар Адлия вазирлиги томонидан 2005 йили 6 майда 1464 рақами билан рўйхатга олинган “Сертификатланадиган маҳсулот ва хизматларнинг инспекция назоратини ўтказиш қоидалари” бўйича белгиланади.

Инспекция текширувини ўтказишнинг батафсил тартиби турдош маҳсулотларни сертификатлаштириш бўйича органнинг процедуралар хужжати билан белгиланади.

Режали текширув маҳсулотни сертификатлаш органи раҳбари томонидан тасдиқланган режа жадвалига мувофиқ ўтказилади. Режадан ташқари текширув истеъмолчилардан шикоят тушган ва муайян тарзда далилланган ва аниқланган номувофиқлик фактлари хужжат билан тасдиқланган ҳолда ўтказилади.

Инспекция текшируви сертификатлаштириш соҳасида касбий тайёргарликка эга, қонунчилик актлари ва норматив хужжатларни биладиган мутахассислар (сифат бўйича эксперт –аудиторлар) томонидан ўтказилади.

Инспекция текширувининг вазифаси сертификатланадиган маҳсулотнинг норматив хужжатлар талабларига мувофиқлигини тасдиқлашдан иборатдир. Сертификатлаш бўйича орган раҳбари буйругининг бир нусхаси ва инспекция текширувни ўтказиш дастури маҳсулот ишлаб чиқарувчи ташкилот (корхона) раҳбарига уларни олганлик ҳакидаги тилхат бўйича топширилади.

Инспекция текшируви ишлаб чиқарувчидан тайёрловчининг вакили иштирокида намуна олишдан ва (ёки) савдо соҳасида (истеъмолчи иштирокида) 2- ва 4- сертификатлаштириш схемалари бўйича бошланади.

Намуналар олиш акт билан расмийлаштирилади. Тайёрловчи ўз маҳсулотидан намуна олиш ва уни синаш чоғида иштирок этиш хуқуқига эга. Намуналарнинг синови мустақил аккредитланган синов лабораториясида ўтказилади, натижалар баённома билан расмийлаштирилади.

Қуйидагилар текширувнинг асосий обьектлари ҳисобланади:

- маҳсулот учун норматив хужжат, синов методлари ва ишлабчиқариш технологияси;
- сертификатланган маҳсулот;
- ишлаб чиқариш ва сифат тизими;
- технологик усканалар, ўлчов ва синов воситалари;
- сертификатланган маҳсулотни сақлаш шароитлари ва муддатлари;
- қадоқлаш, транспорт воситалари билан ташиш шароитлари;
- йўлланадиган хужжатлар;
- мувофиқлик белгиси билан маркировкалаш.

Маҳсулотни сертификатлаштириш сифат тизимига мувофиқлик сертификати мавжудлигини кўзда тутадиган 5- ва 6- схемалар бўйича ўтказилиши чоғида сертификатлаштириш бўйича органга сифат тизими сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш бўйича амалга оширган текшируви ҳакидаги ҳисботнинг битта нусхаси топширилади.

Текширув натижасида салбий натижалар аниқланганида комиссия

аниқланган номувофиқликни бартараф этишни таклиф этади. Инспекция текшируви маҳсулотнинг ва (ёки) ишлабчиқаришнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги ёки номуфиқлиги объектив исботланганлиги аниқланган ҳолда тугалланган ҳисобланиши мумкин.

Текширув натижалари бўйича комиссия томонидан ихтиёрий шаклдаги ва икки нусхадаги акт тузилади. Актнинг битта нусхаси тайёрловчига, топширилади, иккинчиси эса сертификатлаштириш органига жўнатилади.

Инспекция текшируви бўйича акт барча комиссия аъзолари ва тайёрловчи томонидан тасдиқланади. Бунда тайёрловчи текширув натижалари билан рози бўлмаган ҳолда ўз фикрини баён этиши мумкин.

Текширув натижалари бўйича акт тузилган санадан кейин ўтган уч кун давомида мувофиқлик сертификатининг амалда бўлишини тасдиқлаш, тўхтатиш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинади.

Мувофиқлик сертификати бекор қилинганлиги ҳақидаги қарор қабул қилинган ҳолда сертификатлаштириш органи бу ҳақида уч кундан кўп бўлмаган муддатда “Ўзстандарт” агентлигига, солиқ ва бож тўлаш органларига ва зарурат туғилганида оммавий ахборот воситаларига ахборот йўллайди.

Мувофиқлик сертификатининг бекор қилиниши уни Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизими Давлат рўйхатидан чиқарилган санадан амалга киради. Бу ҳақида тегишли журналга ёзиб қўйилади .

Маҳсулот учун мувофиқлик сертификати бекор қилинганидан сўнг мажбурий сертификатлаштирилиши керак бўлган бу маҳсулотнинг савдо соҳасида реализация қилиниши бекор қилинган сертификат нусхасини олиб қўйилган ҳолда тўхтатилади.

Қабул қилинган қарор билан рози бўлинмаган ҳолда манфаатдор томон “Ўзстандарт” агентлигининг Апелляция кенгашига ёки бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Апелляция кенгашининг қарори устидан

шунингдек, қонунчилик бўйича белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

## **Хуноса**

Сертификатланган маҳсулотнинг инспекция текширувига оид маълумотлар кўриб чиқилди.

### **Назорат саволлари:**

1. Сертификатланган маҳсулотнинг режали ва режадан ташқари текшируви қандай амалга оширилади?
2. Сертификатланган маҳсулотнинг инспекция текшируви қандай мақсадда ўтказилади?
3. Сертификатланган маҳсулотнинг инспекция текшируви қандай амалга оширилади?
4. Сертификатланган маҳсулотнинг инспекция текширувининг асосий объектларини санаб қўрсатинг.
5. Сертификатни бекор қилиш қарори қабул қилинганида сертификатлаштириш бўйича орган нималар қиласи ?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг ”Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, 28.12.1993й. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; ЎР ҚҲТ 2006 й., 14-сон, 113-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда).

2. Ўзбекистон Республикасининг ”Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 26.04.1996й. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 74-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; ЎР ҚҲТ 2005й., 51-сон, 374-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда;

2008 й., 14-15-сон, 90-модда; 2010 й., 40-41-сон, 343-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда, 2014 й. 4-сон, 45 модда).

3. Ўзбекистон Республикасининг ”Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, 30.08.1997 й. Мазкур Қонунга Қўйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 25.04.2003 й. 482-11 сон Қонуни; ЎзР 06.04.2006 й. ЎРҚ-31 сон Қонуни;

4. “Сертификатланадиган маҳсулот ва хизматларнинг инспекция назоратини ўтказиш қоидалари”, Адлия вазирлиги томонидан 06.05.2005 й.да 1464 рақами билан рўйхатга олинган.

## **10.СЕРТИФИКАТЛАНГАН МАҲСУЛОТНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ. СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ОРГАНЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ**

### **10.1. Сертификатланган маҳсулотни давлат рўйхатидан ўтказиш**

Муайян маҳсулотнинг уни реализация қилиш чоғида сертификатланганлиги ҳақида истеъмолчиларни хабардор қилиш сертификат ёки унинг нусхаси, шунингдек, мувофиқлик белгиси орқали амалга оширилади.

Мувофиқлик сертификати – бу миллий сертификатлаштириш қоидалари бўйича нашр этилган ва керакли тарзда идентификацияланган маҳсулот ёки хизмат муайян стандартга ёки бошқа норматив хужжатга мувофиқ эканлигига зарур бўлган ишонч таъминланланлиги ҳақида маълум қилувчи хужжатdir.

Сертификат стандартнинг, шунингдек, унинг бўйлимларига ёки маҳсулотнинг муайян характеристкаларига тааллуқли барча талабларга тегишли бўлиши мумкин, бу ҳақида хужжатнинг ўзида аниқ кўрсатилади.

У сертификатда тақдим этилган ахборотни сертификат бериш учун асос бўлган синаш, ишлаб чиқаришни баҳолаш ва бошқа текширув

натижалари билан солишириш имкониятини таъминлайди [1,2].

Ҳар бир сертификат давлат рўйхатида расмий қайд этилиши керак.

Дастлабки рўйхатга олишни сертификатлаштириш органи жиддий хужжат бўлган ва ўзининг индивидуал идентификация рақами бўлган сертификат бланкасини тўлдириш чоғида ўтказади.

Якуний рўйхатга олишни сертификатлаштириш бўйича миллий орган унга сертификатлаштириш бўйича органлар томонидан ҳар куни тақдим этиладиган ҳисоботлар асосида ўтказади.

Сертификатдаги давлат рўйхати бўйича қайд этилган рақам ариза берувчи ва сертификатлаштириш бўйича орган ҳақида қўшимча ахборот беради.

Баҳолаш обьектларини рўйхатга олишнинг ва мувофиқликни тасдиқлашнинг умумий тартиби 51-021: 2004 Ўз.РХ билан аниқланади. Давлат рўйхати бўйича баҳолангандек обьектларнинг таркиби 10.1-расмда келтирилган.

Мувофиқлик сертификатининг қайд қилиш рақамида сертификатлаштириш бўйича органнинг коди сифатида сертификатлашни ўтказган сертификатлаштириш бўйича органнинг аккредитланганлиги ҳақидаги гувоҳ-номанинг тартиб рақами қўлланилади. Аккредитлаш бўйича органнинг коди Миллий аккредитловчи органнинг давлат тилидаги номининг бошланғич харфлари (MAI) дан иборат белгига эга. Сертификатлаштириш бўйича Миллий орган ўхшаш тарзда SMI, Миллий сертификация тизими SMT, Миллий аккредитация тизими АМТ кўринишида белгиланади.

Қуйида сертификатланган маҳсулот, сифат тизими ва хизмат учун сертификатларнинг қайд қилиш рақамларига мисоллар ва аккредитлаш гувоҳномасининг қайд қилиш рақами келтирилган.

Қайд қилиш обьектлари кодларининг рўйхати, шунингдек, 51-021: 2004 Ўз.РХ да ҳам белгиланган, бу рўйхат 10.1-жадвалда келтирилган.

**XX.XXX.XX.XXX.XXXXX**  
 Рўйхатга олинадиган объектларнинг  
 тартиб рақами  
 Сертификатлаштириш бўйича ёки аккредитлаш  
 бўйича органларнинг кодлари  
 Объектни қайд этиш коди  
 Мувофиқликни баҳолаш тизимининг харфли белгиси  
 Ўзбекистон Республикасининг белгиси

**10.1-расм. Давлат рўйхатини қайд қилиш рақамининг  
 умумий таркибий тузилиши**

**10.1-жадвал  
 Рўйхатга олинадиган объектларнинг кодлар рўйхати**

<b>№</b>	<b>Рўйхатга олинадиган объектнинг номи</b>	<b>Код</b>
1	Махсулот учун сертификат	01
2	Хизматлар учун сертификат	02
3	Чет эл сертификатлари	03
4	Менеджмент тизими учун сертификат	04
5	Менеджмент тизимини сертификатлаш бўйича органнинг аккредитланганлиги ҳақида гувоҳнома	05
6	Махсулотни сертификатлаш бўйича органнинг аккредитланганлиги ҳақида гувоҳнома	06
7	Лаборатория (марказ)нинг аккредитланганлиги ҳақида гувоҳнома	07
8	Сифат бўйича эксперт-аудиторнинг атtestати	08
9	Транспорт воситалари турини маъқуллаш	09
10	Чет элларда атtestатланган сифат бўйича эксперт-аудиторнинг атtestати	10

11	Назорат (инспекция) органининг аккредитланганлиги ҳақидаги гувоҳнома	11
12	Турдош маҳсулотни сертификатлаштириш тизимининг гувоҳномаси	12
13	Персоналнинг малакага эгалиги (компенентлиги) сертификати	13
14	Мувофиқлик тўғрисидаги декларация	14
15	Метролог- эксперт аттестати	15
16	Бузмайдиган назорат соҳасидаги персоналнинг малакага эгалиги (компетентлиги) сертификати	16

*UZ.SMT.01.129.00022* (Сертификатлаштириш бўйича Миллий органнинг маҳсулот учун берган мувофиқлик сертификатининг қайд қилинган рақами).

*UZ.SMT.04.001.00011* (Сертификатлаштириш бўйича Миллий органнинг менежмент тизими учун берган мувофиқлик сертификатининг қайд қилинган рақами).

*UZ.SMT.02.SMI.00011* (Сертификатлаштириш бўйича Миллий органнинг хизмат учун берган мувофиқлик сертификатининг қайд қилинган рақами).

*UZ.AMT.07.MAI.043* (Аkkreditlash бўйича Миллий орган томонидан берилган лабораторияни аккредитлаш ҳақидаги гувоҳноманинг қайд қилинган рақами).

Сертификатлаштириш бўйича органлар улар томонидан берилган, бекор қилинган сертификатларни хисобга олиб борадилар ва уларнинг сертификатлаштириш бўйича фаолияти ҳақида сертификатлаштириш бўйича Миллий органга ахборот йўллайдилар. Улар манфаатдор ташкилотларни ўз фаолиятлари ва берилган сертификатлар ҳақида хабардор қилишлари

мумкин.

Рўйхатда қайд қилинган ҳар бир объект бўйича 10.2- жадвалда келтирилган ахборот харитасини (карточкасини) тўлдириш тавсия этилади.

### 10.2- жадвал

Рўйхатда қайд қилинган объект ҳақидаги ахборотни ёзиб бориш ва ҳисобини олиб бориш карточкасининг намунаси

№	Ёзувнинг номи	Мисол
1	Давлат реестри бўйича рўйхатга олиш рақами	UZ.AMT. 06.MAI. 055
2	Бланкни ҳисобга олиш рақами	513
3	Рўйхатга олиш санаси	21.11.2007й.
4	Амал қилиш муддати	3 йил
5	Ташкилотнинг тўлиқ номи	Ўзбек-турк корхонаси «Uzbek- turk test markazi»
6	Ташкилотнинг қисқартирилган номи	ОС «Ўзбек-Турк тест маркази»
7	Идоравий тааллуқлиги (агар мавжуд бўлса)	
8	Манзил	Тошкент, Чўпонота кўча, 98
9	Телефон	50-01-01
10	Электрон манзили	<a href="mailto:uzttm@yandex.ru">uzttm@yandex.ru</a>
11	Рахбар (талаёнма берувчи)нинг Ф. И. Ш.	Шукурлаев Ш.М
12	Объектнинг номи (СО, ИЛ, менеджмент тизими, персонал, маҳсулот, ...)	Сертификатлаштириш бўйича орган
13	Аkkreditлашга тааллуқли соҳа	Тўқимачилик, пойафзал ва мебель маҳсулоти
14	Сертификатлаштириш/аккредитлаш ўтказилаётган мувофиқлик бўйича норматив хужжатларнинг мавжудлиги	Oz DSt 5.

15	Инспекция текширувини ўтказиш даврийлиги	12 ойда 1 марта
16	Аккредитлаш (сертификатлаштириш) бўйича орган қарорининг санаси	Аккредитланганлик ҳақидаги қарор, 17.07.2000 й.
17	Аккредитлаш, сертификатлаштриш бўйичагувоҳноманинг тўхтатилганлиги ёки бекор қилингандигини тасдиқловчи ахборот	Аккредитлаш Кенгашининг 20.07.2006 й.даги 35-сонли текширув акти асосидаги қарори билан тасдиқланган
18	Давлат реестридан чиқариш санаси	

“Ўзстандарт” агентлиги сертификатланган маҳсулотларнинг, қайд қилинадиган бошқа обьектларнинг йиғма рўйхатини тузиб боради ва бекор қилинган сертификатлар ҳақида хабардор қилиш бўйича ишларни олиб боради. Масалан, сертификатлаштириш бўйича аккредитланган органларнинг, лабораторияларнинг, аттестланган сифат бўйича эксперт-аудиторларнинг рўйхати “Ўзстандарт” агентлигининг расмий сайтида нашр этилади.

Аризачи мувофиқлик сертификати ва мувофиқликнинг маркиров-каланган белгисига эга маҳсулотни реклама қилиш, шунингдек сифат менежменти ёки ишлабчиқаришнининг сертификатлаштирилган тизимини

реклама қилиш ҳуқуқига эга. Мажбурий сертификатлаштирилиши керак бўлган, бироқ мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган маҳсулотни реклама қилиш тақиқланади.

## **10.2. Сертификатлаштириш бўйича органларнинг фаолиятини ташкиллаштириш**

Сертификатлаштириш сифати сертификатлаштириш бўйича органнинг малакаси (компетентлиги) ва мустақиллиги, шунингдек, аризачилар ва

бошқа манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини қондириш қобилияти билан белгиланади.

Сертификатлаштириш сифати сертификатлаштириш бўйича орган-нинг малакаси (компетентлиги) ва мустақиллиги, шунингдек, аризачилар ва бошқа манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини қондириш қобилияти билан белгиланади.

Сертификатлаштириш бўйича орган аризачига орган хизматлари ҳақидаги ахборотга тўсқинсиз эга бўлишини таъминлаши керак. Унга қабул қилиниши мумкин бўлмаган молиявий ва бошқа шартларни қўймаслик лозим. Орган ўз фаолиятида амалга оширадиган процедуралар дискриминацияловчи хусусиятга эга бўлмаслиги керак. Махсулот (хизмат, сифат тизими, персонал)ни сертификатлаштириш бўйича аккредитловчи орган сифатида фаолият юритишга давогар орган қўйидагиларга эга бўлиши керак:

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ юридик статусга;
- синов, сифатни баҳолаш, норматив хужжатлар билан ишлаш тажрибасига ва ариза берилган соҳада обрўга;
- зарурий маблағга, хужжатлаштирилган процедураларга эга бўлиши керак.

Сертификатлаштириш бўйича орган қўйидаги вазифаларни бажаради:

- органнинг барча вазифаларини рўёбга чиқаришда вазифалар (функциялар)нинг тақсимотини, жавобгарлигини, персоналнинг ўзаро алоқасини таъминлайди;
- органнинг фаолияти бўйича сертификатлаштиришнинг асосланган процедурали ва схемали ташкилий методик хужжатларни ишлаб чиқади;
- аккредатлаш соҳасига мувофиқ сертификатлаштиришда фойдаланаладиган норматив хужжатлар фондини шакллантиради ;
- маҳсулотларни сертификатлайди, мувофиқлик сертификати ва сертификатланадиган маҳсулотга нисбатан мувофиқлик белгисини қўллаш

бўйича лицензиялар беради;

- мувофиқлик сертификатини рўйхатга олади;
- ҳорижий сертификатлар, синов протоколлари ва маҳсулотнинг мувофиқлигига оид гувоҳномаларнинг таҳлилини ва ҳисобга олишни амалга оширади;
- сертификатлаштирилган маҳсулотнинг сертификатлаштириш схемаси бўйича инспекция назоратини олиб боради;
- берилган сертификатларнинг амалда бўлишини бекор қиласди ёки тўхтатиб туради, тўғриловчи (коррекцияловчи) тадбирларни ишлаб чиқишида иштирок этади, уларнинг бажарилиши бўйича назорат олиб боради;
- персонални мақсаддага мувофиқ тайинлаш ва малакасини оширишни таъминлайди;
- синов лабораториялари, сертификатлаштириш бўйича бошқа органлар билан ўзаро алоқа ўрнатади;
- истеъмолчилар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда маҳсулот устидан давлат текшируви ва назоратини амалга оширувчи маҳсулот тайёрловчилар ва сотувчилар билан алоқа ўрнатади;
- ички текширувни ва ўзининг сертификатлаштириш тизимида белгиланган талабларга мувофиқлигини таъминлашни амалга оширади;
- ўз фаолиятининг барча масалалари бўйича хужжатлаштиришни олиб боради;
- хужжатларнинг унинг фаолиятини инспекция текширувини ўтказадиган органлар учун очиқлигини таъминлайди;
- сертификатлаштириш натижалари, жумладан, сертификатлашдан ўтмаган маҳсулотлар ҳақидаги ёки аниқланган бузилишлар ва маҳсулотнинг белгиланган талабларга номувофиқлиги ҳақидаги ахборот билан таъминлайди.
- сертификатлаштириш органи тегишли маъмурий ва ташкилий тузилишга, малакали персоналга, хужжатларни бошқариш тизимига ва

сертификатлаштириш бўйича ишларнинг сифатини таъминлаш тизимида эга бўлиши керак;

- сертификатлаштириш бўйича орган раҳбар бошчилик қиладиган доимий (штатли) персоналга эга бўлиши керак.

Бунда персоналга ўтказиладиган сертификат натижаларига ташқаридан бевосита тијорий манфаатдор бўлган шахсларнинг ёки ташкилотларнинг таъсири бартараф этилган бўлиши керак. Сертификатлаштириш бўйича орган унинг барча ёки қисман аккредитлаш соҳасига тааллуқли қуидаги вазифалар (функциялар)ни бажарадиган ўз синов лабораториясига эга бўлиши мумкин:

- сертификатлаштириш соҳасидаги фаолиятни белгиловчи сиёсатни шакллантириш;
- бу сиёсатнинг рўёбга чиқарилишини текшириш;
- сертификатлаштириш бўйича ишлар нархини аниқлаш устидан текширув;
- зарурят тақазо қилган ҳолларда сертификатлаштириш бўйича ишларни бажариш топшириладиган сертификатлаштириш бўйича ноштатли мутахассислар таркибини аниқлаш.

Апелляция кенгаши ариза берувчи ва истеъмолчи ўртасида сертификатлаштириш бўйича амаллар ва қарорлар устидан шикоятларни кўриб чиқиш учун керак. Унинг таркибига мустақил юристлар ва сертификатлаштириш бўйича орган фаолияти соҳасидаги мутахассислар киради.

Сертификатлаштиришни ўтказиш чоғида синов лабораторияси аризачи билан ишлашда бетарафликни, қарор қабул қилишдаги мустақилликни таъминлаши, шунингдек, техник малакага (компетентликка) эга бўлиши керак.

## **Хуноса**

Сертификатланган маҳсулотни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва қоидалари, сертификатлаштириш бўйича органларнинг фаолиятини ташкил

этиш масалалари кўриб чиқилди.

### **Назорат саволлари:**

1. Мувофиқлик сертификатига таъриф беринг.
2. Сертификатни дастлабки рўйхатга олиш ва якуний Давлат рўйхатига олиш қайси органлар томонидан амалга оширилади ?
3. Баҳолаш объектларини рўйхатга олишнинг ва мувофиқликни тасдиқлашнинг умумий тартиби қайси хужжат билан аниқланади?
4. Сертификатланган маҳсулотни қайд қилиш рақамининг таркибини ёзиб кўрсатинг.
5. Берилган ёки бекор қилинган сертификатларни ҳисобга олиш ким томонидан амалга оширилади ?
6. Мажбурий сертификатлаштирилиши зарур бўлган қандай маҳсулот реклама қилиниш хукуқига эга бўлади ?
7. Аккредитловчи орган сифатида фаолият юритишга давогар орган қандай талабларга жавоб бериши керак ?
8. Сертификатлаштириш бўйича орган қандай функцияларни бажаради ?
9. Сертификатлаштириш бўйича органга қандай талаблар қўйилади?
10. Апелляция кенгашининг функцияларини санаб кўрсатинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- 1.Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Конуни. 28.12.1993й. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; ЎР ҚХТ 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2009 й., 15-сон, 172-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда).

2. Ўзбекистон Республикасининг ”Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, 28.12.1993й. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; ЎР ҚХТ 2006 й., 14-сон, 113-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда).

3. Сергеев А.Г., Латышев М.В., Терегеря В.В. “Метрология, стандартизация, сертификация. Учебное пособие. –М.: Логос, 2003г. -536 с.

## **2-ҚИСМ**

# **ҮҚУВ ФАНИ БҮЙИЧА АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ**

## **1-амалий машғулот**

### **ПАТЕНТ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ**

#### **1.1.Машғулотнинг мақсади**

Патент тадқиқотларининг асосий турларини ўрганиш ва ўзлаштириш

#### **1.2.Топшириқ**

Машғулотларга тайёрланиш чоғида:

- ушбу амалий машғулотга тегишли назарий маълумотларни (1.3 банд материалларини) ўрганинг;
- 1.5 бандда келтирилган адабиётларнинг тегишли бўлимларини ўрганинг.
- 1.4 бандда келтирилган назорат саволларига ёзма кўринишда жавоб беринг.
- амалий машғулот натижалари бўйича хулоса чиқаринг.

#### **1.3. Назарий маълумотлар**

Патент тадқиқотлари дейилганида техника даражасини патентлашга оид хужжатлар ва адабиётлар, шунингдек, техник обьектларнинг ривожланиш тамойиллари, уларнинг патентга лаёқатлиги ва патент софлиги асосида тадқиқ этиш тушунилади.

Хал этиладиган масалаларга боғлик равища патент тадқиқотларининг куйидаги турлари мавжуд:

*1.Яратилаётган ихтиронинг техник даражасини тадқиқ этиши.* Бу турдаги тадқиқотлар янги илмий-техник ишланмалар ва технологиялар яратиш, патент олиш учун талабномаларни расмийлаштириш ва х.к. ларда ёки сотиб олиш учун таклиф этилган технологияларни обьектив баҳолаш, лицензия битимларини тузиш ва бошқа масалаларни хал этиш чоғида ўтказилади. Ихтиронинг техник даражасини тадқиқ этиш одатда охирги

йиллар хужжатлари асосида, бироқ ушбу соҳадаги техник ечимларнинг ўртача янгиланиш муддатидан кам бўлмаган ҳолда ўтказилади.

*2. Яратилаётган ихтиронинг патентга лаёқатлигини баҳолаши.* Бундай тадқиқотлар ихтиrolарни патентлашга оид ҳар қандай тадбир олдидан ўтказилади. Мақсад – ихтиро деб қаралаётган интеллектуал мулкни патентга лаёқатлик мезонларига мувофиқлигини текшириш, асосан, унинг янгилигини ва ихтиrolик даражасини баҳолашдир. Қидиувнинг тавсия этилган мудати 15 йил. Бунда аввалдан ожиз ечимлардан, масалан, чет элда патентлашдан воз кечиш мумкин. Бу маблағларни, вақтни тежаш ва кучларни нотўғри йўналишда сарфлашнинг олдини олиш имконини беради. Талабнома берувчининг патентлаш бўйича қидиувлари миллий патент идораларининг қидиувлари ўрнини босаолмайди, шунинг учун унинг натижаси баҳолаш тусиға эга бўлади ва патент олишга кафолат бермайди. Олинган натижаларнинг ишончлилиги кўп жиҳатдан патентлаш бўйича қидиувни синчковлик билан ўтказилишига боғлиқ бўлади.

*3. Патент софлигини тадқиқ этиши.* Бу экспорт қилинаётган маҳсулот ёки технология бегона патентларнинг амал қилиш доирасига тушадими ёки йўқми - шу фактни текширишдир. Патент софлиги техника обьектининг юридик хоссаси бўлиб, унга кўра мазкур обьектдан ушбу мамлакатда унинг худудида амалда бўлган патентларни бузмаган ҳолда эркин фойдаланиш мумкин. Ихтиронинг патентга лаёқатлигии ҳамиша ҳам унинг патент софлигини билдиrmайди. Масалан, патентланган обьект - икки электродли лампа бўлса, ундан кейинги ихтиро – уч электродли лампа патент олиш учун бўлган талабларга тўлиқ жавоб берадиган ечимдир. Бироқ уч электродли лампадан фойдаланиш сўзсиз икки электродли лампага бўлган аввалги патентнинг амалда бўлишини бузади, чунки, уч электродли лампанинг ихтиро формуласи икки электродли лампанинг барча конструктив элементларини ўз ичига олади.

*4. Патентланган ихтиронинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаш бўйича*

*қидирувлар.* Патентнинг амал қилиши унинг амал қилиш муддати тугаганлиги, бож тўланмаганлиги, патент эгасининг воз кечиши ёки патентнинг суд томонидан бекор қилиниши туфайли тўхтатилиши мумкин. Бу ҳақида ўз вақтида олинган ахборот патентнинг тижорат баҳосини объектив баҳолаш имконини беради, бу ҳол экспорт бўйича тўғри ечимларни қабул қилишга ёки лицензия битими тузишга оид музокораларни олиб боришга кўмаклашади.

*5. Номли ёки фирма тадқиқотлари.* Бу турдаги тадқиқотлар муайян бозордаги рақобат шароитларини ўрганади, рақобатчиларнинг етакчи фирмаларини ёки потенциал ҳамкорларни, лицензия сотувчилар ва сотиб олевчиларни аниқлайди. Патент тадқиқотларини олиб бориш техниканинг турли соҳаларида ва маҳсулотни сотиш бозорида ички ва ташқи (хорижий) рақобат мониторингининг самарали воситасидир.

*6. Ихтиро аналогларини аниқлаш.* Аналог хужжат деб турли мамлакатларда матбуотда эълон қилинган ва у ёки бу битта ихтиро тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олган хужжатларга айтилади. Ихтиро аналогларини қидирувдан ушбу патент учун талабнома берилган ёки матбуотда эълон қилинган мамлакатларни топиш, ихтиронинг техник даражаси ҳақидаги маълумотларни олиш, унинг тижорат аҳамиятини баҳолаш учун фойдаланилади.

*7. Технологик фаолликни тадқиқ этиши.* Техниканинг муайян соҳасидаги талабномалар ва патентлар сонининг ўсишини таҳлил этиб, ушбу маҳсулот бозорининг ривожланиш тамойилларини баҳолаш, ўрганилаётган мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражасини башорат қилиш мумкин. Муайян интеллектуал мулк объектлари (ИМО лар) бўйича талабномалар сонининг ўсиши бу соҳадаги бозорнинг ривожланиши, муайян турдаги маҳсулотларга талабнинг ошиши ҳақида гувоҳлик беради, талабномалар сонининг камайиши эса, бу соҳада бозорнинг тўйинганлиги ёки тадбиркорликнинг ривожланиши учун шароитларнинг етарли эмаслилиги, ёмонлаш-

ганлиги ёки йўқлигини кўрсатади. Талабномалар ва патент-лар динамикаси инновация сектори ривожининг яққол индикаторидир. Бу ҳол инвесторларга ўз маблағларини ишлабчиқаришнинг ушбу тармоғига (ёки муайян мамлакатга) сарфлашга арзийдими ёки йўқми - шу ҳақида объектив ахборот олиш имконини беради. Тадқиқотлар натижалари, муайян бозор ҳолатидан келиб чиқиб, ИМО ни ҳимоялаш стратегиясини, корхонанинг технологик ва стратегик ривожланиш йўналишларини тўғри аниқлаш, маҳсулот маркетинги режасини оқилона ишлаб чиқиш имконини беради.

#### **1.4. Назорат саволлари:**

1. Патент тадқиқотларининг қандай турлари мавжуд ?
2. Патент тадқиқотларининг ихтиронинг техник даражасини тадқиқ этиш турини тавсифланг.
3. Патент тадқиқотларининг ихтиронинг патентга лаёқатлигини баҳолаш турини тавсифланг.
4. Патент тадқиқотларининг патент соғлигини тадқиқ этиш турини тавсифланг.
5. Патент тадқиқотларининг яратилаётган ихтиронинг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаш бўйича қидирувлар турини тавсифланг.
6. Патент тадқиқотларининг номли ёки фирма тадқиқотлари турини тавсифланг.
7. Патент тадқиқотларининг ихтиро аналогларини аниқлаш турини тавсифланг.
8. Патент тадқиқотларининг технологик фаолликни тадқиқ этиш турини тавсифланг.

#### **1.5. Амалий машғулот натижалари бўйича хулоса**

#### **1.6. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

- 1.Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва

саноат намуналари тўғрисида” ги Қонуни ( 06.05.1994й,) Ушбу Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 29.08 2007 й. 397-11 сон Қонунига мувофиқ тасдиқланган ва унга 26.12.2011 й. сўнгги ўзгартиришлар киритилган.

2.Джумаходжаев А.З.Патентоведение. Учебник для вузов. Ташкент, Изд-во «Мехнат», 2001г.- 352 с.

3.Патентоведение: Учебное пособие / К. Шакамолов; Ташкентский государственный технический университет, Ташкент, 2001г.- 175с.

## **2-амалий машғулот**

### **ПАТЕНТ ТАДҚИҚОТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ БОСҚИЧЛАРИ**

#### **2.1.Машғулотнинг мақсади**

Патент тадқиқотлари босқичларининг хусусиятларини ўрганиш ва ўзлаштириш.

#### **2.2.Топшириқ**

Машғулотларга тайёрланиш чоғида:

- ушбу амалий машғулотга тегишли назарий маълумотларни (2.3 банд материалларини) ўрганинг;
- 2.6 бандда келтирилган адабиётларнинг тегишли бўлимларини ўрганинг.
- 2.4 бандда келтирилган назорат саволларига ёзма қўринишда жавоб беринг.
- амалий машғулот натижалари бўйича хulosса чиқаринг.

#### **2.3. Назарий маълумотлар**

Патент тадқиқотлари улардан кўзланган мақсадларнинг турли-туманлигига қарамай, уларни ўтказиш қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- 1) патент тадқиқотлари ўтказиш учун топшириқни ишлаб чиқиш;
- 2) ахборотни қидирув регламенти (дастури)ни ишлаб чиқиш;

- 3) патентга оид ахборотни қидириш ва танлаш;
- 4) ажратиб олинган ахборотни тизимлаштириш ва таҳлил этиш;
- 5) натижаларни умумлаштириш ва тадқиқотлар ҳақида ҳисобот тузиш.

Патент тадқиқотлари босқичларининг ўзига хос хусусиятлари қуидагилардан иборат:

1) топширикни ишлаб чиқиши босқичида ишларнинг мазмуни (патентга лаёқатликни, патент софлигини ва ҳ.к.ларни баҳолаш), масъул ижрочилар ва бажариш муддатлари аниқланади;

2) қидирув регламенти – бу патент ва патент деб қабул қилинадиган хужжатлар фонди бўйича қидирув соҳасини аниқлаш учун харакат дастуридир (1-расмга қаранг).

Регламентни ишлаб чиқиши қуидаги процедуранарни ўз ичига олади:

- қидирув предметини аниқлаш, патент тадқиқотларининг конкрет вазифаларидан, обьект тоифалари (курилма, усул, модда)дан, шунингдек, унинг қайси элементлари, параметрлари, хоссалари ва ҳ.к.лар)ни тадқиқ этиш мўлжалланишидан келиб чиқкан ҳолда аниқланади. Агар тадқиқотлар мавзуси қурилма бўлса, қидирув обьекти қурилма (унинг умумий таркиби, принципиал схемаси), қурилманинг иш принципи (усули), унинг узеллари ва деталлари, тайёрлаш материали, қўлланиш соҳаси ва ҳ.к.лар бўлиши мумкин.

- калит сўзлар ва сўз бирикмаларини ХПТ руқнларининг номига яқинлаштириш лозим, бу қидирувни анча осонлаштиради;

- қидирув мамлакатларини аниқлаш, патент софлигини тадқиқ этиш чоғида қидирувни патент эгасининг ҳукуқи экспорт географияси бўйича ёки

лицензия шартлари ва ҳ.к.лар бўйича бузилиши уларга нисбатан мумкин бўлмаган мамлакатлар бўйича олиб борилади. Қидирув учун берилган соҳада етакчи ҳолатни эгаллаган мамлакатларни танлаш лозим, бироқ барча ҳолларда Ўзбекистон албатта қидирув мамлакати бўлиши керак. Техник даражанинг потенциал имкониятларини тадқиқ этиш чоғида мам-

лакатларни танлаш танланган мамлакат қонунчилигининг хусусиятларидан келиб чиқсан бўлиши керак;

- қидирув чуқурлигини аниқлаш патент тадқиқотларининг вазифаларига боғлиқ бўлади, патент қидируви одатда 15 яилдан кам бўлмаган чуқурликда, техниканингянги соҳалари учун эса, матбуотда биринчи марта эълон қилинган нашрлар вақтидан бошлаб ўтказилади;

- таснифловчи индексларни (классификация индексларини) аниқлаш ҳар бир қидирув предмети бўйича таснифлагич руқнларини аниқлашни кўзда тутади. Асосан, ХПТ индексидан, саноат намуналари учун эса саноат намуналари бўйича халқаро таснифлагич (СНХТ) дан фойдаланилади. Агар мамлакатларда патентга оид ахборотнинг кўп қисми АҚШ нинг миллий таснифлагичи тизими бўйича таснифланса, қидирувнинг самарали бўлиши учун қидирув предметини ХПТ га қўшимча тарзда ихтиrolарнинг Миллий таснифлагичи (ИМТ) га мувофиқ таснифлаш керак.

- ахборот манбаларини танлаш мамлакатдаги ахборот манбаларининг мавжудлиги, ахборотлар манбаи эълон қилинишининг зудлик даражаси, ахборотлаштириш даражаси, ахборот тури ва ҳ.к.ларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

3. Ахборотни қидириш ва танлаш қидирув регламентини амалга оширишdir. Ахборотни танлаш мезони бўлиб, унинг предметига ва қидирув вазифаларига белгилар мажмуи бўйича ўхшашлиги хизмат қиласи.

Техника даражасини қидирув чоғида бундай мезонлар сифатида куйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- обьектларнинг иш принципини характерловчи техник ечимлар;
- техник-иктисодий қўрсатгичларга таъсир этувчи ечимлар.

Янгилик бўйича қидирув чоғида мезон бўлиб, техник моҳиятнинг ва бунда эришиладиган натижанинг ўхшашлиги хизмат қиласи.

Патент софлигини қидирув чоғида аввалига тегишли муҳим белгиларга мувофиқ ечимлар танлаб олинади, шундан сўнг танлаб олинган

хуқуқий мақом аниқланади. Танлаб олинган материаллардан нусха олинади.

4. Ажратиб олинган ахборотни тизимлаштириш ва таҳлил этишни ахборотни таҳлил этишни енгиллаштириш учун уч босқичда олиб борилади:

- ахборотни муҳим бўймаган белгиларни чиқариб ташлаш ҳисобига зичлаштирилади;

- ҳар бир танлаб олинган ҳужжат бўйича реферат ( у бўйича ахборот мажмуи) тузилади;

- ахборотлар вазифаларига боғлиқ равишда тизимлаштирилади, улар-нинг қиёсий таҳлили ўтказилади.

5. Натижаларни умумлаштириш ва ҳисобатларни тузиш. Таҳлил бўйича олинган ахборот умумлаштирилади ва ҳисобат кўринишида расмийлаштирилади ва у қуидаги ахборотларни ўз ичига олади:

- тадқиқот предметининг номи;

- қидирув олиб борилаётган мамлакатлар рўйхати;

- қидирув олиб борилаётган йўналишдаги ахборот манбаларининг рўйхати, қидирувнинг чукурлиги, аниқланган ҳужжатларнинг сони;

- танлаб олинган ҳужжатларнинг рўйхати;

-тадқиқ этилаётган объектларнинг муҳим белгилари ва техник характеристикалари ва ҳ.к.лар;

- конкрет хulosалар, аниқланган тамойиллар, амалий тавсиялар ва ҳ.к.лар.

Асосий хulosаларни тушунтириш учун ҳисботга графиклар, диаграммалар ва жадваллар илова қилинади.

Кидирув регламенти

Мавзунинг номи:

Топшириқнинг рақами ва олинган санаси:

Ахборот қидирувининг мақсади:

Кидирув бошланди:

Кидирув тугади:

Қидиув мамлакати	Қидиув олиб бориладиган йўналишдаги ахборотлар манбай				Қидиувнинг ўтмишга эгалиги	
	Патентга оид маълумотлар		Патент сифатида қабул қилинадиган			
	номи	тасниф- лагич рукни	Номи	таснифлагич рукни		
	3	4	5	6	Ахборот базасининг номи	

2.1-расм. Қидиув регламентининг намунавий кўриниши

#### **2.4. Назорат саволлари:**

1. Патент тадқиқотларининг қандай босқичларини биласиз?
2. Патент тадқиқотлари ўтказиш учун топшириқни ишлаб чиқиш босқичини тавсифланг.
3. Ахборотни қидиув регламенти (дастури)ни ишлаб чиқиш босқичини тавсифланг.
4. Патентга оид ахборотни қидириш ва танлаш босқичини тавсифланг.
5. Ажратиб олинган ахборотни тизимлаштириш ва таҳлил этиш босқичини тавсифланг.
6. Патент тадқиқотларининг натижаларини умумлаштириш ва тадқиқотлар ҳакида хисобот тузиш босқичини тавсифланг.

#### **2.5. Амалий машғулот натижалари бўйича хулоса чиқаринг.**

#### **2.5. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” ги Қонуни ( 06.05.1994й,) Ушбу Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 29.08 2007 й. 397-11 сон Қонунига мувофиқ тасдиқланган ва унга 26.12.2011 й. сўнгги ўзгартиришлар киритилган.

2.Джумаходжаев А.З.Патентоведение. Учебник для вузов. Ташкент, Изд-во «Мехнат», 2001г.- 352 с.

3.Патентоведение: Учебное пособие / К. Шакамолов; Ташкентский государственный технический университет, Ташкент, 2001г.- 175с.

### **3-амалий машғулот**

## **ИХТИРОГА ПАТЕНТ ОЛИШ УЧУН ТАЛАБНОМА БЕРИШ ТАРТИБИ.**

## **ИХТИРОГА ПАТЕНТ ОЛИШ УЧУН БЕРИЛАДИГАН ХУЖЖАТЛАР ТАРКИБИ**

### **3.1.Машғулотнинг мақсади**

Ихтирога патент олиш учун талабнома хужжатини бериш тартиби ва унинг таркибини ўрганиш ва ўзлаштириш.

### **3.2.Топшириқ**

Машғулотларга тайёрланиш чоғида:

- ушбу амалий машғулотга тегишли назарий маълумотларни (3.3 банд материалларини) ўрганинг;
- 3.6 бандда келтирилган адабиётларнинг тегишли бўлимларини ўрганинг;
- 3.4 бандда келтирилган назорат саволларига ёзма кўринишда жавоб беринг;
- амалий машғулот натижалари бўйича хулоса чиқаринг.

### **3.3. Назарий маълумотлар**

Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва

саноат намуналари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ патент, дастлабки патент олиш учун берилган ҳар бир талабнома қўйидаги хужжатларни ўз ичига олади:

*1.Патент ёки дастлабки патент олиш учун талабнома.* Талабнома ким томонидан берилмоқда, патент кимнинг номига сўралади, муаллиф (муаллифлар) ҳақидаги тўлиқ маълумотлар, ҳимоя хужжати сўраган буюртмачининг номи ва уларнинг манзиллари кўрсатилади. Талабнома барча муаллифлар томонидан имзоланади. Агар талабнома берувчи юридик шахс бўлса, имзо(имзолар) муҳр билан тасдиқланади.

*2.Ихтиронинг тавсифи.* У белгиланган тартибда тузилади ва ихтиронинг моҳиятини амалга ошириш учун уни етарли даражада тўлиқ очиб бериши керак.

*3.Ихтиро формуласи.* У ихтирони ҳуқуқий ҳимоялаш ҳажмини белгилайди, ихтиронинг моҳиятини ифодаловчи ва ихтиронинг тавсифига тўлиқ мос келувчи сўзли тавсиф кўринишида тузилади.

*4.Ихтиронинг моҳиятини тушуниши учун керакли чизмалар ва бошқа материаллар.*

*5.Ихтиронинг тавсифи қисқача баён этилган реферат,* у фақат техник ахборот олиш мақсадларига хизмат қиласи ва ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Талабнома, ихтиро тавсифи, ихтиро формуласи Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигига уч нусхада берилади.

Давлат божи тўланганлиги ҳақидаги маълумотнома ва патент олиш учун талабнома берувчи томонидан ишонч билдирилган кишига бир нусхадаги ишончнома талаб этилади. Ишончнома оддий ёзма шаклда, нотариал тасдигисиз расмийлаштирилади.

Талабнома матни варақнинг фақат бир томонига ёзилади, ҳар бир хужжат (тавсиф, ихтиро формуласи, ва ҳ.к.лар) А4 форматли оқ қоғозда алоҳида варақдан бошланади, матн машина ёзувида икки интервал оралиғида ёзилади.

Талабнома берилганидан сўнг талабнома берувчи унга икки ой давомида ихтиро моҳиятини ўзгартмаган ҳолда аниқликлар киритиши мумкин.

Аниқ расмийлаштирилмаган талабнома бўйича талабнома берувчига икки ойлик муддатда тўғриланган материалларни тақдим этиш таклифи билан сўровнома юборилади.

Талабнома ўзбек ва рус тилларида берилиши мумкин. Ҳар бир талабнома битта ихтирога ёки бир-бири билан ўзаро ягона ихтиро мазмунини ҳосил қилган даражада боғлиқ ихтиrolар гурухига тегишли бўлади.

Интеллектуал мулк агентлиги талабнома бўйича экспертиза ўтказади.

Хужжатлардан бири мавжуд бўлмаса, устуворлик охирги хужжат келиб тушган санадан белгиланади. Устуворлик баъзи ҳолларда ушбу ихтиро учун бошқа давлатда – Париж Конвенцияси қатнашчиси томонидан берилган биринчи талабномага қараганда аввал берилган талабнома бўйича белгиланиши мумкин. Бундай устуворлик конвенцион устуворлик деб аталади. Конвенцион патент учун талабнома Ўзбекистон интеллектуал мулк агентлигига биринчи талабнома берилган санадан бошлаб 12 ой давомида берилиши керак, акс ҳолда бу талабномага бўлган конвенцион ҳукуқ ўз кучини йўқотади.

Патент идораси томонидан қўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома талабнома берувчига қайтарилмайди.

Талабнома қўйидаги тартибда расмийлаштирилади:

*1. Яратилаётган ихтиронинг техник даражаси ўрганилади ва аналогларни қидирув амалга оширилади.* Аналоглар ўхшашиб мухим белгиларнинг мавжудлиги ёки функционал вазифаси бўйича олинади.

*2. Аналоглар ва ихтиронинг мухим белгилари қиёсий таҳлил этилади.* Аналоглардан ихтиронинг мухим белгилари билан энг кўп жиҳати бўйича ўхшалиши - прототип танланади. Прототипни нотўғри танлаш ихтиро обьекти ҳажмининг нотўғри аниқланишига олиб келиши мумкин.

*3.Ихтиро белгиларини прототип белгилари билан қиёсланади, устуворлик ва ихтиронинг умумий ҳамда фарқли белгилари аниқланади.*

*4.Фарқли белгилардан ихтиронинг бажарилиши ва ундан фойдаланишининг хусусий ҳолларини характерловчи хусусий белгилар ажратиб олинади.*

*5.Ихтиро формуласи (ИФ) тузилади.* ИФ нинг мустақил бандига хусусий муҳим бандларни киритиш керак эмас. ИФ нинг белгилари ва мустақил бандларини умумлаштирилган кўринишда шакллантириш лозим, чунки бу ҳол ихтиро хажмини оширади. Ихтиронинг патентга лойиқлиги мезонларига мувофиқлиги учун эса, бунинг тескариси талаб этилади. Шу сабабдан умумлаштириш ва конкретлаштириш орасидаги мувофиқликни топиш патентшуноснинг санъати билан боғлиқ бўлади.

*6.Якунловчи босқичда ихтиронинг тавсифи ва бошига хужжатлар тузилади.* Аналог ва ихтиро белгиларини қиёсий таҳлил этишни ўтказиш учун 3.1- жадвални тузиш зарур.

### 3.1-жадвал

#### Белгиларнинг қиёсий таҳлили

Муҳим белгилар			Умумий белгилар	Фарқли белгилар
1 -аналог	2-аналог	Ихтиро		
1.	1.	1.	1.	1.
2.	2.	2.	2.	2.
3.	3.	3.	3.	3.
4.	4.	4.	4.	4.
5.	5.	5.	5.	5.

### **Ихтирога патент бериш тартибига оид қўшимча маълумотлар**

Агар давлат экспертизаси жараёнида патент бериш ҳақидаги ўхшаш талабномалар айни битта устуворлик санасига эга эканлиги аниқланса, у ҳолда патент Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига

олдинроқ сана билан жўнатилганлиги исботланган талабнома бўйича, башарти жўнатилган саналари ҳам бир хил бўлиб чиқса, қайси бири Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг қайд рўйхатида олдинги кириш рақами билан қайд этилган бўлса, шу талабнома бўйича берилади.

Талабнома берувчи патент бериш ҳақидаги қарор қабул қилингунга қадар ихтиро ҳақидаги талабномани фойдали модель ҳақидаги талабнома, фойдали модель ҳақидаги талабномани эса, ихтиро ҳақидаги талабнома қилиб ўзгартиришга ҳақлидир. Бундай ўзгартиришлар чоғида биринчи талабноманинг устуворлиги сақланиб қолади.

Талабномаларни ўзгартириш тегишли патент божи тўлангандан сўнг амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича расмий экспертиза - фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси ҳамда ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасидан иборат бўлган давлат экспертизасини ўтказади.

Талабнома берувчи патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой мобайнида талабномада кўрсатилган саноат мулки обьектининг моҳиятини ўзгартирган ҳолда унга тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар киритиш хуқуқига эга. Патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар патент божи тўланган тақдирда, кўрсатилган муддат ўтганидан кейин, лекин Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги патент бериш ҳақида қарор қабул қилгунига қадар тақдим этилиши мумкин.

Белгиланган талаблар бажарилмаган ҳолда расмийлаштирилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига сўров юборилиб, унда шу сўров йўлланган санадан эътиборан уч ой ичida тузатишлар киритилган ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш таклиф қилинади.

Агар талабнома берувчи сўралган материалларни ёки белгиланган муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўрсатилган муддатда тақдим этмаса, патент бериш ҳақидаги талабнома чақириб олинган ҳисобланади. Белгиланган муддат талабнома берувчининг илтимосномасига кўра, шу муддат ўтган санадан кейин қўпи билан ўн икки ойга узайтирилиши мумкин.

Давлат экспертизаси сўрови бўйича материалларни тақдим этишнинг талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддатлари, белгиланган муддатларни узайтириш муқаррарлигини тақозо этган сабаблар тасдиқланган ва патент божи тўланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан тикланиши мумкин. Ўтказиб юборилган муддатларни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддат тугаган кундан бошлаб қўпи билан ўн икки ой ичida топширилиши мумкин.

Ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўтганидан кейин расмий ахборотномада эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан белгиланади.

Ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганидан кейин ҳар қандай шахс ушбу талабномага доир хужжатлар билан танишиб чиқишга ҳақли. Ихтиро ҳақидаги талабномага доир хужжатлар билан танишиб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан белгиланади.

Ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани топшириш муддати бундай илтимоснома билан биргаликда патент божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжат тақдим этилган тақдирда, талабнома берувчининг талабнома топширган санасидан эътиборан уч йил ўтгунига қадар талабно-

ма топширган санасидан эътиборан уч йил ўтгунига қадар топширилган илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан кўпи билан икки ойга узайтири-лиши мумкин.

Ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказиш тўғрисидаги илтимоснома уч йиллик муддатда келиб тушмаган тақдирда, ихтиро ҳақидаги талабнома чақириб олинган ҳисобланади.

Агар ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техник экспертизаси натижасида талабнома берувчи таклиф қилган формула билан ифодаланган ихтиро сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг ёки муҳим белгилари мажмуи билан ифодаланган саноат намунаси сифатида талабномада кўрсатилган объектнинг белгиланган талабларга мослиги аниқланса, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги патент бериш ҳақида қарор қабул қиласди.

### **3.4. Назорат саволлари:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлари ва саноат намуналари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ патент, дастлабки патент олиш учун берилган ҳар бир талабнома қайси хужжатларни ўз ичига олади?
2. Талабнома ихтиро тавсифи, ихтиро формуласи Ўзбекистон интеллектуал мулк агентлигига неча нусхада берилади ?
3. Талабнома берилганидан сўнг талабнома берувчи унга қандай муддат давомида ихтиро моҳиятини ўзгартмаган ҳолда аниқликлар киритиши мумкин ?
4. Аниқ расмийлаштирилмаган талабнома бўйича талабнома берувчига қандай муддатда тўғриланган материалларни тақдим этиш таклифи билан сўровнома юборилади ?

5. Талабнома қайси тилларда берилиши мумкин ?
6. Ҳар бир талабнома нечта ихтирога тегишли бўлади?
7. Ихтиро учун талабнома қандай тартибда расмийлаштирилади ?
8. Ихтиронинг аналоги ва прототипи атамаларига таъриф беринг.

### **3.5. Амалий машғулот натижалари бўйича хулоса чиқаринг.**

#### **3.6. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “4-Интеллектуал мулк” **бўлими**.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” ги Қонуни ( 06.05.1994й.) Ушбу Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 29.08 2007 й. 397-11 сон Қонунига мувофиқ тасдиқланган ва унга 26.12.2011 й. сўнгги ўзгартиришлар киритилган.
3. Джумаходжаев А.З.Патентоведение. Учебник для вузов. Ташкент, Изд-во «Мехнат», 2001г.- 352 с.
4. Патентоведение: Учебное пособие / К. Шакамолов; Ташкентский государственный технический университет, Ташкент, 2001г.- 175с.

#### **4-амалий машғулот**

### **ПАТЕНТ ОЛИШ УЧУН ТАЛАБНОМАНИНГ “ИХТИРО ТАВСИФИ” ВА “ИХТИРО ФОРМУЛАСИ” ХУЖЖАТЛАРИНИ ТУЗИШ**

#### **4.1. Машғулотнинг мақсади**

Ихтирога патент олиш учун бериладиган талабнома хужжатларининг “ихтиро тавсифи” ва “ихтиро формуласи” бандларини тузиш методикасини ўрганиш ва ўзлаштириш.

#### **4.2. Топшириқ**

Машғулотларга тайёрланиш чоғида:

- ихтирога патент олиш учун бериладиган талабнома хужжатларининг “ихтиро тавсифи” ва “ихтиро формуласи” бандларига оид наза-рий материалларни (4.3- банд материалларини) ўрганинг;
- 4.6-бандда келтирилган адабиётларнинг тегишли бўлимларини ўрганинг.
- 4.3- бандда келтирилган назорат саволларига ёзма кўринишда жавоб беринг.
- амалий машғулот натижалари бўйича хулоса чиқаринг.

### **4.3. Назарий маълумотлар**

#### **4.6.1.Патент олиш учун “Ихтиро тавсифи “ хужжатини тузиш**

“Ихтиронинг моҳияти” бўлими ихтиро ҳал қилиши керак бўлган вазифани қўйиш билан бошланади. Ихтиронинг вазифаси имкон қадар батафсил очилиши ва прототипнинг камчиликларидан келиб чиқиши ва уларни бартараф этишга қаратилиши керак. Асосий вазифадан ташқари ихтиронинг айрим (хусусий) вариантларини ечишга қаратилган вазифачаларни таърифлаш мумкин. Шундан сўнг ихтиронинг моҳияти очилади, чунончи, ихтиронинг барча муҳим белгилари қўрсатилади.

*Ихтиронинг муҳим белгилари деб, ҳар бири алоҳида олинганда ва барчаси биргаликда олинганида қўйилган вазифани ҳал қилиши учун керак бўлган белгиларга айтилади.* Ихтиронинг муҳим белгиларини очишда уни прототипдан фарқлайдиган белгиларни ажратиб қўрсатиш зарур. Вазифачаларни ҳал этишга қаратилган белгилар *хусусий муҳим белгилар* деб аталади. Белги характеристикасини, ҳатто прототип белгиси билан мос тушувчисини ҳам бу белги ёритилган ахборот манбаига ҳавола қилинган ҳолда алмаштиришга рухсат берилмайди. Шундан сўнг ихтиро амалга оширилганида олинадиган техник самарани ифодаловчи техник натижа кўрсатилади. Техник натижа, масалан, ишқаланиш коэффициентини камайтириш (ошириш), сигнал кўриниши бузилишларининг камайиши ва ҳ.к.лар

орқали ифодаланиши мумкин. Техник натижани кўрсатиш чоғида ушбу техник натижа ва муҳим белгилар мажмуи орасидаги сабаб-оқибат боғланишнинг мавжудлиги исботланиши лозим.

Ихтиrolар гурӯҳи учун барча кўрсатилган маълумотлар, жумладан, техник натижа ҳар бир ихтиро учун алоҳида ҳолда кўrсатилади.

“Фигуралар, чизмалар рўйхати” бўлимида талабномага илова қилинган барча фигуралар ва чизмалар келтирилади, шунингдек, нима тасвирлангани қисқача кўrсатилади. Масалан, “1- фигурада қурилма, унинг юқоридан кўриниши, 2- фигурада қурилманинг А-А кесими кўrсатилган” кўринишида. Чизмалар ҳар бир варағининг юқори ўнг бурчагида ихтиронинг номи кўrсатилади.

“Ихтирони амалга ошириш мумкинлигини тасдиқловчи маълумотлар” бўлимида ихтиродан фойдаланишнинг конкрет бажарилишига батафсил мисол келтирилади. Мисолдан “ихтиронинг моҳияти” бўлимида кўrсатилган техник натижа қандай олиниши маълум бўлиши керак:

- “курилма”га тегишли ихтирони амалга ошириш имкониятини тасдиқловчи маълумотлар. Дастлаб қурилма конструкциясининг статик ҳолатдаги тавсифи чизмалар фигураларига ҳавола қилинган ҳолда келтирилади. Барча конструктив элементлар улар орасидаги боғлиқлик аниқ кўринадиган даражада баён этилиши керак. Қурилманинг конструкцияси тавсифлангандан сўнг чизмалар фигураларига ҳавола қилинган ҳолда унинг иши ёки ундан фойдаланиш усули баён этилади;

- “усул”га тегишли ихтирони амалга ошириш имкониятини тасдиқловчи маълумотлар. Бунинг учун моддий обьект устида бажариладиган амаллар, амалларни ўтказиш шароитлари, иш режими, бунда қўлланиладиган қурилмалар кўrсатилади. Номаълум воситалардан фойдаланилганида уларнинг характеристикалари келтирилиши ва график тасвири илова қилиниши керак;

- ”модда”га тегишли ихтирони амалга ошириш имкониятини тасдиқ-

ловчи маълумотлар. Аниқланган таркибдаги янги индивидуал кимёвий бирикмага тегишли ихтиро учун таркиб формуласи келтирилади ва янги бирикма олинган усул баён этилади;

-“янгича мақсадда кўлланиш” га тегишли ихтирони амалга ошириш имкониятини тасдиқловчи маълумотлар. Бу турдаги объектга тегишли ихтиро учун янгича мақсадни рўёбга чиқариш имкониятини тасдиқловчи маълумотлар келтирилади.

Тавсиф талабнома берувчининг имзоси билан тугалланади. Тавсиф, шунингдек, талабнома берувчининг бунга тегишли ишончномаси бўлган патент бўйича ишончли вакили томонидан ҳам имзоланиши мумкин. Ихтирумуаллифлари тавсифни имзоламайдилар.

#### **4.6.2.Патент олиш учун “Ихтиро формуласи “ хужжатини тузиш**

“Ихтиро формуласи (ИФ)” хуқуқий аҳамиятга эга бўлган хужжатdir. ИФ бўйича реал интеллектуал мулк обьекти (технологик жараён, машина, ускана ва ҳ.к.лар) патент олинадиган ихтирога лаёқатлиги аниқланади. ИФ – патент олинадиган ихтиро учун муайян қоидалар ва шакл бўйича тузилган, унинг моҳиятини ифодаловчи ва хуқуқий ҳимоя ҳажмини аниқлаш учун мўлжалланган сўзли характеристикадир.

ИФ хужжати қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1) у техник натижани амалга ошириш учун етарли муҳим белгилар мажмуини ўз ичига олиши керак; ихтиро тавсифида ёритилмаган белгиларни ИФ га киритишга рухсат берилмайди;

2) ихтиро белгилари шундай ифодаланиши керакки, токи улар ихтиронинг моҳиятини бир хил тушунишни таъминласинлар, бунда “максус”, “алоҳида”, “такминан”, “яқин” ва ҳ.к. сўзлар қўлланмаслиги керак;

3) ИФ қисқа бўлиши, унда ортиқча сўзлар бўлмаслиги керак. ИФ нинг ҳар бир банди битта гап кўринишида баён этилиши керак;

4) белги тавсифи манбага, масалан, ихтиро тавсифига ҳавола билан

алмаштирилиши мумкин эмас;

5) ихтиро белгилари ихтиро функцияси, хоссаси ва бошқаларни умумий кўринишда баён этиши лозим. ИФ ихтирони на фақат хусусий кўринишда, балки барча мумкин бўлган кўринишларда ўз ичига олиши керак;

Ҳар қандай муқобил тавсифда, белги (ихтиронинг бошқа белгилари мажмуи билан) битта техник натижани таъминлаши керак. ИФ бир звеноли ва кўп звеноли бўлиши керак.

*Бир звеноли ИФ* битта банддан иборат бўлади ва битта ихтирони унинг хусусий ҳоллардаги бажарилишини ёки фойдаланишини ёритмаган тарзда тавсифлаш учун қўлланилади;

*Кўп звеноли ИФ* бир неча банддан иборат бўлади ва талабнома берувчи қўшимча тарзда ихтирони хусусий ҳоллардаги бажарилишини ёритишни ҳоҳлаганида қўлланилади, натижада қўшимча техник натижа олиш таъминланади;

Кўп звеноли ИФ ихтиrolар гурухи учун қўлланилади. Кўп звеноли битта ихтирони тавсифловчи ИФ битта мустақил банддан ва унга тегишли битта ёки бир неча мустақил бўлмаган бандлардан иборат бўлади.

Талабнома берувчи (агар бу керак бўлса) ИФ га исталган сондаги мустақил бўлмаган бандларни киритиши мумкин. Ҳар бир мустақил бўлмаган ИФ битта ихтирони (масалан, битта банд –усулни, бошқаси – уни амалга оширишни) тавсифлаши керак ва ИФ нинг бошқа бандларига ҳаволаларни ўз ичига олиши керак.

Кўп звеноли ИФ да фақат мустақил банд ҳуқуқий аҳамиятга эга, яъни бу бандга киритилган белгилар мажмуаси патент берадиган ҳуқуқий ҳимоя ҳажмини белгилайди. ИФ га киритилган белгилар сони қанчалик кўп бўлса, ихтиро ҳажми шунчалик кичик бўлади ва аксинча.

ИФ нинг белгилари қанчалик кичик бўлса, ихтиродан фойдаланиш фактини исботлаш шунчалик осон бўлади. Ўз –ўзидан равшанки, ИФ ни

(демак, патент эгасининг ҳуқуқларини) четлаб ўтиш учун рақобатчига маҳсулотни тайёрлашда ёки усулни қўллашда ихтиронинг бирор белгисини чиқариб ташлаш ёки уни ИФ сидан фарқли, бироқ маҳсулотни тайёрлаш учун қўллаш мумкин бўлган бошқаси билан алмаштириш етарилидир.

Мустақил бўлмаган бандлар ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлмайди, бироқ улар ИФ га қуидаги сабабларга кўра киритилиши керак:

- бу ҳол ИФ нинг ахборий аҳамиятини, демак, ихтиронинг тижорий аҳамиятини оширади;
- ихтиорининг техника даражасига қўшган ҳиссасини аниқ белгилайди ва бу рақоботчилар учун кейинги ихтиrolарни ишлаб чиқишини қийинлаштиради;
- агар мустақил банд (бандлар)ни суд (қандайдир сабабларга кўра) ҳақиқий эмас деб топса ва бекор қилса, ИФ нинг мустақил бўлмаган банди (бандлари) ўз кучида қолади.

Бундай ҳолда мустақил банддан кейин келадиган мустақил бўлма-ган банд янги мустақил банд бўлиб қолиши мумкин ва мос равища ҳуқуқий мақом олиши мумкин. Натижада худди мана шу мустақил банднинг мавжудлиги патентни сақлаб қолади, чунки мустақил банднинг бекор қилиниши патентнинг бутунлай бекор қилинишига эмас, ихтиро ҳажмининг қисқаришига олиб келади.

### **Ихтиро формуласининг таркиби**

Бир звеноли ИФ ёки кўп звеноли ИФ нинг мустақил банди икки қисмдан иборат бўлиши керак:

*1. Чекловчи қисм, у ихтиронинг вазифасини ифодаловчи тушунчадан бошланади (у одатда ихтиро номи билан мос тушади) ва ихтиро прототипи белгиларни ўз ичига олади.*

*2. Фарқловчи қисм, у ихтирони прототипдан фарқловчи белгиларни ўз ичига олади. Биринчи қисм иккинчи қисмдан “шу билан фарқ қиласдики....”*

сўз бирикмаси билан ажратилади, сўнг фарқловчи қисм баён этилади.

Агар ихтиро аналогга эга бўлмаса ёки илгари маълум бўлган қурилма, усул, моддани янгичасига қўлланилганида ИФ да чекловчи қисм бўлмайди.

ИФ нинг мустақил бўлмаган банди мустақил банд сингари чекловчи ва фарқловчи қисмлардан иборат бўлади.

Мустақил бўлмаган банднинг чекловчи қисми мустақил бўлган бандда келтирилганига нисбатан қисқартирилган турдош тушунчадан бошланади. Шундан сўнг унга тегишли мустақил бандга ҳавола келтирилади, “*шу билан фарқ қиласиди*,” сўзлардан сўнг эса, ушбу хусусий бажарилиш ёки фойдаланиш ҳолини тавсифловчи белгилар ёритилади. Мустақил банднинг тегишли бандига ҳавола мустақил банднинг чекловчи қисмига мустақил бандда ёритилган барча муҳим белгилар киришини билдиради.

Мустақил бўлмаган (боғлиқ бўлган) банд ИФ нинг бир неча бандларига бўйсинган ҳолда уларга ҳаволалар муқобиллардан фойдаланилган тарзда кўрсатилади. Боғлиқ бўлган бандлар улар бўйсинган мустақил банд билан бирга гурухланади. Бундай бўйсинганлик бевосита ёки билвосита, яъни бир ёки бир неча боғлиқ бандлар орқали бўлиши мумкин, масалан, ихтиро характеристикиси хусусий ҳолда боғлиқ банд белгилари билан бир қаторда, бир ёки бирнеча бошқа боғлиқ бандларнинг белгилари зарур.

ИФ нинг мустақил бўлмаган бандини ИФ нинг у бўйсинган бандида тавсифланган ихтиронинг белгилари билан алмасиши ёки уларни олиб ташлаш юз берадиган қилиб баён этиш керак эмас. Агар мустақил бўлмаган бандда мустақил бандга тегишли қайсиdir белгиларининг алмашинуви ёки уларнинг олиб ташланиши юз берадиган бўлса, экспертиза томонидан ушбу мустақил бўлмаган банд у бўйсинган мустақил банд билан биргаликда битта ихтирони характерламаслиги аниqlаниши мумкин.

Турли хил обьектлар учун ИФ ни тузишнинг ўзига хос хусусиятлари куйидагилардан иборат:

1.”*Қурилмага*” тегишли ИФ нинг ўзига хос хусусиятлари. ИФ да

курилма статик ҳолатда тавсифланади. Элементни ҳаракатчан қилиб, у томонидан муайян функцияни рўёбга чиқарилиш имконияти билан, масалан кучайтириш, созлаш ва ҳ.к.лар имконияти билан бажарилишини кўрсатишга рухсат этилади.

2. “Усулга” тегишли ИФ нинг ўзига хос хусусиятлари. Усулга тегишли амалларни (операцияларни) тавсифлаш учун феълларни учинчи шахсда кўплик кўринишида баён этилади. Масалан: улайдилар, қизитадилар, намлайдилар ва ҳ.к.

3. “Моддага” тегишли ИФ нинг ўзига хос хусусиятлари. Ҳар қандай йўл билан пайдо бўлган кимёвий бирикмани тавсифлашда ИФ га ушбу бирикманинг номини ёки белгиланишини киритадилар.

4. “Янгича мақсадда қўллаш” га тегишли ИФ нинг ўзига хос хусусиятлари. ИФ нинг қуидаги тузилишидан фойдаланилади: “маълум бўлган курилма, усул, модданинг номи ёки характеристикаси келтирилади (кўрсатилган курилма, усул, модданинг янги вазифаси келтирилади) сифатида фойдаланиш”.

ИФ талабнома берувчининг имзоси билан тугалланади. ИФ, шунингдек, талабнома берувчининг патентлаш бўйича ишончли кишиси томонидан имзоланиши мумкин (агар бунга тегишли ишончнома бўлса). Ихтиро муаллифлари формулани имзоламайдилар.

#### **4.4. Назорат саволлари:**

1. Патент олиш учун “Ихтиро тавсифи “ хужжатини тузиш қайси бўлим билан бошланади ?
2. “Ихтиро тавсифи “ хужжатининг “фигуралар, чизмалар рўйхати бўлмини тавсифланг.
3. “Ихтиро тавсифи “ хужжатида “курилма”га тегишли ихтирони амалга ошириш имкониятини тасдиқловчи маълумотларни тавсифланг.

4. “Ихтиро тавсифи “ хужжатида “усул”га тегишли ихтирони амалга ошириш имкониятини тасдиқловчи маълумотларни тавсифланг.
5. “Ихтиро тавсифи “ хужжатида ”модда”га тегишли ихтирони амалга ошириш имкониятини тасдиқловчи маълумотларни тавсифланг.
6. “Ихтиро тавсифи “ хужжатида “янгича мақсадда қўлланиш” га тегишли ихтирони амалга ошириш имкониятини тасдиқловчи маълумотларни тавсифланг.
7. “Ихтиро формуласи (ИФ)” хужжатига таъриф беринг.
8. “Ихтиро формуласи (ИФ)” хужжати қандай талабларга жавоб бериши керак ?
9. “Ихтиро формуласи (ИФ)” хужжатининг қандай турлари мавжуд ?
10. Бир звеноли “Ихтиро формуласи (ИФ)” ни тавсифланг.
11. Кўп звеноли “Ихтиро формуласи (ИФ)” ни тавсифланг.
12. “Ихтиро формуласи (ИФ)” нинг мустақил ва мустақил бўлмаган бандларини тавсифланг.
13. “Ихтиро формуласи (ИФ)”даги мустақил бўлмаган бандларнинг аҳамиятини тавсифланг.
14. “Ихтиро формуласи (ИФ)”нинг мустақил банди қайси қисмлардан таркиб топади ?
15. “Ихтиро формуласи (ИФ)”нинг чекловчи қисмини тавсифланг
16. “Ихтиро формуласи (ИФ)”нинг фарқловчи қисмини тавсифланг.
17. ”*Курилмага*” тегишли ИФ нинг ўзига хос хусусиятларини тавсифланг.
18. “*Усулга*” тегишли ИФ нинг ўзига хос хусусиятларини тавсифланг.

тавсифланг.

19. “*Моддага*” тегишли ИФ нинг ўзига хос хусусиятларини тавсифланг.
20. “*Янгича мақсадда қўллаш*” га тегишли ИФ нинг ўзига хос хусусиятларини тавсифланг.
21. “Ихтиро формуласи (ИФ)” хужжати ким томонидан имзоланади ?

#### **4.5. Амалий машғулот натижалари бўйича хулоса чиқаринг.**

#### **4.6. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” ги Қонуни ( 06.05.1994.) Ушбу Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 29.08 2007 й. 397-11 сон Қонунига мувофиқ тасдиқланган ва унга 26.12.2011 й. сўнгги ўзгартиришлар киритилган.

2.Джумаходжаев А.З.Патентоведение. Учебник для вузов. Ташкент, Изд-во «Мехнат», 2001г.- 352 с.

3.Патентоведение: Учебное пособие / К. Шакамолов; Ташкентский государственный технический университет, Ташкент, 2001г.-175с.

### **5-амалий машғулот**

## **САНОАТ НАМУНАСИННИГ ПАТЕНТГА ЛАЁҚАТЛИК ШАРТЛАРИ**

### **5.1.Машғулотнинг мақсади**

Саноат намунасининг патентга лаёқатлик шартлари, унга бериладиган талабноманинг таркиби ва патентлаш процедуralарини ўрганиш ва ўзлаштириш.

### **5.2.Топшириқ**

Машғулотларга тайёрланиш чоғида:

- саноат намунасининг патентга лаёқатлик шартлари, унга берилади-

ган талабноманинг таркиби ва патентлаш процедураларига оид назарий маълумотларни (5.3 банд материалларини) ўрганинг;

- 5.6 бандда келтирилган адабиётларнинг тегишли бўлимларини ўрганинг.
- 5.4 бандда келтирилган назорат саволларига ёзма кўринишда жавоб беринг.
- бирор буюмнинг саноат намунасини келтиринг.
- амалий машғулот натижалари бўйича холоса чиқаринг.

## **5.6. Назарий маълумотлар**

Саноат намунаси муайян йўналиш бўйича инсон ижодий фаолиятининг маҳсули бўлиб, у муайян қўлланишга мўлжалланади ва истеъмолчилар доирасига эга бўлади.

*Саноат намунаси у ёки бу обьект ташқи кўринишининг бадиий-конструкторлик (дизайнли) ечимиdir.*

Саноат намунаси ҳажмий (моделлар), ясси (расмлар) ёки уларнинг бирикмаси кўринишида бўлиши мумкин.

*Ҳажмий саноат намунаси - асосида ҳажмий-фазовий тузилма композиция, масалан, автомобил, осиллограф, телевизор ва ҳ.к.ларнинг ташқи кўринишини белгиловчи бадиий-конструкторлик ечимиdir.*

*Ҳажмий саноат намунаси - асосида ҳажмий-фазовий тузилма ётган композиция, масалан, автомобил, осиллограф, телевизор ва ҳ.к.ларнинг ташқи кўринишини белгиловчи бадиий-конструкторлик ечимиdir.*

*Ясси саноат намуналари элементларни чизиқли-график муносабатлар билан характерловчи ва деярли ҳажмга эга бўлмаган, масалан, гилам, рўмол, этикеткалар ва ҳ.к.ларнинг ташқи кўринишини белгиловчи бадиий-конструкторлик ечимлардир.*

Кўриниши жиҳатидан турли шаклда қабул қилиниши мумкин бўлган ихтиродан фарқли равишда, саноат намунаси ўзининг асосий кўриниши ва

элементларига кўра кўплаб ўхаш маҳсулотлар яратиш имконини беради.

Юқоридаги таърифдан кўринадики, саноат намунаси ташқи кўриниши жиҳатидан товар белгисига, айниқса, ҳажмий товар белгисига ўхаш бўлади. Бироқ белги тасвиридан визуал жиҳатдан фарқ қилиши мумкин бўлган товарлар учун амалда бўлган товар белгисидан фарқли равишда, саноат намунаси фақат ташқи кўриниши жиҳатидан ўхаш бўлган ва унинг барча муҳим белгиларига эга бўлган маҳсулотларни ҳимоя қилиши кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўра *саноат намунасининг янгилиги, оригиналлиги ва саноатда қўлланиши мумкинлиги* унинг патентга лаёқатлилигини билдиради.

Саноат намунаси янги деб тан олинади, агар маҳсулотнинг эстетик ва (ёки) эргономик хусусиятларини белгиловчи муҳим белгилари мажмуи саноат намунасининг устуворлиги санасигача дунёда барча эришиши мумкин маълумотлардан фарқ қилса.

Саноат намунаси оригинал деб тан олинади, агар унинг муҳим белгилари мажмуи маҳсулот эстетик хусусиятларининг ижодий харак-терини белгиласа.

Саноат намунаси саноатда қўлланилиши мумкин деб тан олинади, агар уни кўп марталаб қайта ишлаб чиқилиши мумкин бўлса.

Қонун билан, шунингдек, саноат намунаси деб тан олиниши мумкин бўймаган обьектларнинг рўйхати ҳам белгиланган. Бу турдаги обьектларга қўйидагилар киради:

- нашр маҳсулоти;
- архитектура обьектлари (кичик шаклли архитектурадан ташқари), саноат, гидротехник ва бошқа стационар иншоотлар;
- суюқ, газсимон, тўқилувчи ёки уларга ўхаш моддалардан иборат нобарқарор шаклга эга бўлган обьектлар;
- маҳсулотнинг мутлоқ техник функцияси билан белгиланадиган ечимлар;

- маҳсулотларнинг жамоат манфаатларига, инсонийлик ва маънавият принципларига зид бўлган ечимлари.

Саноат намунасининг моҳияти ва уни ҳимоялаш ҳуқуқининг ҳажми, аввало, унинг фотоли расмида акс этдирилган муҳим белгиларининг мажмуи билан ифодаланади ва маҳсулотнинг ташқи қўриниши ва характерли хусусиятларини белгилайди. Бунда тасвирий ахборотнинг айнанлиги муҳим белгиларнинг сўзли характеристикаси билан таъминланади.

Саноат намунасига патент экспертизаси томонидан унинг патентга лойиқлигини баҳолаш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Ихтироларнинг патент экспертизасига ўхшаб. аввало саноат намунасининг саноатда қўлланиш шартига мувофиқлиги текширилади. Бу шартга мувофиқлик учун саноат намунасининг тавсифи маҳсулотнинг талабнома берилган саноат намунаси рўёбга чиқарадиган вазифасига кўрсатмани ўз ичига олиши керак. Ҳатто бир марта рўёбга чиқарилганида ҳам (масалан, чўккан ноёб кемани кўтариш) саноатда қўлланишга эга деб тан олинадиган ихтиродан фарқли равишда, саноат намунаси кўп марталаб ишлаб чиқарилиш имконига эга бўлиши керак.

Саноатда қўлланишликни текширилганидан сўнг саноат намунасининг янгилик шартига мувофиқлиги текширилади.

Агар талабнома берилган саноат намунасига айнан ўхшаш белгиларга эга бўлган бадиий-конструкторлик ечими (маҳсулот) ёритилган ахборот манбаи топилган бўлса, саноат намунаси бу шартга номувофик деб тан олиниши мумкин.

Кейин саноат намунасининг оригиналлиги текширилади. Одатда патент экспертизасининг ўтказилиши саноат намунасининг аналогини, яъни муҳим белгилари мажмуи бўйича унга маҳсулотни ўхшаш бўлган ечимни қидиришдан бошланади. Шундан сўнг саноат намунасининг, ҳар бири алоҳида олинганда, унинг аналогидан фарқловчи белгилар билан мос келган муҳим белгиларга эга бўлган маълум намуналарини қидириш амалга

оширилади.

Маҳсулотнинг оригинал, эстетик жиҳатдан эътиборни ўзига тортадиган ва эргономик ташқи кўриниши унинг харидоргир бўлишидаги асосий омиллардан биридир. Шу сабабдан саноат намунасининг саводли хуқуқий ҳимояси – бозордаги муваффақиятнинг, рақобат қурашидаги ютуқнинг муҳим шартидир.

#### **5.4. Назорат саволлари:**

1. Саноат намунаси туридаги ИМО га таъриф беринг.
2. Саноат намунасининг қандай кўринишларини биласиз ?
3. Саноат намунаси қайси ҳолда патентга лаёқатли деб тан олинади ?
4. Саноат намунаси қайси ҳолда янги деб тан олинади ?
5. Саноат намунаси қайси ҳолда оригинал деб тан олинади ?
6. Саноат намунаси қайси ҳолда саноатда қўлланиши мумкин деб тан олинади ?
7. Қонун билан саноат намунаси деб тан олиниси мумкин бўлмаган обьектларнинг рўйхатини келтиринг.
8. Саноат намунасининг патент экспертизаси томонидан патентга лаёқатлилигини баҳолаш тартибини тавсифланг.

#### **5.5. Амалий машғулот натижаларидан хулоса чиқаринг.**

#### **5.6. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” ги Қонуни ( 06.05.1994.) Ушбу Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 29.08 2007 й. 397-11 сон Қонунига мувофиқ тасдиқланган ва унга 26.12.2011 й. сўнгги ўзгартиришлар киритилган.
2. Джумаходжаев А.З. Патентоведение. Учебник для вузов. Ташкент, Изд-во «Мехнат», 2001г.- 352 с.

3.Патентоведение: Учебное пособие / К. Шакамолов; Ташкентский государственный технический университет, Ташкент, 2001г.- 175с.

## **6-амалий машғулот**

# **ТОВАР БЕЛГИСИНИ ОЛИШ УЧУН ТАЛАБНОМА ТУЗИШ ВА УНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

### **6.1.Машғулотнинг мақсади**

Товар белгилари турларини ўрганиш ва товар белгиси учун талабнома тузи ш ва уни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини ўрганиш ва ўзлаштириш.

### **6.2.Топшириқ**

Машғулотларга тайёрланиш чоғида:

- товар белгилари турларини ўрганиш ва товар белгиси учун талабнома тузиш ва уни рўйхатдан ўтказиш қоидаларига оид назарий маълумотларни (6.3 банд материалларини) ўрганинг;
- 6.6 бандда келтирилган адабиётларнинг тегишли бўлимларини ўрганинг.
- 6.4 бандда келтирилган назорат саволларига ёзма кўринишда жавоб беринг.
- бирор маҳсулот ёки хизматнинг товар белгисини намуна сифатида келтиринг.
- амалий машғулот натижаларидан хулоса чиқаринг.

### **6.3. Назарий маълумотлар**

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома қуидагиларни ўз ичига олади:

1) Талабнома берувчини, шунингдек, унинг қаерда эканлигини ёки яшаш манзилини кўрсатган ҳолда белгини товар белгиси сифатида рўйхатга олиш ҳақидаги ариза;

2) Талабнома берилган белги ва унинг тавсифи.

3) Товарлар ва хизматларнинг Халқаро классификацияси (ТХХК) синфлари бўйича товар белгиси сўралаётган товарлар ва хизматлар рўйхати.

Агар талабномада жамоавий белги берилиши сўралса, унга жамоавий белгининг низоми илова қилинади.

Илова қуйидагиларни ўз ичига олади:

- жамоавий белгини ўз номига рўйхатга олишга ваколати бўлган корхонанинг ёки бирлашманинг номи;
- бу белгини рўйхатга олишдан мақсад;
- бу белгидан фойдаланиш хуқуқига эга бўлган субъектлар рўйхати;
- товарларнинг рўйхати ва ягона умумий сифат характеристикалари ва ундан фойдаланиш шартлари.

4) Давлат божи тўланганлиги ҳақида маълумотнома.

Агар талабномада конвенцион устуворлик сўралса, талабномага чет эл патент идораси томонидан тасдиқланган биринчи талабноманинг нусхаси илова қилинади. Бундай нусха Интеллектуал мулк агентлигига талабнома тушган санадан бошлаб уч ой давомида берилади.

Талабнома хужжатларига қуйидаги талаблар кўйилади:

1) Талабнома берилган белгининг тасвири.

Талабнома берилган белги 5x5 см ёки 5x10 см форматли рангли фотосурат кўринишида тақдим этилади, агар ҳажмий (уч ўлчамли) белгига талабнома берилган бўлса, умумий кўринишдаги фотосуратлар 5x5 см дан 9x12 см гача форматли катта зичликли, пишиқ қоғозда бошқа проекциялар билан биргаликда тақдим этилади. Талабнома берилган белгининг фотосуратлари ва типографик оттисклари товар белгиси рўйхатга олиниши сўралган рангда ёки ранглар бирикмасида тақдим этилиши керак.

Талабнома берилган белгининг тасвири талабнома тузиш ва бериш қоидаларига мувофиқ 25 нусхада тақдим этилиши керак.

2) Белгининг тавсифи ва унинг ранглари (ранглар мажмуи).

Бундай тавсиф талабнома берилган белгининг моҳиятини тушуниш ва уни идентификациялаш учун хизмат қиласи. Тавсифда талабнома берилган белгининг сўзли характеристикаси: (сўзли, тасвирий ва ҳ.к.кўри-нишда), белгининг таркибий элементлари тавсифи, белгининг яхлит ҳолатдаги ва унга тегишли қисмлар (элементлар)нинг маъноси келтирилади.

Товарлар ва хизматлар рўйхати товар белгисини рўйхатга олиш сўралган товарларни аниқлаш учун мўлжалланган. Рўйхатда келтирилган товарлар ва хизматлар, товарлар ва хизматларни идентификациялаш имконини берадиган товар ва хизматларнинг Халқаро таснифлагичи (ТХХТ) синфлари бўйича гурухланиши, аниқ терминлар ва атамалар билан белгиланишлари керак (ТХХТ терминларидан фойдаланилган ҳолда).

Талабнома берувчи ўз товар белгисини ишлаб чиқиши чоғида қўйидаги тамойилларга риоя қилиши керак::

- товар белгиси ифодали ва оригинал бўлиши, яъни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши, осон ўқилиши ва хотирада қоладиган бўлиши керак;
- товар белгиси лўнда ифодаланиши, яъни қисқа бўлиши (сўзли белгилар учун), ортиқча тасвирий элементлар билан мураккаблаштирил-маслиги (тасвирий белгилар учун) керак;
- товар белгиси эстетик бўлиши, яъни қабул қилиш нуқтаи назаридан замонавий, тушунарли ва кўргазмали бўлиши керак;
- товар белгиси узоқ муддатга мўлжалланган, яъни узоқ муддатда фойдаланиш учун (ҳатто маҳсулот ассортименти ўзгарган ҳолда ҳам) яроқли бўлиши керак;
- товар белгиси таъсирили бўлиши, яъни истеъмолчи онгидага товар ёки унинг у ёки бу хоссаси хақида тасаввур ҳосил қилиши ва яхши таассурот

қолдириши керак.

Сўзли товар белгиси учун унинг ёқимли ва айтилиши осон бўлиши янгиликка талаб сингари зарур сифатлардан ҳисобланади.

Товар белгисини тасвирловчи ранглар мажмуи оригиналликни, ўзига тортувчанликни, фарқлаш қобилиятини ошириши керак. Ранг - сўзли товар белгилар учун ҳам, ҳажмий товар белгилари учун ҳам, комбинацияли товар белгилари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган омилдир.

#### **6.4. Назорат саволлари:**

1. Товар белгиси туридаги ИМО га таъриф беринг.
2. Товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома нималарни ўз ичига олади ?
3. Товар белгисини олиш учун талабнома хужжатларига қандай талаблар қўйилади ?
4. Товар белгисини рўйхатга олишда нималарга эътибор берилиши керак?
5. Талабнома берувчи ўз товар белгисини ишлаб чиқиш чоғида қандай тамойилларга риоя қилиши керак ?

#### **6.5. Амалий машғулот натижаларидан хуноса чиқаринг.**

#### **6.6. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида” ги Қонуни 2001йил 30 август 267-11 сонли (2011 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-312 сон Қонуни билан ўзгартиришлар киритилган).

## **7-амалий машғулот**

### **Халқаро Патент таснифлагиши (классификатори)**

#### **7.1.Машғулотнинг мақсади**

Халқаро патент таснифлагишининг тузилиш тамойилини ўрганиш ва ўзлаштириш.

#### **7.2.Топширик**

Машғулотларга тайёрланиш чоғида:

- халқаро патент таснифлагишининг тузилиш тамойилига оид назарий маълумотларни (7.3 банд материалларини) ўрганинг;
- 7.6 бандда келтирилган адабиётларнинг тегишли бўлимларини ўрганинг.
- 7.4 бандда келтирилган назорат саволларига ёзма қўринишда жавоб беринг.
- Халқаро патент таснифлагицидан фойдаланиб, ўз мутахассислигингизга оид бирор ихтирони топинг;
- амалий машғулот натижаларидан хулоса чиқаринг.

#### **7.3. Назарий маълумотлар**

Халқаро Патент таснифлагиши (классификатори) (ХПТ) (ХПК) нинг мақсади ахборотларни тез қидирув ва ишлов беришни таъминлаш учун патент хужжатларини тизимлаштириш имконини берадиган тизимни яратишидир.

Қабул қилинган тасниф (классификация) тизими асосида патент фондларидаги хужжатларни индекслаш ва тартибга солиш, маълумотлар базасидаги ахборотларни қидириш ва ҳ.к.лар амалга оширилади.

ХПТ нинг асосий схемаси 1954 йилда яратилган. 1966 йилда ХПК ни ишлаб чиқиши кичик гурӯхчалар даражасида тугалланди ва у 1968 йилда кучга кирди.

ХПТ ўз таркибий тузилиши бўйича иерархик деб аталадиган таснифларга тегишлидир. У буюм-мавзу рукни тақсимотининг умумийликдан хусусийликка тамойили асосида ташкил этилган қўп босқичли тизимиdir. Ихтиrolар ХПТга кўра иккита тамойил асосида таснифланади:

- буюм-мавзу (тармоқ) бўйича;
- функцияси (бажариладиган функцияларнинг айнан ўхшашлиги принципи) бўйича.

ХПТ бўйича асосий нашр Синфлар кўрсатгичи бўлиб, у лотин алифбосининг бош харфлари билан белгиланадиган 8 та бўлим (таснифланадиган соҳалар)дан таркиб топади:

- А-инсон ҳаётий эҳтиёжларини қондириш;
- В-турли технологик жараёнлар;
- С-кимё ва металлургия;
- Д-тўқимачилик ва қофоз;
- Е-қурилиш;
- Ғ-тадбиқий механика, ёритиш ва иситиш, двигателлар, насослар, курол;
- Ғ-техник физика;
- Ҳ-электр ҳодисалари.

ХПТ нинг ҳар бир бўлими синфларга бўлинади. Синфлар символи сифатида бўлим индекси ва иккита рақам бирикмасидан фойдаланилади. Ҳар бир синф ўз номига эга. Масалан, А-“Инсон ҳаёт эҳтиёжларини қондириш” бўлими қуйидаги синфларни ўз ичига олади:


- “A01-қишлоқ хўжалиги” ;
- “A61-медицина” ва х.к.лар.

Синфлар синфчаларга бўлинади, синфчалар символи сифатида бўлимни билдирадиган лотин харвидан, синфни билдирадиган икки қийматли сондан ва синфчаларни билдирадиган лотин харвидан фойдаланилади. Масалан, “A01-қишлоқ хўжалиги” синфи, “A01 D- ҳосилни йиғиш, ўриш”.

Синфчалар гурухларни ўз ичига олади. Гурухлар символига бўлим, синф, синфчаларнинг индексларидан ташқари битта, иккита ёки учта рақамдан иборат рақамли ифода киради, ундан сўнг қия ётиқ чизик ва иккита нол келади. Масалан, A01D46/00- дарахтларни ёки буталарни силкитиш учун курилма.

ХПТ нинг ҳар бир ёки бир неча гурухларни ўз ичига олиши мумкин.

Масалан: A01D46/00-ХПК рукни (рубрикаси)



Муайян гурухчанинг индекси ва ахамиятини очадиган матн *ХПТ нинг рукни (рубрикаси)* деб аталади. Рукн тушунчаларнинг қуйидаги тоифаларни ифодалайди:

- ҳимояланадиган объектларнинг турларига мувофиқ маҳсулотлар ва жараёнлар, яъни қурилма, усул, модда;
- фаолият соҳасининг белгиси.

ХПТ дан фойдаланишни осонлаштириш учун синвлар кўрсатгичига ХПТ га киришнинг батафсил йўриқномаси илова қилинади.

ХПТ қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: алифболи предмет кўрсатгичи (АПК), калит атамаларнинг кўрсатгичи, тескари ҳаволаларнинг кўрсатгичи, ХПТ турли таҳирларнинг мувофиқлик коэффициенти.

ХПТ йўриқномасига кўра ихтиrolарни индекслашнинг қуйидаги асосий қоидалари кўлланилади:

1. Энг аввало, ихтиронинг техник моҳиятини тўғри аниқлаш керак.

2.Шундан сўнг ихтиро предмети тегишли қурилмаларнинг синфлари (синфчалари) бўйича индексланади.

3.Агар талаб этилган синфлар мавжуд бўлмаса, предмет қўлланилиш бўйича индексланади.

4.Агар қўлланилиш бўйича синф бўлмаса, ихтиро предмети охирги маҳсулотни олиш учун восита сифатида қаралиши ва охирги маҳсулот синфи бўйича индексланиши мумкин.

Ихтиро бирор маҳсулотдан фойдаланиш воситаси сифатида қаралиши ва бу маҳсулотнинг синфи бўйича индексланиши мумкин.

Агар тегишли руқнлар топилмаган бўлса, ихтиро охирги маҳсулотни рўёбга чиқариш усули ёки олиш учун бошланғич маҳсулот сифатида қаралиши мумкин. Мос равишда, ихтиро ушбу маҳсулот ёки маҳсулот синфи бўйича таснифланади.

Ихтиро охирги маҳсулот сифатида намоён бўлиши, демак олиш усули бўйича индексланиши мумкин.

#### **7.4.Назорат саволлари:**

1. Халқаро патент таснифлагичи (классификатори) (ХПТ) қандай мақсадда тузилган?
2. ХПТ нинг асосий схемасини ишлаб чиқиш қочон тугалланган ва у қачондан бошлаб кучга кирган ?
3. ХПТ қандай тамойил асосида тузилади ?
4. ХПТга кўра ихтиrolар қандай иккита тамойил асосида таснифланади ?
5. ХПТ қандай таркибий қисмлардан таркиб топади ?
6. ХПТ йўриқномасига кўра ихтиrolарни индекслашда қандай асосий қоидалардан фойдаланилади ?
7. Агар ХПТ да тегишли руқнлар топилмаган бўлса, ихтиро қандай таснифланади ?

## **7.5. Амалий машғулот натижаларидан хulosса чиқаринг.**

### **7.6. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” ги Қонуни ( 06.05.1994й.). Ушбу Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 29.08 2007 й. 397-11 сон Қонунига мувофиқ тасдиқланган ва унга 26.12.2011 й. сўнгги ўзгартиришлар киритилган.

2.Джумаходжаев А.З.Патентоведение. Учебник для вузов. Ташкент, Изд-во «Мехнат», 2001г.- 352 с.

3.Патентоведение: Учебное пособие / К. Шакамолов; Ташкентский государственный технический университет, Ташкент, 2001г.- 175с.

## **8- амалий машғулот**

### **ИХТИРОНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ПАТЕНТЛАШ ҚОИДАЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

#### **8.1.Машғулотнинг мақсади**

Ихтирони чет элларда патентлаш қоидалари ва процедуранарини ўрганиш ва ўзлаштириш.

#### **8.2.Топширик**

Машғулотларга тайёрланиш чоғида:

- чет элларда патентлаш қоидалари ва Париж конвенцияси процедуранарига оид назарий маълумотларни (8.3 банд материалларини) ўрганинг;
- 8.6 бандда келтирилган адабиётларнинг тегишли бўлимларини ўрганинг.
- 8.4 бандда келтирилган назорат саволларига ёзма қўринишда жавоб беринг.
- амалий машғулот натижаларидан хulosса чиқаринг.

### **8.3. Назарий маълумотлар**

Чет элларда патентлаш қуидаги мақсадларда амалга оширилади:

1. Товарлар ва технологияларнинг экспортини ҳимоялаш учун.

Экспорт мамлакатида патентлаш экспорт қилувчи фирма учун ушбу бозорни ўз товарлари учун мустаҳкамлашни таъминлайди. Агар патент олинса, ушбу экспорт қилувчи учун тегишли маҳсулотларни бошқа мамлакатга тўсиқсиз киритиш таъминланади, рақобатчилар учун эса бу бозор ёпиқ бўлади. Учта ташкил этувчи: ички моҳияти (ихтиро учун патент), ташқи кўриниши ёки дизайнни (саноат намунаси учун патент), шунингдек, савдо имиджи (рўйхатга олинган товар белгиси) билан ҳимояланган товар энг муваффақиятли экспорт қилиниши мумкин.

2. Лицензияларни бошқа фирмаларга сотиш учун.

Бу мақсадда патентлаш агар фирма экспортга товарларини ишлабчиқариш учун ўз ишлабчиқариш ресурсларига эга бўлмаса, ихтиро эса, юқори тижорий аҳамиятга эга бўлса ва лицензиядан фойдаланиш учун сотиб олишга тайёр чет эл фирмалари томонидан талаб бўлиши мумкин бўлса, амалга оширилади.

Ихтиrolарни чет элда ҳимоя қилишни ташкил этишда икки хил умумэътироф этилган ёндошув мавжуд:

- ихтиrolарни патент билан ҳимоялаш;
- уларни тижорий сир, “ноу-хау” сифатида сақлаш.

Талабнома эгаси томонидан патент учун талабнома тайёрлаш чоғида ихтиронинг қайси қисмини патентлаш ва қайси қисмини тижорий сир сифатида сақлашни танлашнинг оқилона ечимиға риоя этилиши керак.

Ҳар қандай мамлакатда патентлаш жараёни муайян расмий талабларга бўйсинади ва ўз ичига қуидаги иш турларини олади: .

1. Энг аввало, патент (ёки дастлаки патент) олиш учун талабнома бериш керак. Бу миллий хавфсизлик талаблари билан боғлиқ. Чет элда патентлашни ушбу талабномани беришдан уч ой кейин бошлаш мумкин ва бунга ҳеч

қандай махсус рухсатнома талаб этилмайди.

2.Патент олиш бўйича талабнома бериш ва уни кучда сақлаш бўйича барча ишларни фақат ушбу мамлакатларнинг Патентлаш бўйича расмий вакиллари орқали олиб бориш мумкин (Россиядан ташқари).

3.Талабнома материалларини талабнома бериладиган мамлакат тилига таржима қилиш ва талабнома хужжатларини ушбу мамлакат миллий Патент идорасининг талабларига мувофиқ тайёрлаш. Таржимани ва хужжатларни тайёрлашни одатда патентлаш бўйича ишончли вакилларнинг ўзлари бажарадилар.

4.Патентлаш бўйича ишончли вакиллар талаб этилган хужжатлар тайёрланганидан кейин (илтимоснома берувчининг ишончномаси бўйича) илтимосномани тегишли мамлакат Патент идорасига топширишни амалга оширадилар.

Махсулот экспорт қилувчи талабнома берувчининг стратегик манфаатларидан келиб чиқиб, патентлаш тактикасини қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

1.Танлов бўйича патентлаш. Бу турдаги патентлаш баъзи мамлакатларда, агар маҳсулот экспорти (ёки лицензия сотуви) муайян бир неча мамлакатларга режалаштирилган бўлса, масалан, агар маҳсулот юқори технологияли ускана бўлган ҳолда қўлланилади.

2.Минтақавий патентлаш, яъни ихтиро ягона сотув бозори бўлган бутун бир географик минтақада патентланади.

3.Халқаро кўламда патентлаш. Мамлакатларнинг сони одатда бешта ва ундан кўп бўлади. Бу ҳолда одатда кенг истеъмол моллари (ювиш учун ишлатиладиган порошоклар, турмушда ишлатиладиган электротехника)га тегишли ихтиrolар патентланади.

Патентлаш тактикасини танлашга боғлиқ равишда чет элларда патентлашнинг қўйидаги процедураларини қўллаш лозим:

1.Танлов бўйича патентлашда саноат мулкини ҳимоя қилиш бўйича

Париж конференциясида кўзда тутилган анъанавий процедурадан энг кўп фойдаланилади. Саноат мулкини ҳимоя қилиш бўйича Париж конференцияси процедураларидан фойдаланиш чекланган сондаги мамлакатларда патентлаш учун энг мақбул процедура ҳисобланади.

2. Минтақавий патентлаш чоғида талабномани тегишли минтақавий битим аъзолари бўлган бир неча мамлакатда амалда бўладиган минтақавий патентни олиш мақсадида минтақавий патент идорасига бериш мақсадга мувофиқ. Европа Патент идораси (ЕПИ), Евроосиё Патент идораси (ЕОПИ), Африка интеллектуал мулк ташкилоти (АИМТ) ва Инглиз тилли Африка учун саноат мулки ташкилоти (ИТАСМТ) шундай идоралардан ҳисобланади.

3. Халқаро кўламда патентлаш чоғида Патент кооперацияси тўғрисидаги Шартнома (ПКШ) процедураларидан фойдаланиш мақсадга энг мувофиқ ҳисобланади.

### **8.3. Назорат саволлари:**

1. Чет элларда патентлаш қайси мақсадларда амалга оширилади ?
2. Чет элларда ихтиrolарни ҳимоя қилишни ташкил этишда қандай умумэътироф этилган ёндошувлардан фойдаланилади?
3. Ҳар қандай мамлакатда патентлаш жараёни қандай расмий талабларга бўйсинади ва ўз ичига қандай иш турларини олади ?
4. Чет элларга маҳсулот экспорт қилувчи талабнома берувчининг стратегик манфаатларидан келиб чиқиб патентлаш тактикасининг қандай турларини қўллаш лозим ?
5. Патентлаш тактикасини танлашга боғлиқ равишда чет элда патентлашнинг қандай процедураларини қўллаш лозим ?

### **8.5. Амалий машғулот натижаларидан хulosса чиқаринг.**

### **8.6. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва

саноат намуналари тўғрисида” ги Қонуни ( 06.05.1994й,) Ушбу Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 29.08 2007 й. 397-11 сон Қонунига мувофиқ тасдиқланган ва унга 26.12.2011 й. сўнгги ўзгартиришлар киритилган.

2.ДжумаходжаевА.З. Патентоведение. Учебник для вузов. Ташкент, Изд-во «Мехнат», 2001г.- 352 с.

3.Патентоведение: Учебное пособие / К. Шакамолов; Ташкентский государственный технический университет, Ташкент, 2001г.- 175с.

## **9- амалий машғулот**

### **СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

#### **9.1.Машғулотнинг мақсади**

Сертификатлаштириш қоидалари ва тартибини ўрганиш ва ўзлаштириш.

#### **9.2.Топшириқ**

Машғулотларга тайёрланиш чоғида:

- сертификатлаштириш қоидалари ва тартибига оид назарий маълумотларни (9.3 банд материалларини) ўрганинг;
- 9.6 бандда келтирилган адабиётларнинг тегишли бўлимларини ўрганинг.
- 9.4 бандда келтирилган назорат саволларига ёзма кўринишда жавоб беринг.
- амалий машғулот натижаларидан хulosса чиқаринг.

#### **9.3. Назарий маълумотлар**

Сертификатлаштириш учун Адлия вазирлиги томонидан 18.03.2005 йил 1458- сон билан рўйхатга олинган маҳсулотни сертификатлаштириш

Қоидалари белгиланган. Бу қоидалар мажбурий ва ихтиёрий сертификатлаштириш чөғида қўлланилади ва ўзбек ҳамда чет эллардаги ишлабчиқаришнинг барча сертификатлаштириш объектлари учун тааллуқлидир.

Ўзбек сертификатларини ва мувофиқлик белгиларини чет элларда тан олиниши учун ИСО/ХЭК ларнинг раҳбарий хужжати ва бошқа хужжатларда баён этилган амалдаги халқаро норма ва қоидаларга мувофиқ қоидалар тузилган.

Сертификатларни бериш бўйича барча ишларни бажариш - талабномаларни кўриб чиқиш, ишлабчиқаришни текшириш, синов ва инспекция текшируви, хужжатларни рўйхатга олиш учун талабнома берувчи белгиланган тартибда тўловга тортилади. Сертификатлаштиришни ўтказиш тартиби сертификатлаштиришнинг мажмуий процедураси (схемаси)ни ташкил этувчи амаллар кетма-кетлигини белгилайди.

Сертификатлаштириш органи талабнома берувчиларга уларнинг талаблари бўйича қуйидаги ахборотни тақдим этади:

- мажбурий сертификатлаштирилиши (МС) керак бўлган маҳсулот турларининг рўйхати;
- турдош маҳсулотларни сертификатлаштириш қоидалари;
- сертификатлаштириш бўйича хизматларнинг прейスクранти ва тарифлари;
- танишиш учун аккредитидитлаш аттестати.

Аkkreditlash учун талабномани расмийлаштириш қуйидаги тарзда амалга оширилади. Сертификатлаштиришни ўтказиш учун ватандош ёки чет элли талабнома берувчи турдош маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича органга талабнома жўнатади. Талабнома билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- ишлиб чиқариладиган маҳсулотга тегишли норматив ҳужжат (НХ)нинг нусхаси;

- маҳсулот маркировкасининг намунаси (маҳсулот ҳақидаги ахборот);
- гигиеник сертификат нусхаси (давлат санитар назорати органи лабораториясида синов натижаларини ва НХ да белгиланган бошқа талаблар ҳақидаги ахборотларни ўз ичига олган бундай хужжат мавжуд бўлган ҳолда).

Импорт қилинадиган маҳсулотни сертификатлаштириш чоғида юқорида кўрсатилган хужжатлардан ташқари талабнома берувчи томонидан маҳсулотга Ўзбекистон бож худудига кирилганлик ҳақидаги товарга тегишли хужжатнинг нусхаси тақдим этилади.

Сертификатлаштириш бўйича орган талабномани кўриб чиқади, тақдим этилган хужжатларни таҳлил этади ва уни олгандан сўнг 2 кундан кеч қолмасдан талабномачига сертификатлаштиришнинг барча асосий шартларини ўз ичига олган, сертификатлаштириш схемасини ва мувофиқлик сертифатини бериш учун зарур бўлган норматив хужжатлар кўрсатилган қарорни хабар қиласди. Шунингдек аккредитланган синов лабораторияси ва сифат тизими ёки ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш ким томонидан ўтказилиши кўрсатилади. Сертификатлаштиришни ўтказиш муддати маҳсулот учун норматив хужжатда белгиланган муддатларга боғлиқ бўлади, бироқ бир ойдан кўп бўлмаслиги керак.

Сертификатлаштириш схемасини талабнома берувчининг таклифлари, маҳсулотларни етиштириб бериш ҳажми ва муддатлари, синов усуслари, ишлаб чиқаришнинг хусусиятларини, шунингдек, ушбу маҳсулотнинг истеъмолчилар учун потенциал хавфини ҳисобга олган ҳолда танланади,

Сертификатлаштиришни амалга оширишда муайян маҳсулот учун норматив хужжатлардан, қонунчилик актларидан, техник регламентлардан, синовларни ўтказишга оид стандартлардан ва бошқалардан фойдаланилади.

Экспортланадган маҳсулот халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилган стандартлар бўйича ёки импорт қилувчи мамлакатлар норматив хужжатлари бўйича сертификатлаштирилади.

Намуналарни идентификациялаш, танлаш ва пломбалашни сертификатлаштириш бўйича орган синов жойига намуналарни етказиб беришни таъминловчи талабнома берувчининг иштирокида амалга оширади. Намуналарни танлаб олиш бўйича икки нусхада акт тузилади ва уларнинг биттаси талабнома берувчига топширилади.

Импорт намуналари (пробалари)ни танлаб олиш божхона инспектори ва товар эгасининг рухсати билан сертификатлаштириш органлари томонидан ўтказилади. Намуналарни танлаб олиш актлари уч нусхада тузилади, улардан битта нусхаси божхона органига топширилади.

Сертификатлаштириш бўйича синовлар синов лабораторияларида ўтказилади. Талабнома берувчи маҳсулотни ишлаб чиқиши чоғидаги синов баённомаларини (уларнинг амалда бўлиш муддатларини ҳисобга олган ҳолда) тақдим этиши мумкин. Талабнома берувчи ўз маҳсулотини синаш вақтида иштирок этиш хуқуқига эга. Синовлар баённомалари ваколатли мутахассислар томонидан имзоланади ва лаборатория раҳбари томонидан тасдиқланади. Синовларнинг объективлиги учун жавобгарлик синов лабораторияси билан бирга уларни ўтказиш бўйича топшириқ берган сертификатлаштириш органига юкландади. Синовлар баённомалари талабнома берувчига ва сертификатлаштириш бўйича органга тақдим этилади. Синовлар салбий натижа берганида талабнома берувчига сабабларни кўрсатган ҳолда сертификат беришни бекор қилиш тўғрисидаги хулоса берилади.

Сертификатлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш турдош маҳсулотларни сертификатлаштиришни ўтказиш тартиби билан белгиланади. Таҳлил ўтказиш (обследование) муддати 10 кундан ошмаслиги керак. Баҳолаш натижалари бўйича сертификат бериш ҳақидаги қарор қабул қилишда ҳисобга олинадиган таҳлил акти тузилади.

#### **9.4.Назорат саволлари:**

1.Ўзбекистон Республикасида маҳсулотни сертификатлаштириш

қайси қоидалар асосида ўтказилади?

- 2.Маҳсулотни ва хизматларни сертификатлаштиришнинг қандай турлари мавжуд?
- 3.Сертификатларни бериш бўйича барча ишларни бажаришни молиявий жиҳатдан таъминлаш қандай маблағлар ҳисобига амалга оширилади?
- 4.Маҳсулотни ва хизматларни сертификатлаштиришни ўтказиш тартиби нималарни ўз ичига олади?
- 5.Сертификатлаштириш органи талабнома берувчиларга қандай ахборотни тақдим этади ?
- 6.Аккредитлаш учун талабномани расмийлаштириш маҳаллий ва импорт қилинадиган маҳсулотлар учун қай тарзда амалга оширилади?
- 7.Маҳсулотни сертификатлаштириш схемаси қай тарзда танланади ?
- 8.Сертификатлаштириш бўйича синовлар қаерда ўтказилади ?
- 9.Сертификатлаштириш бўйича синовларнинг объективлиги учун жавобгарлик кимларга юкланди ?
- 10.Сертификатлаштириш бўйича таҳлил муддати неча кундан ошмаслиги керак.

## **9.5. Амалий машғулот натижаларидан хуроса чиқаринг.**

### **9.5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

- 1.Ўзбекистон Республикасининг ”Маҳсулот ва хизматларни сертифи-катлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, 28.12.1993й.
- 2.Ўзбекистон Республикасининг ”Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 26.04.1996й.
- 3.Ўзбекистон Республикасининг ”Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, 30.08.1997й.

## **10- амалий машғулот**

### **МАҲСУЛОТНИНГ МУВОФИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШ ВА ТАСДИҚЛАШ УЧУН СИНОВЛАР**

#### **10.1.Машғулотнинг мақсади**

Мувофиқликни баҳолаш ва тасдиқлаш учун синов босқичларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва ўзлаштириш.

#### **10.2.Топширик**

Машғулотларга тайёрланиш чоғида:

-мувофиқликни баҳолаш ва тасдиқлаш учун синов босқичларининг ўзига хос хусусиятларига оид назарий маълумотларни (10.3 банд материалларини) ўрганинг;

-10.6 бандда келтирилган адабиётларнинг тегишли бўлимларини ўрганинг.

- 10.4 бандда келтирилган назорат саволларига ёзма кўринишда жавоб беринг;

- амалий машғулот натижаларидан хulosса чиқаринг.

#### **10.3.Назорат саволлари:**

1. Сертификатлаштириш бўйича синовларни ўтказиш учун синов лабораторияси қандай ҳуқуқقا ва хужжатларга эга бўлиши керак?

2. Сертификатлаштириш бўйича синовлар қандай босқичларда ўтказилади ?

3. Синов ўтказиш учун талабномани таҳлил этиш босқичини тавсифланг.

4. Синов дастурини ишлаб чиқиш босқичини тавсифланг.

5. Синов воситаларини созлаш босқичини тавсифланг.

6. Синовлар қандай дастур асосида ўтказилади ?
7. Намуналарни синовдан кейин тадқиқ этиш босқичини тавсифланг.
8. Синов маълумотлариға ишлов бериш босқичини тавсифланг.
9. Синов баённомасини тайёрлаш ва расмийлаштириш босқичини тавсифланг.

## **10.5. Амалий машғулот натижаларидан хulosса чиқаринг.**

## **10.6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг ”Маҳсулот ва хизматларни сертифи катлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, 28.12.1993й.
2. Ўзбекистон Республикасининг ”Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 26.04.1996й.
3. Ўзбекистон Республикасининг ”Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, 30.08.1997й.

## **10-амалий машғулот**

(давоми)

## **СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ СХЕМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

### **10.1. Машғулотнинг мақсади**

Сертификатлаштириш схемаларини қўллаш усулларини ўрганиш ва ўзлаштириш.

### **10.2. Топшириқ**

Машғулотларга тайёрланиш чоғида:

- сертификатлаштириш схемаларини қўллаш усулларига оид назарий маълумотларни (10.3 банд материалларини) ўрганинг;

- 10.6 бандда келтирилган адабиётларнинг тегишли бўлимларини ўрганинг.
- 10.4 бандда келтирилган назорат саволларига ёзма қўринишда жавоб беринг.

## **10.6.Назарий маълумотлар**

Ўзбекистоннинг миллий сертификатлаштириш тизими (Ўз МСТ) да тавсия этиладиган сертификатлаштириш схемалари аниқланган.

1 - схема намунавий маҳсулотни сертификатлаштиришда қўлланилади ва аккредитланган синов лабораториясида мажбурий кўрсатгичлар бўйича, биринчи навбатда хавфсизлик бўйича, шунингдек маҳсулот учун аниқ норматив хужжат бўлмаган ҳолда синов ўтказишни кўзда тутади.

2 - схема маҳсулотни аккредитланган синов лабораториясида мажбурий кўрсатгичларни текшириш ва шундан кейин савдо соҳасидан (истеъмолчидан) олинган намуналарни синовдан ўтказиш йўли билан маҳсулотнинг инспекция текширувани ўтказишни кўзда тутади.

3 - схема ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сертификатлаштириш чоғида қўлланилади ва аккредитланган синов лабораториясида мажбурий кўрсатгичларни текшириш ва ишлаб чиқаришни ўрганиш учун маҳсулотни синовдан ўтказишни кўзда тутади. Схема корхонада тайёрловчидан олинган маҳсулотни синовдан ўтказган ҳолда инспекция текшируви ўтказишни кўзда тутади.

4 - схема ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сертификатлаштириш чоғида қўлланилади ва аккредитланган синов лабораториясида мажбурий кўрсатгичларни текшириш ва ишлаб чиқаришни ўрганишни кўзди тутади.

Маҳсулотнинг ҳам савдо соҳасидан (истеъмолчидан), ҳам ишлабчиқаришдан олинган намуналарини инспекция текширувидан ўтказилади.

5 - схема ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сертификатлаштириш чоғида аккредитланган синов лабораториясида мажбурий кўрсатгичларни текшириш, ишлаб чиқаришни ўрганиш ёки сифат тизимини баҳолаш учун

қўлланилади.

6 - схема сифат тизими сертификатлаштириш чоғида қўлланилади ва уни баҳолаш ва шундан сўнг инспекция текширувани ўтказишни кўзда тутади.

7- схема маҳсулот партиясини сертификатлаштириш чоғида қўлланилади ва шу партиядан олинган намуналарни синовдан ўтказишни кўзда тутади.

8- схема ҳар бир алоҳида олинган маҳсулотни сертификатлаштириш чоғида қўлланилади.

9-схема маҳсулотнинг унинг хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини декларация (эълон) қилишни кўзда тутади. Схема маҳсулот маҳсулот етказувчининг декларациясида белгиланган талабларга мувофиқлигининг исботи сифатида унинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатларга мувофиқлигидан фойдаланишга асосланган.

Мувофиқликни декларация қилишни тасдиқлаш қўйидаги тарзда амалга оширилади.

Маҳсулотнинг унинг хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги декларацияси маҳсулот тайёрловчи томонидан керак бўлганида учинчи томонни жалб қилган ҳолда олинган маҳсулот синовлари ва ишлабчиқаришни баҳолаш натижаларига асосланиши керак.

Товарни декларация қилиш учун уни етказувчи аккредитланган органга декларацияни рўйхатга олиш (хисобга олиш) учун талабнома беради. Бунда қўйидагилар тасдиқловчи хужжатлар вазифасини ўташи мумкин.

- маҳсулотнинг синов баённомаси;
- хом-ашё, материаллар учун синов баённомалари;
- сифат тизими (ишлаб чиқариш) учун сертификат;
- гигиеник сертификат ва норматив хужжатда белгиланган бошқа талаблар ҳақидаги маълумотлар;

Декларация қўйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- декларация тақдим этувчи маҳсулот етказувчининг номи ва манзили;
- маҳсулотнинг номи, тур ёки модел рақами, шунингдек, қўшимча ахборот (партия ёки серия рақами, нав ва ҳ.к.лар);
- ҳаволалар бериладиган норматив хужжатнинг аниқ ва тўлиқ номи;
- маҳсулотнинг чиқарилган санаси, партия ёки сериянинг ҳажми, яроқлилик ва транспортга юкланган муддати;
- декларация тақдим этилган сана;
- маҳсулот етказувчи томонидан иш олиб борувчи ваколатли шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими ва имзоси;
- сифат тизимининг сертификатлаштирилганлигига ҳавола;
- синов лабораториясининг номи, манзили ва унинг аккредитлаганлигига ҳавола.

Сертификатлаштириш бўйича орган тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини текшириб, тақдим этилган ҳужжатларнинг идентификациялашни ўтказади, декларацияланган маҳсулотни идентификациялашни ўтказади ва талабномани кўриб чиқиш чоғида ижобий натижалар олинган ҳолда у берилган санадан беш иш куни давомида декларацияни тегишли рўйхатга киритади ва белгиланган тартибда мувофиқлик сертификати беради.

Номувофиқлик, тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончсизлиги аниқланган ҳолда ёки декларацияланган маҳсулотни идентификациялаш натижалари салбий бўлган ҳолда сертификатлаштириш бўйича орган талабнома берувчига декларацияни рўйхатга олиш ва сертификат бериш масаласи бўйича ёзма рад жавоби жўнатади.

Ўз маҳсулотини декларациялаб, талабнома берувчи норматив ҳужжатлар талаблари ўзгарган ҳолда янги декларацияни тақдим этган ҳолда сертификатлаштириш бўйича органни хабардор қилиши керак, маҳсулот етказувчи эса, чиқариладиган маҳсулотнинг норматив хужжатнинг барча талабларига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган барча чораларни

кўришга мажбур.

Маҳсулот етказувчи декларацияланган маҳсулотни мувофиқлик белгиси билан маркировкалаши мумкин. Декларация асосида берилган сертификатнинг амалда бўлиш даврида маҳсулотнинг мувофиқлигини қайтадан баҳолашни амалга ошириш талаб этилмайди. Декларациялаш ҳақидаги қоидада апелляция процедураси кўзда тутилган.

#### **10.4.Назорат саволлари:**

1. Сертификатлаштириш бўйича 1-схемани тавсифланг.
2. Сертификатлаштириш бўйича 2-схемани тавсифланг.
3. Сертификатлаштириш бўйича 3-схемани тавсифланг.
4. Сертификатлаштириш бўйича 4-схемани тавсифланг.
5. Сертификатлаштириш бўйича 5-схемани тавсифланг.
6. Сертификатлаштириш бўйича 6-схемани тавсифланг.
7. Сертификатлаштириш бўйича 7-схемани тавсифланг.
8. Сертификатлаштириш бўйича 8-схемани тавсифланг.
9. Сертификатлаштириш бўйича 9-схемани тавсифланг.
10. Мувофиқликни декларация қилишни тасдиқлаш қай тарзда амалга оширилади ?
11. Маҳсулотни декларация қилиш учун уни етказувчи аккредитланган органга тақдим этадиган талабномага қандай хужжатларни илова қиласи ?
12. Сертификатлаштириш бўйича орган қайси ҳолда ва қайси муддатда декларацияни тегишли рўйхатга киритади ва белгиланган тартибда мувофиқлик сертификати беради ?
13. Сертификатлаштириш бўйича орган қайси ҳолда декларацияни рўйхатга олиш ҳақидаги талабномага рад жавобини беради ?

## **10.6. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1.Ўзбекистон Республикасининг ”Маҳсулот ва хизматларни сертифи-  
катлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, 28.12.1993й.

2.Ўзбекистон Республикасининг ”Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя  
қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 26.04.1996й.

3.Ўзбекистон Республикасининг ”Озиқ-овқат маҳсулотларининг  
сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, 30.08.1997й.

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИНИ ЯРАТИШДА  
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАРНИНГ  
УМУМИЙ РЎЙХАТИ**

**Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент “Ўзбекистон” нашриёти, 2003 йил. -40 бет.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “4-Интеллектуал мулк” бўлими. 1996 йил 29 август, 256-1 сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-312 сон Қонуни билан охирги ўзгартиришлар киритилган).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. 24.05. 2011й.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида” ги Қонуни (06.05.1994й.). Мазкур Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 26.12.1997й. № 549-1 Қонуни билан тасдиқланган.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳукуқи ва турдош ҳукуқлар тўғрисида” ги Қонуни. (30.08.1996 й.). Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 20.07.2006 й. N ЎРҚ -42 – сон Қонуни, ЎзР 21.12.2011 й. ЎРҚ -311 – сон Қонуни, ЎзР 29.12.2012 й. ЎРҚ -345 – сон Қонуни, ЎзР 07.10.2013 й. ЎРҚ -355 – сон Қонуни.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида” ги Қонуни (30.08.2001й.). Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 30.08.2002 й. 405-11- сон Қонуни, ЎзР 19.09.2007 й. ЎРҚ -111 – сон Қонуни, ЎзР 26.12.2011 й. ЎРҚ -312 – сон Қонуни, ЎзР 29.12.2012 й. ЎРҚ -345 – сон Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикасининг ”Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни. (06.05.1994й. N 1060-Х11). Мазкур Қонунга қуйида-гиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 05.04.2002й. 364 –11- сон Қонуни, ЎзР 30.08.2002 й.405–11- сон Қонуни, ЎзР 26.12.2011 й. ЎРҚ -312 –сон Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикасининг ”Интеграл микросхемалар топологиясини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. (12.05.2001й. N 218-11). Мазкур Қонунга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган: ЎзР 30.08.2002й. 405 –11- сон Қонуни, ЎзР 26.12.2011й. ЎРҚ -312 – сон Қонуни.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонуни. (18.09.2006й. ЎРҚ -51 – сон Қонуни).

10. Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги Қонуни. (30.08.1996й. N 270-1 – сон Қонуни). Мазкур Қонуннинг янги таҳрири ЎзР 29.08.2002й. 395 –11- сон Қонунига мувофиқ тасдиқланган ва унга ЎзР 26.12.2011й. ЎРҚ -312 – сон Қонунига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

11. Ўзбекистон Республикасининг “ Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун хужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида” ги Қонуни, 2011 йил 26 декабр, ЎРҚ-312 сон

12. Патентоведение: Учебное пособие / К. Шакамолов; Ташкентский государственный технический университет, Ташкент, 2001г. -175с.

13. Ўзбекистон Республикасининг ”Фаолиятнинг айrim турларини лицензиялаш тўғрисида”ги Қонуни, 25.05.2000й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 8-модда; ЎР ҚҲ 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2011 й., 36-сон, 363-модда; 2013й., 18-сон, 233-модда; 2014 й., 50-сон, 588-модда.

14. Вчерашия М.Р. Современные тенденции в международной лицези-

онной торговле. “Вопросы изобретательства”, -М.: 1997г. -181 с.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 24.12. 1998й. Мазкур Қонунга қуидагиларга мувофиқ ўзгартитиришлар киритилган: ЎзР 12.12.2003 й. 568-II-сон Қонуни, ЎзР 10.10.2006 й. ЎРҚ-59-сон Қонуни, ЎзР 31.12.2008 й. ЎРҚ-197-сон Қонуни, ЎзР 29.12.2012 й. ЎРҚ-345-сон Қонуни

16. Бейки П., Киндхэм Д.Р. Методы управления инновациями: факторы успеха новых фирм». -М.: Акад.нар.хоз-ва, 1996г.- 35с.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуни. 28.12.1993й. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; ЎР ҚХТ 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2009 й., 15-сон, 172-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда, 41-сон, 543-модда).

18. Ўзбекистон Республикасининг ”Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуни, 28.12.1993й. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; ЎР ҚХТ 2006 й., 14-сон, 113-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда).

19. Ўзбекистон Республикасининг ”Истеъмолчилар хуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, 26.04.1996й. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 74-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; ЎР ҚХТ 2005й., 51-сон, 374-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2008 й., 14-15-сон, 90-модда; 2010й., 40-41-сон, 343-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда, 2014 й.4-сон, 45 модда).

20. Ўзбекистон Республикасининг ”Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, 30.08.1997й. Мазкур Қонунга Қуидагиларга мувофиқ ўзгаришишлар киритилган: ЎзР 25.04.2003 й. 482-11 сон Қонуни; ЎзР 06.04.2006 й. ЎРҚ-31 сон Қонуни;

21. Ўзбекистон Республикасининг “Ўсимликларнинг карантини тўғри-

сида” ги Қонуни, 31.08.1995й. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг Ахборотномаси, 1995й., 9-сон, 188-модда; 1996й., 9-сон, 144-модда; 1997й., 4-5 сон, 126-модда; ЎР ҚХТ 2009й., 52-сон, 555-модда).

22. Сергеев А.Г., Латышев М.В., Терегеря В.В. “Метрология, стандартизация, сертификация. Учебное пособие. –М.: Логос, 2003г, -536 с.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. <http://intellect.uz/patent/zakon1.htm>
2. <http://standart.gov.uz>
3. <http://ima.uz>
4. <http://uzaci.uz>
5. <http://lexx.uz>

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
1. ҚИСМ. ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР .....	5
1- БЎЛИМ.....	6
1. Интеллектуал мулк объектлари ва унинг турлари.....	6
1.1. Интеллектуал фаолиятни нг жамият тараққиётидаги ўрни.....	6
1.2. Интеллектуал мулк объектлари ва унинг турлари.....	6
1.3. Интеллектуал мулк хуқуқи.....	8
2. Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш соҳасидаги қонунчилиги.	
Мутлақ хуқуқлар. Уларни ҳимоялаш бўйича хужжатларининг турлари.	
Ҳимоя муддати.....	11
2.1. Ўзбекистон Республикасининг интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш соҳасидаги қонунчилиги.....	11
2.2. Мутлақ хуқуқлар.....	14
2.3. Мутлақ хуқуқларни ҳимоялаш бўйича хужжатларининг турлари . Ҳимоя муддати.....	17
3. Ихтиро ва ихтиронинг патентга лаёқатлик шартлари.....	23
3.1. Ихтиро тушуечасини нг таърифи ва ихтиро турлари .....	23
3.2. Ихтирони тавсифловчи жиҳатлар.....	25
3.3. Ихтиронинг патентга лаёқатлик шартлари.....	26
3.4. Ихтиро аналоги ва прототипи. Ихтиронинг саноатда кўлланиши мезони.....	28
4. Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаси. Интеграл микросхемалар топологияси.....	30
4.1. Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаси.....	30
4.2. Интеграл микросхемалар топологияси.....	33

<b>2- БЎЛИМ.....</b>	<b>38</b>
5. Лицензия битимлари ва уларнинг таснифи .....	38
5.1. Лицензия битимларининг моҳияти.....	38
5.2. Лицензияларнинг таснифи.....	38
5.3. Лицензия баҳосини ҳисоблаш усувлари.....	41
6. «Инновация» тушунчаси. Инновацияларнинг таснифи.	
Инновацион лойиҳани шакллантириш ва унинг бажарилиш босқичлари.....	47
6.1. «Инновация» тушунчаси.....	47
6.2. Инновацион лойиҳаларнинг таснифи.....	48
6.3. «Инновацион инфратузилма», «технопарк », «технополис» тушунчалари.....	49
6.4. Инновацион лойиҳаларнинг ўзига хос жиҳатлари.....	50
6.5. Венчур фонди.....	52
6.6. Инновацион лойиҳани шакллантириш ва рўёбга чиқариш босқичлари.....	54
3-БЎЛИМ.....	57
7. Мувофиқликни баҳолашга оид асосий тушунчалар.	
Сертификалаштириш тизими.....	57
7.1. Мувофиқликни баҳолашга оид асосий тушунчалар.....	57
7.2. Сертификалаштириш тизими.....	58
8. Миллий сертификатлаштиришнинг ҳукуқий асослари .....	57
8.1. Ўзбекистон Республикасининг сертификатлаштиришнинг ҳукуқий асосларига оид қонунчилиги.....	61
8.2. Ўзбекистон Республикасида аккредитлаш тизими.....	64
9. Сертификатланган маҳсулотнинг инспекция назорати.....	69
10. Сертификатланган маҳсулотни давлат рўйхатидан ўтказиш.	
Сертификатлаштириш бўйича органларнинг фаолиятини ташкиллаштириш.....	73

10.1. Сертификатланган маҳсулотни давлат рўйхатидан ўтказиш.....	73
10.2. Сертификатлаштириш бўйича органларнинг фаолиятини ташкиллаштириш.....	78
 2-ҚИСМ. ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР	
МАТЕРИАЛЛАРИ.....	85
1-амалий машғулот. Патент тадқиқотларининг турлари.....	85
2-амалий машғулот. Патент тадқиқотларини ўтказиш босқичлари.....	89
3-амалий машғулот. Ихтирога патент олиш учун талабнома бериш тартиби. Ихтирога патент олиш учун бериладиган ҳужжатларнин таркиби.....	94
4-амалий машғулот.Патент олиш учун талабноманинг “Ихтиро тавсифи” ва “Ихтиро формуласи” ҳужжатларини тузиш.....	101
5-амалий машғулот.Саноат намунасининг патентга лаёқатлилик шартлари.....	110
6-амалий машғулот.Товар белгисини олиш учун талабнома тузиш ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби.....	115
7-амалий машғулот. Халқаро патент таснифлагичи (классификатори).....	120
8-амалий машғулот. Чет элларда ихтирони патентлаш. Париж конвенцияси процедуralари.....	123
9-амалий машғулот. Сертификатлаштириш қоидалари ва тартиби.....	127
10-амалий машғулот. Маҳсулотнинг мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш учун синовлар.....	132
10-амалий машғулот. Сертификатлаштириш схемаларини қўллаш.....(давоми)	133
 ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАНИ ТАЙЁРЛАШДА ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	
	139

“Патентшунослик, лицензиялаш ва  
сертификатлаштириш” фанидан  
ўқув қўлланма

Муаллиф –ф.м.ф.н., доцент  
Н.Юнусов

Масъул мухаррир – т.ф.н. профессор  
Р.И.Исаев  
Муассиҳ - Исмоилова Д.М.

- сонли буюртма, 9 босма табоқ  
ТАТУ “Алоқачи” нашриёт-матбаа марказида чоп этилди.  
Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108 уй.



